

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЬАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“ЧОЛГУ ИЖРОЧИЛИГИ (ТУРЛАРИ БЎЙИЧА)” ЙЎНАЛИШИ

**“ЧОЛГУ ИЖРОЧИЛИГИДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ”
модули бўйича**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Чолғу ижрочилигидан инновацион ёндашув

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи қенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

ЎзДСМИ “Чолғу ижрочилиги” кафедраси мудири, профессори Тошматов
Ўрозали Ғафурович

ЎзДК “Халқ чолғуларида ижрочилик” кафедраси мудири, профессор в.б.
Мирпаязов Баходир Алимович

ЎзДСМИ “Чолғу ижрочилиги” кафедраси профессори Жумаев Собир
Сайдович

Ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
кенгашининг 2019 йил _____ даги ___-сонли қарори билан нашрга
тавсия қилинган.

Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув
МУНДАРИЖА

| | |
|--|----------------|
| I. ИШЧИ ДАСТУР | 4 |
| II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ..... | 14 |
| III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР | 19 |
| IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ | 69 |
| V. V. КЕЙСЛАР | |
| БАНКИ..... | Ошибка! |
| Закладка не определена. | |
| VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ..... | 10017 |
| VII. ГЛОССАРИЙ | 118 |
| VIII. АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ | 101 |

Чолғу ижро чилигіда инновацион ёндашув

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиши усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, қўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг чолғу ижро чилиги соҳасига оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптималь

Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув

қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқувтарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифалари**га қуйидагилар киради:

“Чолғу ижрочилиги” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Чолғу ижрочилиги” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Чолғу ижрочилигиде инновацион ёндашув” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

Чолғу ижрочилигига инновацион ёндашув

- чолғу ижрочилиги фанларини ўқитишдаги илфор хорижий тажрибаларни;
- чолғу ижрочилигига эришилган янги илмий натижалар, яратилган илмий адабиётларни;
- республика ва хорижда чолғу ижрочилиги йўналиши бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва уларнинг натижаларини;
- ижрочилик турларини ўзлаштиришнинг услугбий асосларини;
- якка ва жамоавий ижронинг ривожланиш тенденцияларини;
- замонавий талабларда машғулотларни ташкил қилишнинг илмий ва амалий асосларини;
- чолғу ижрочилиги фанларини ўқитишда сўнгги йилларда эришилган ютуқларни;
- чолғу ижрочилиги соҳасидаги таълим мазмуни узвийлиги ва интеграциясини таъминлашда новаторлик ва анъанавийлик мезонларини;
- чолғу ижрочилигидаги замонавий йўналиш ва услублар ҳамда тенденцияларни **билиши** лозим.

Тингловчи:

- чолғу ижрочилиги йўналиши бўйича янги электрон ўқув адабиётларни яратиш ва улардан фойдаланиш;
- чолғу ижрочилиги йўналиши бўйича хорижий тилдаги манбалардан фойдалана олиш;
- анъанавий ўқитиш услубарини замонавийлаштириш;
- чолғу ижрочилигига илфор маҳаллий ва хорижий тажрибалардан фойдаланиш;
- чолғу ижрочилигидаги модернизация ва ўзгаришларни ўзлаштирган ҳолда унинг мазмун-моҳиятини талabalарга етказиш;
- чолғу ижрочилигидаги фанларни ўқитишда инновацион технологияларни қўллаш;
- чолғу ижрочиларини тайёрлашда репертуар танлаш;
- гурухли ва якка машғулотларни режалаштириш;
- ижро техникасини ўстириш;
- санъат маҳсулининг бозор қийматини аниқлай олиш;
- якка тартибда, жамоалар билан ишлашда замонавий услубларни қўллаш;
- чолғу ижрочилигига таниқли маҳаллий ва хорижий ижодкорларнинг асарлари билан танишиш, таҳлил эта олиш **кўнимкамаларига** эга бўлиши лозим.

Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув

Тингловчи:

- чолғу ижрочилиги таълимида аудио ва видео ёзувларини яратиш ва қўллаш;
- мусиқий асарларни ўзлаштиришда анъанавий ва замонавий услубларни қўллаш;
- чолғу ижрочилиги фанларини ўқитишида замонавий техник воситалардан фойдаланиш;
- чолғу ижрочилигиде замонавий услублар ва жаҳон тажрибасидан самарали фойдаланиш;
- якка тартибда, жамоалар билан ишлашда ижро малакаларини ўстириш;
- гурухли ва якка тартибдаги машғулотларни ташкил этиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- чолғу ижрочилиги соҳасида машғулотларни юқори савияда ташкил этиш;
- машғулотларни илғор педагогик ҳамда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш ва бошқариш;
- гурухли ва якка тартибдаги машғулотлар учун тегишли фанлар бўйича модулларни ишлаб чиқиш ва модул тизими асосида машғулотларни ташкил этиш;
- чолғу ижрочилиги соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш **компетенциясига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Чолғу ижрочилигиде инновацион ёндашув” курси назарий ва амалий машғулотлар ҳамда масофавий таълим шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақллий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув” модули мазмуні ўқув режадаги “Ихтисослик фанларини ўқитишининг замонавий методикаси”, “Чолғу ижрочилигіда барқарор тараққиёт ва номоддий маданий мерос” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар чолғу ижрочилиги соҳасида машғулотларни юқори савияда ташкил этиш; машғулотларни илғор педагогик ҳамда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш ва бошқариш; гурӯхли ва якка тартибдаги машғулотлар учун тегишли фанлар бўйича модулларни ишлаб чиқиш ва модул тизими асосида машғулотларни ташкил этиш; чолғу ижрочилиги соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш компетенцияларига эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

| T.p. | Мавзулар | Ҳаммаси | Аудитория ўқув юкламаси | | |
|------|--|---------|-------------------------|----------|--------|
| | | | Жами | жумладан | |
| | | | | назарий | амалий |
| 1 | Чолғу ижрочилиги соҳасида инновацион таълим. Мусиқий таълимда инновацион технологиялардан фойдаланиш масалалари | 2 | 2 | 2 | |
| 2 | Мусиқа чолғулари ривожида инновацияларнинг ўрни. Созанданинг характеристларидан мусиқий ифодани бойитишида фойдаланиш муаммолари | 2 | 2 | 2 | |

Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув

| | | | | | | |
|-------|---|-----------|-----------|----------|-----------|--|
| 3 | Мусиқий таълимда замонавий рақамли технологиялардан фойдаланиш | 2 | 2 | 2 | | |
| 4 | Профессионал мусиқа ижрочиларни тайёрлаш жараёнида медиа технологияларнинг ўрни | 2 | 2 | | 2 | |
| 5 | Халқаро танловларнинг инновацион жараёнлардаги ўрни («Art open world» танлови мисолида) | 2 | 2 | | 2 | |
| 6 | Созанданинг ҳаракатларидан мусиқий ифодани бойитишда фойдаланиш муаммолари | 2 | 2 | | 2 | |
| 7 | Мусиқий таълимда фойдаланиладиган мультимедиа лойиҳаларининг турлари ва шакллари | 2 | 2 | | 2 | |
| 8 | Мусиқий таълимни замонавийлаштиришда давлат сиёсати | 2 | 2 | | 2 | |
| Жами: | | 16 | 16 | 6 | 10 | |

Чолғу ижрочилигида инновацион ёндашув

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Чолғу ижрочилиги соҳасида инновацион таълим. Мусиқий таълимда инновацион технологиялардан фойдаланиш масалалари

(2 соат)

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий фаолият йўналишлари. Унинг барқарор тараққиёни таъминлаш йўлида олиб бораётган сиёсати. БМТнинг “Барқарор тараққиёт дастури”нинг моҳияти. Барқарор тараққиёт масалаларининг Оператив Йўриқномада акс эттирилиши. Барқарор тараққиётни таъминлашда номоддий маданий мероснинг ўрни. ЮНЕСКО конвенциялари. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича халқаро Конвенция. Оператив Йўриқнома. Конвенция органлари. Конвенция рўйхатлари ва Реестри. Иштирокчи давлатларнинг вазифалари.

2-мавзу: Мусиқа чолғулари ривожида инновацияларнинг ўрни. Созанданинг ҳаракатларидан мусиқий ифодани бойитишда фойдаланиш муаммолари

(2 соат)

Мусиқий таълим мазмунини ўзgartиришда инновациялар. Мусиқа таълими педагогларининг профессионал компетентлигини аниқлаш ва таҳлил қилиш борасидаги тадқиқотлар. Мусиқачиларни тарбиялашда янги педагогик технологияларни қўллаш. Мусиқани ўргатишда масофавий таълим ва кўчма машғулотлардан фойдаланиш.

3-мавзу: Мусиқий таълимда замонавий рақамли технологиялардан фойдаланиш (2 соат)

Инновацион технологиялар ва уларнинг турлари. Таъминот (аудио, видео, нота нашрлари ва бошқалар) билан боғлиқ инновацион технологиялар. Ўқитиши билан боғлиқ (педагогик) инновацион технологиялар. Ташкилий жараён билан боғлиқ инновациялар. Бошқарув билан боғлиқ инновациялар. Устоз-шогирд услубида инновациялар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Амалий машғулотлар қуйида келтирилган режалар асосида ташкил этилади. Амалий машғулотлар тингловчиларнинг таклиф этилаётган

Чолгу ижрочилигидаги инновацион ёндашув

мавзуга бўлган муносабатини ёзма, оғзаки жавоб ёки амалий ижро кўринишларида ифода этишлари учун имкон яратиши қўзда тутилган. Амалий машғулотлардаги режалаштирилган масалалар педагог томонидан махсус тайёрланган тарқатма материаллар, ёзма манбалар, қўшимча воситалар, шунингдек оркестр ёки хор жамоалари билан амалий ишлаш орқали тингловчиларнинг фаоллигини ошириш учун хизмат қилиши керак.

1-амалий машғулот: Профессионал мусиқа ижрочиларни тайёрлаш жараёнида медиа технологияларнинг ўрни (2 соат)

Аввалдан режалаштирилган ҳолда тингловчилар орасида номоддий маданий мероснинг соҳалари бўлинади ва ҳар битта тингловчи номоддий маданий мероснинг тегишли соҳаси бўйича ўз маълумотларини тақдимот (презентация) кўринишида тақдим этади. Тингловчилар томонидан соҳага оид бўлиб, қамраб олинмаган тур ва жанрлар мухокама этилади ва тўлдирилади. Номоддий маданий мероснинг рўйхатларига киритилган номзодлар ўрганилади, яна қайси номзодларни рўйхатга киритиш ёки чиқариб ташлаш, бошқа рўйхатга ўтказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.

2- амалий машғулот: Халқаро танловларнинг инновацион жараёнлардаги ўрни («Art open world» танлови мисолида) (2 соат)

Ҳар битта тингловчи ўз мусиқа йўналиши бўйича ўзининг педагогик фаолиятида номоддий маданий меросдан қай даражада фойдаланаётганлиги тўғрисида маълумот беради. Мунозара ва баҳс ёрдамида тегишли педагогнинг фаолиятига баҳо берилади. Ҳар бир жанр, тур бўйича номоддий маданий меросдан самарали фойдаланиш масалалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилишига эришилади. Ҳудудий мусиқий услубларнинг умумий ўзбек мусиқа маданиятидаги ўрни ва улар бўйича қўникмаларнинг талабалар томонидан яхши ўзлаштирилиши учун зарур бўлган топшириклар берилади.

3- амалий машғулот: Созанданинг ҳаракатларидан мусиқий ифодани бойитишда фойдаланиш муаммолари (2 соат)

Таълим муассасаларида ўзбек халқ куй ва қўшикларидан фойдаланиш тажрибаси, халқ томонидан ижод этилган мусиқий намуналарни қайта ишлаш ва замонавий мусиқий жанрларда фойдаланиш услублари ва техникаси, халқ куй ва қўшикларидан замонавий мусиқа ижодиётида фойдаланиш бўйича жаҳон тажрибаси, Ўзбекистон композиторларининг замонавий мусиқа ижодиёти, миллий мусиқа рухини сақлаган ҳолда замонавий мусиқа ижодиётида қадимий куй ва қўшиклардан фойдаланиш масалалари биргаликда мухокама этилади ва тингловчилар томонидан ушбу

Чолғу ижрочилигидан инновацион ёндашув

күтарилигандан масалалар бўйича амалий топшириклар бажарилиши таъминланади.

4- амалий машғулот: Мусиқий таълимда фойдаланиладиган мультимедиа лойиҳаларининг турлари ва шакллари (2 соат)

Тингловчилар Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига ташриф буюрадилар. Улар Халқ ижодиёти факультети тасарруфидаги Чолғу ижрочилиги, Фольклор ва этнография, Вокал, Анъанавий қўшиқчилик кафедралари фаолияти, номоддий маданий меросни муҳофазаси йўлида мазкур кафедралар томонидан олиб борилаётган ишлар билан танишадилар. Кафедралардаги мусиқий жамоалар: хор, оркестр, ансамблларда миллий мусикалар, фольклор асарлари қай даражада ўзлаштирилаётганлиги билан ҳам танишадилар.

5- амалий машғулот: Мусиқий таълимни замонавийлаштиришда давлат сиёсати (2 соат)

Тингловчилар Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаларининг чолғу ижрочилиги (оркестр, ансамбллар) жамоаларининг репетиция жараёнига ташриф буюришади. Репетиция жараёни давомида тингловчиларнинг тегишли жамоа аъзолари ва раҳбари билан мулоқот қилиши, уларнинг ишида (хоҳишга кўра) иштирок этишига йўл қўйилади. Тингловчилар мусиқий жамоанинг репертуари, унга киритилган мусиқий асарлар, урф-одат ва маросимлар, иштирокчилар фойдаланаётган мусика чолғулари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра сухбатлари (қўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (loyiҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Мустақил таълимни ташкил этишининг шакли ва мазмуни.

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш.

ІІ. МОДУЛНИ ҮҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Ақлий ҳужум (брейнстроминг-ақллар түзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жавоавий юзага келтириш.

Ақлий ҳужум ва масалани ечиш босқичлари

1. Мустақил фикрланг хаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қоғозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар тақрорланаётган бўлса, маҳсус белги қўйинг.
3. Ғояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гурӯҳ ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган ғоялар гурӯҳ муаммосини ечиш учун гурӯхлаштириш мумкин.
6. Гурӯхнинг умумий жавоби шакллантирилади.

Инсерт - самарали үқишиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил үқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан таълим олувчига вазифа қилиб берилади. Уни үқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
(+) – янги маълумот.
(-) – мен билган нарсага зид.
(?) – менинди ўйлантириди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

| Тушунчалар | V | + | - | ? |
|--------------------------------------|---|---|---|---|
| Таълим методи ва таълим технологияси | | | | |
| Таълимда интерфаол методлардан | | | | |

Чолгу ижрочилигидаги инновацион ёндашув

| | | | | |
|---|--|--|--|--|
| фойдаланиш йўллари | | | | |
| Таълим ва тарбияни ташкил этиш шакллари | | | | |
| Педагогик технологияларнинг хусусиятлари | | | | |
| Педагогик технология турлари | | | | |
| Педагогик технологиянинг ривожланиш назарияси | | | | |
| Педагогик технологияларнинг самарадорлиги | | | | |

"Қарама-қарши муносабат" методи

Метод ўз моҳиятига қўра ўзлаштирилган билимларни таҳлил ва синтез қилиш асосида асосий ҳамда иккинчи даражали маълумотлар сифатида гуруҳларга ажратиш имконини беради. Методни қўллашда қўйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- мавзунинг умумий мазмуни ёдга олиниб, унинг аҳамиятини ёритувчи таянч тушунчалар аниқланади;
- улар муайян кетма-кетликда қайд этилади;
- тушунчалар шахсий ёндашув асосида муҳим ва у қадар муҳим бўлмаган тушунчалар тарзида гуруҳланади;
- жадвал яратилиб, унинг 1-устунига муҳим бўлган, 2-устунига муҳим бўлмаган тушунчалар ёзилади;
- кичик гуруҳлар асосида шахсий ёндашувлар муҳокама қилинади;
- жамоанинг умумий фикрига қўра якуний хулосани ифода этувчи жадвал яратилади.

"Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим" методи


Ушбу метод талабаларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Методни қўллаш жараёнида талабалар билан гуруҳли ёки оммавий ишлаш мумкин. Гуруҳ шаклида ишлашда машғулот якунида ҳар бир гуруҳ томонидан бажарилган фаолият таҳлил этилади. Гуруҳларнинг фаолиятлари қўйидаги кўринишда ташкил этилиши мумкин:

- 1) ҳар бир гуруҳ умумий схема асосида ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради ва машғулот якунида гуруҳларнинг муносабатлари лойиҳа бандлари бўйича умумлаштирилади;
- 2) гуруҳлар умумий схеманинг алоҳида бандлари бўйича ўқитувчи томонидан

Чолгу ижрочилигида инновацион ёндашув берилган топшириқларни бажаради.

Ўкув фаолияти бевосита ёзув тахтаси ёки иш қоғозида ўз аксини топган кўйидаги схема асосида ташкил этилади:

17-шакл



Методдан фойдаланиш учbosқич асосида амалга оширилади, яъни:

1. Талабаларнинг ўрганилиши режалаштирилаётган мавзу бўйича тушунчаларга эгалик даражалари аниқланади.

2. Талабаларнинг мавзу бўйича мавжуд билимларини бойитишга бўлган эҳтиёжлари ўрганилади.

3. Талабаларни мавзуга оид маълумотлар билан батафсил таништирилади.

Босқичлар бўйича амалга оширилган ҳаракатларнинг тўлиқ тафсилоти кўйидагича:

- *Талабалар гуруҳларга биректирилади;*
- *Талабаларнинг янги мавзуга оид умумий маълумотлар билан таништиради;*
- *Талабалар томонидан қайд этилган тушунчалар лойиҳанинг 1-бандига ёзиб борилади;*
- *Талабаларнинг янги мавзу бўйича мавжуд билимларни бойитишга бўлган эҳтиёжлари сифатида баён этилган тушунчалар лойиҳанинг 2-бандига ёзиб қўйилади;*
- *ўқитувчи Талабаларни янги мавзуга оид умумий маълумотлар билан таништиради;*
- *Талабалар ўзлаштирган янги тушунчалар аниқланади;*
- *баён этилган янги тушунчалар лойиҳанинг 3-бандига ёзиб қўйилади;*
- *машгулот якунида ягона лойиҳа яратилади.*

Кейс -стади методи.

Кейс-стади (инглизча case - тўплам, аниқ вазият, stadi -таълим) кейсда баён қилинган ва таълим олувчилик муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган таълим услубидир.

Чолгу ижроочилигиде инновацион ёндашув

Кейс – бу реал хаётнинг «бир бўлаги» (инглиз терминалогиясида TRUE LIFE).

Кейс – фақат вазиятни тўғри ёритиш эмас, балки вазиятни тушунтириш ва баҳолашга имкон берадиган ягона маълумот комплекси.

Кейсда акс этган вазият, бу реал ёки сунъий ҳодисани институционал тизимда маълум вақтда ҳаётда юзага келишини акс эттиради.

Кейсда баён қилинган вазият институционал тизимда (шу ўринда ва кейинчалик - корхонада) дискрет (айни шу) вақтда ташкилий ҳаётдаги типик муаммоларни қайта яратадиган реал ёки сунъий қурилган ҳодисаларнинг идеал тарздаги инъикосидан иборатdir.

Муаммоли вазият. Мазкур ҳолда вазият субъектининг ҳозирги вақтда ёки келгусидаги мақсадларга эришишига хавф соладиган вазият тушунилади.

Муаммоли вазият. Бунда субъектни ҳозирги шароитда ёки келгусида мақсадига эришишига хавф туғдирувчи вазият тушунилади

“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

| Иш Босқичлари | Фаолият шакли ва мазмуни |
|---|--|
| 1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш | якка тартибдаги аудио-визуал иш; кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ахборотни умумлаштириш; ахборот таҳлили; муаммоларни аниқлаш |
| 2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш | индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муаммоларни долзарблик иэрархиясини аниқлаш; асосий муаммоли вазиятни белгилаш |
| 3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг эчимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш | индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муқобил эчим йўлларини ишлаб чиқиш; ҳар бир эчимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; муқобил эчимларни танлаш |
| 4-босқич: Кейс ечимини эчимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот. | якка ва гуруҳда ишлаш; муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; якуний хулоса ва вазият эчимининг амалий аспектларини ёритиш |

Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникумларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникумлар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўкув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

| | |
|--|---|
| <p>Тест:</p> <p>1 Модернизация бу...</p> <p> А. Такомиллаштириш, янгилаш</p> <p> Б. Янгилик киритиш</p> <p> С. Моделлаштириш</p> <p>2. Таълим мазмуни...</p> <p> А. Таълим мақсади ва унинг натижаларини белгиловчи мезон</p> <p> Б. Билим, кўникум, малакалар ва аҳлоқий-эстетик ғоялар тизими.</p> <p> С. Шахснинг меҳнат-касбий кўникумлар тизими</p> | <p>Блиц топшириқ:</p> <p><i>Инновацион жараён босқичларини тўғри кетма-кетлиқда жойлаштиринг:</i></p> <p>1.Янги ғояниниг пайдо бўлиши.</p> <p>2.Муайян соҳада ҳукмронлик қилиши.</p> <p>3.Янгиликни амалиётга татбиқ этилиши.</p> <p>4.Янги муқобилнинг пайдо бўлиши.</p> <p>5. Ихтиро қилиш, янгилик яратиш.</p> |
| <p>Тушунча таҳлили:</p> <p>Таълим сифати бу...</p> | <p>Амалий қўникум:</p> <p>Инновацион таълим шаклларига мисол келтиринг:</p> |

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. Чолғу ижрочилиги соҳасида инновацион таълим. Мусиқий таълимда инновацион технологиялардан фойдаланиш масалалари

Режа:

- 1.1. “Чолғу ижрочилигиде инновацион ёндашув” фани асослари.
- 1.2. “Ихтисослик фанларини ўқитишнинг замонавий методикаси” фанини ўқитишнинг мақсади ва вазифалари.
- 1.3. Мусиқа санъати фанларининг ўзига хос жиҳатлари.

Таянч иборалар: узлуксиз таълим, таълим тузилмаси, таълим хусусиятлари, мусиқа санъати, педагогик технологиялар, услубиёт, услугуб, восита.

1.1. “Чолғу ижрочилигиде инновацион ёндашув” фани асослари

Мусиқа – инсон маънавий оламининг таржимони, у инсон туйғусига таъсир этиш билан кишини маънавий жиҳатдан тарбиялади. Бугунги кунда мусиқа санъати инсонларга ва айниқса ёшларга кўтаринки рух бериши, уларни ижодкорликка, бунёдкорликка йўналтириши билан аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам юртимизда мусиқа санъатини ривожлантириш, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Болалар ва санъат мактаблари, коллеж-лицейлар, олий ўқув юртларидағи ўқув-тарбиявий ишларни замон талаблари даражасида ташкил этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Президентимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида: “Бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидоийлик билан кураша олиши мумкин”, дейилади. Бу борада мусиқа санъати орқали шу соҳа бўйича таълим-тарбия билан шуғулланувчи устоз-ўқитувчилар ёш истеъдодларга ғоявий етуклик ва ижро маҳоратларини ўстириш масалаларига жиддий эътибор беришлари талаб этилади.

Чолғу ижрочилигига инновацион ёндашув

“Маънавиятни йўқотсак, ўзимиз ва ўзлигимизни йўқотамиз. Маънавиятни юксалтирулар, ўз мурод-мақсадимизга етишда кучли мадад топамиз”.¹

Асрлар оша бизгача етиб келган миллий чолғуларимиз ва мусиқамизнинг ажойиб намуналари бугунги кунда ҳам ўзининг ранг-баранг жилоси, оҳанрабо куйлари билан кишиларга олам-олам завқ-шавқ ва ҳузур баҳш этиб келмоқда. Миллий мусиқа санъатимизни ҳар қачонгидан чуқурроқ ва атрофлича ўрганиш, уни ҳалқ ичида кенг тарғиб қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Чунки, ўзбек мусиқа маданияти ва унинг асосий қисмларидан бири бўлган чолғулар ва чолғу мусиқаси қадимдан бой ва мураккаб таъсирчан имкониятларга эга.

Жамият маънавий ҳаётини ривожлантириши кишиларнинг маънавият ва маърифат, маданият ва илм-фан тўғрисидаги тасаввурларининг нечоёлик илмийлиги, шунингдек, тўғри назарий ва амалий негизга қўйилганлиги билан боғлангандир.

Маънавиятни ривожлантириши соҳасидаги мустақиллик сиёсати маънавий ҳаёт, маданий тараққиётнинг умумий қонунларини илмий жиҳатдан янгича ишилаб чиқишни, маънавий-маърифий омилнинг демократик, инсонпарварлик тамойиллари ва бозор иқтисодиёти асосида қурилаётган янги жамиятда тутадиган ўрнини белгилаб олишини кун тартибига қўяди. Президентимиз И.А.Каримов алоҳида таъкидлаганидек, «Юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, аввало, униб-ўсиб келаётган янги авлоднинг ҳар томонлама баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун бўлиб вояга етиши учун кенг жамоатчилик ва аҳолимиз ўртасида маънавий-маърифий фаолиятимизни юксак даражага кўтаришининг аҳамияти беқиёсdir» (Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Тошкент, «Ўзбекистон», 2000 3-бет).

Чолғу ижрочилиги мусиқа санъати таркибида муҳим ўрин тутади. Чунки бунда асрлар давомида аждодлардан авлодларга узатиб келинаётган чолғулар ва уларнинг ижрочилик асослари анъанаси давом эттирилади. Мазкур “Чолғу ижрочилигига инновацион ёндашув” фанида олий таълим профессор-ўқитувчиларини чолғу ижрочилик методологияси билан таништиради. 2017 йил 8 августдаги ПҚ – 3178 – сонли “Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорида янги авлод ўқув адабиётларини яратиш вазифаси қўйилган.

“Чолғу ижрочилигига инновацион ёндашув” фанининг асосий мақсади – олий мусиқий таълим бўйича профессор-ўқитувчиларни фаннинг илмий ва

¹ И.А. Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”, Т.2008

Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув

методологик асослари орқали илмий-назарий билимларни чуқур эгаллаган, уларни амалиётда тадбиқ эта олиш кўникмаларини янада такомиллаштиришдан иборат. Пухта назарий билимлар ва амалий иш кўникмасига эга бўлган мутахассисларнинг малакасини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланган.

Республикамиз иқтисодиётининг барча соҳаларига меҳнат бозорида рақобатлаша оладиган, кенг ихтисосли, юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини мақбуллаштириш учун олий таълим тизими니 модернизациялаш, таълим йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар умумдавлат таснифлагичи, давлат таълим стандартлари, ўқув режа ҳамда дастурларини такомиллаштириш, самарали таълим технологияларини амалга жорий этиш, зарур моддий-техник ва ўқув-услубий база яратиш ҳамда улардан унумли фойдаланиш, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш, ўзига хос ўқув-илмий мажмуалар ва марказлар ташкил этиш кабиларга асосланиш зарур.

Маълумки, олий таълим тизими жараёни таҳсил олувчининг ўқиб-ўрганиш ва ўқитувчининг ўргатувчиликдан иборат ҳамкорлик фаолиятларини кўзда тутиб, профессор-ўқитувчилар томонидан таълим стандартлари даражасидаги билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатлар ўзлаштирилишини таъминлайдиган тизимдир.

Чолғу ижрочилиги ўқув предметларининг вазифаси танланган касб ва ихтисосликлар бўйича зарур ва етарли даражадаги билим, хатти-харакат усуллари (кўникма ва малакалар) ва шахсий фазилатларни шакллантиришдир.

Чолғу ижрочилиги ўқув предметларини ўрганиш жараёни ўзининг мақсади ва вазифалари, мазмуни, ташкил этиш шакллари, амалга ошириш методлари ва воситалари, ўрганиш ўрни (жойи), ажратилган вақт миқдорига кўра умумилмий ҳамда умумкасбий ўқув предметларидан фарқ қиласи.

Чолғу ижрочилиги ўқув предметларини мақбул ўқитиши деганда айни пайт ва шарт-шароитда энг кам вақт, зўриқиши кучлари, маблағ, материал кабилар сарфлаб имкон қадар юқори самара ҳамда сифатли натижага эришишни тушунамиз.

Маълумки, ҳозирги пайтда фаннинг ривожланиши табақаланиш ва мужассамлаштириш билан тавсифланади.

Фаннинг табақаланиши мавжуд фаннинг алоҳида бўлими мустақил тармоқ сифатида ажралиб чиқишида ўз ифодасини топса, илгари алоҳида-алоҳида бўлган бир неча фанлар туташган жойида янги, жадал ривожланувчи фанлар ҳосил бўлиши эса мужассамлаштиришни англатади. Мужассамлаштириш, энг аввало, объектлар моҳиятига чуқур кириб бориши

Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув

билин тавсифланади. Демақ, таълим тизимининг ривожланиши педагогикани табақаланишига замин яратди.

Методика учун ўзига хос масала кўрилаётган аниқ ўқув предметини ўқитиши мазмуни ҳисобланади: Ўқув предметини шаклланишида маълум фан соҳасидан илмий-амалий аҳамиятга эга ахборотларни танлаб олиш, уларни тизимлаштириш муҳим аҳамият касб этди. Бу масалаларни таълимий, тарбиявий, ривожлантириш ва қизиқтириш мақсадларидан келиб чиқкан ҳолда хусусий методикалар тадқиқ этади. Лекин, энг аввало аниқ фан ундан ўқув мақсадларида ажратиб олинган қисми, яъни ўқув предметининг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олинади. Таълим мазмунини аниқлашда умумий педагогика бир томонда қолиб кетмайди. Бироқ умумий педагогикада фан ва ўқув предмети дидактика нұқтаи назардан этарли даражада ишлаб чиқилмаган ҳисобланади, бу масала методика доирасида нисбатан кўпроқ ўз ечимини топади.

Машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш, талабаларнинг мустақил ишларини ҳамда ўқув предмети бўйича тўғарак ишларини ташкил этиш ва меъёрлаш, таҳсил олувчиликнинг фаол ўқув-билиш фаолиятларини таъминлаш йўлларини аниқлаш, таълим-тарбия методларини танлаб амалга жорий этиш, ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаб, баҳолаш каби масалаларда методика ўқув предмети мансуб бўлган фанга нисбатан кўпроқ дидактика ва инновацион таълим технологияларига таянади.

Бунда ихтисослик қайси касбга мансублиги, шунингдек, касбнинг ўзи қандай фаолият турига тегишли эканлигини ҳам аниқлаштиради. Аниқ йўналишда танлаб олинган таълим мазмуни юқоридан пастга “қаватма-қават” таҳлил этилади. Юқори қатлам иқтисодиёт соҳасига тегишли бўлса, ўрта қават касб-хунарга ва пастки қават алоҳида ихтисосликларга тўғри келади. Бундай ёндашув замонавий чолғу ижрочилиги таълими мазмунини шакллантириш муаммоси ечими сифатида эътироф этилмоқда. Чунки бунда касб ёки ихтисослик нұқтаи назаридан пастдан эмас, балки аниқ йўналиш доирасидаги касбий таълим мазмуни яхлит тизим сифатида юқоридан пастга томон тадқиқ этилади.

Таълим мазмунини танлаб олишга умумий ёндашувлар:

I. Таълимда узвийлик ўқув предметининг ташкилий қисмларининг тўғри нисбати ва зарурӣ боғлиқлигини таъмин этади.

Ўқув материалининг жойлашиши ва бу материални ўзлаштириш усулларини танлашдаги узвийлик қўйидаги икки омилни ҳисобга олиш билан амалга оширилади: Ушбу ўқув предмети тегишли фан мазмуни ва мантиқи ҳамда билимларни ўзлаштириш жараёнининг қонуниятларини, фаннинг мазмуни ва мантиғи ўқув предметининг узвийлигини таъмин этишда муҳим

Чолғу ижрочилигіда инновациян ёндашув

аҳамият касб этади: түшунча, қонунлар ва далиллар, ўқув предмети мазмунининг ўзаги хисобланиб, кетма-кет жойлашади ва ўрганилаётган соҳага оид билимларнинг кенгайиб боришини таъминлайди, олдингилари кейингилари билан узвий боғлиқ бўлади.

Билимларни ўзлаштириш жараёнининг қонуниятлари омили илмий билимларни тўғридан-тўғри ўқув предмети мазмуни сифатида талқин этилишига йўл қўймайди, унга дидактик ишлов беришни талаб этади. Шундай қилиб, узвийлик фақатгина тўғри чизиқли эмас, балки ўқув материалини концентрик жойлашувида ҳам амалга оширилади.

Узвийлик түшунчаларни кенг ва чуқур алоқадорлигини ўрганиш мазмунини бойитиш уни ўзлаштириш шаклларининг узвийлигини таъмин этади.

Узвийлик алоҳида ўқув предметларинигина эмас, балки турли ўқув предметларининг ўзаро муносабатларини ҳам қамраб олиши зарур. Бунинг учун турли ўқув предметларини ўрганишда объектларнинг турли жиҳатларини объектив алоқадорлиги асос ҳисобланади.

II. Таълим мазмуни аввал ДТС (ТТС), сўнгра ўқув режа ва дастури шаклида лойиҳалаштирилади.

Таълим мазмуни таълим жараёнининг асосий элементи (ташкил этувчи компоненти) ни ўзлаштириш натижасида ижтимоий мақсадларга эришилади. Ўзлаштирилиши зарур бўлган ижтимоий маданий тажрибанинг тавсифи ва ҳажми аниқ шарт-шароит, макон, замон, шунингдек, таълим муассасасининг тури ва даражасига мақсад ва вазифаларига боғлиқ бўлади.

Таълим мазмунини ташкил этувчи таркибий қисмлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: а) самарали амалий фаолият кўрсатиш тажрибаси, яъни меҳнат, иқтисодиёт, сиёsat ижтимоий ва бошқа соҳалардаги вазифаларни муваффакиятли бажариш. б) билиш тажрибаси атроф олам ривожланиши қонуниятларини англаш методлари ва натижалари; в) умумий мақсадларга эришиш жараёнидаги ижтимоий ўзаро таъсирлар тажрибаси; г) ахлоқий этик тажриба; д) маънавий- маданий тажриба ва шу кабилар.

Таълим мазмуни муайян таълим муассасаларида ўрганиладиган ўқув предметларини ўрганиш жараёнида ўзлаштирилади. Таълим мазмунининг тузилмаси, яъни турли элементларнинг ўзаро муносабатлари, кетма-кетлиги, давомийлигини ўқув режаси аниқлаб беради Шу пайтгача таълим мазмунини шакллантиришга ягона ёндашув ишлаб чиқилмаган. Амалда таълим мазмуни бажариладиган вазифаларнинг мураккаблик даражаси ва мазмунига биноан аниқланади.

1.2. Чолғу ижрочилиги услублари

Чолғу ижрочилигіда инновациян ёндашув

Санъат – миллатнинг маънавий мулки. Инсон камолотида мусиқанинг ўрни ва аҳамияти катта эканлиги мутахассис-олимлар томонидан исботланган. Айниқса, миллий оҳангларга йўғрилган мусиқанинг кишиларни бир мақсад йўлида жипслаштириш, уларни бунёдкорлик, ижодкорлик, гўзаллик сари илҳомлантириши сир эмас. Ҳар бир давр ўз ғояларини ўртага ташлайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев илгари сураётган ғоялардан бири “Истиқболни бирга қурамиз!”

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан янгилаш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратишга доир муҳим масалалар белгиланган. Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқишига хизмат қиласди. Шахс ахлоқий маданияти шаклланишида тизимли ва аниқ мақсадга йўналтирилган тарбиянинг ўрни ва аҳамияти бекиёсdir. Бунда ҳар бир инсонга индивидул тарзда ёндашиш ҳамда ахлоқий маданиятни камол топтиришнинг муҳим йўналиши ҳисобланган ўз-ўзини тарбиялашга алоҳида эътибор талаб қилинади. Ушбу вазифа ва талабларга таълим олувчиларимиз масъулият билан қараб, ўз касбий фаолиятларини ривожлантириш учун ҳаракат қилишлари лозим. Бунинг учун нашр этилган ўқув адабиётлар, илмий мақолалар, таниқли созандалар, санъат аҳли билан учрашувлардаги ибратли фикрлардан хулоса чиқариш, ўз фаолиятларида унумли фойдаланиш ижобий самара беради.

Ҳар бир чолғу ижрочилигининг ўзига яраша ва хос бўлган ижро услугига эга. Бу фаолият чолғуларда ижрочилик ҳолатини мукаммал эгаллашдан бошланиб, турли ижро йўналишларини таҳлил қилиш, маҳорат ошириш, назарий ва амалий билим, кўнимкамларни шакллантиришни тақозо этади. Ҳар бир бўлғуси ўқитувчи-устоз турли ўқув масканларининг ўз чолғуси бўйича тасдиқланган ДТС, қабул қилинган дастури, ўқув адабиётларини билиши, ҳар бир таълим олувчи-шогирдга индивидуал ёндашиб иш юритиши лозим бўлади. Масалан, мусиқада штрихлар бадиий асарнинг моҳиятини, характеристини ва бадиий ифодалилигини очиб берадиган ижро усулидир. Айрим адабиётларда штрих – «товуш чиқариш усули» деб ҳам аталади. Штрихларнинг ҳар бирини алоҳида изоҳлагандан товуш чиқариш усули ҳисобланса, бадиий асар ижросида эса улар мажмуаси ижро усуллари кўринишида намоён бўлади. Чолғу ижрочилиги бу ижодий жараён, чунки

Чолғу ижро чилигидан инновациян ёндашув

асардаги мәлум бир мусиқий жумлани турли штрихда ижро қилиб күрилгандан сүнг, шу жумла мазмунини очиб бера оладиган штрих усули танланади. Мусиқий педагогика ва мусиқашунослик соҳасидаги изланишлар, композиторлар ижоди, умуман мусиқанинг ривожланиши замонавий чолғу ижро чилиги ва ижро усулларининг ҳам ривожланишига асосий туртки бўлмоқда. Штрих устида сўз юритилар экан, ижро чиликда унинг аҳамияти жуда муҳимлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ўқитувчи шогирдига янги, нотаниш асарни ўргатар экан, ундаги ҳар бир жумла ижросида қандай штрихни қўллаш мақсадга мувофиқлиги устида ўйлаб кўриш, мақбулини танлаш лозим бўлади. Турли чолғулардаги ижрода асарнинг бадиий моҳиятига зарар етказмаслик йўлини излаш ва топиш муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, мусиқий педагогиканинг чолғу ижро чилик йўналишида гамма, учтовушлик ва машқлар ўқув жараёнинг ажralmas қисми бўлиб, уларни ўрганиш ва чалиш ўқув даврининг ҳамма босқичларида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ундан турли босқичларда турли мақсадларда фойдаланилади. Доимий равишда ўз устида ишламайдиган созанданинг ижро чилик фаолияти тез тугаб қолиши мумкин. Чунки, бу фаолият ижодий фаолият. Ижодий фаолият эса доимий изланиши, ижро чилик маҳорати устида мунтазам шуғулланиши талаб қиласди. Шунинг учун ўз-ўзидан, нафақат ўқув жараёнида, балки ижро чилик фаолиятининг охиригача гамма, учтовушлик ва машқларнинг аҳамияти бирдай сақланиб қолаверади. Машҳур созандаларнинг фаолиятига назар ташласак, бунинг исботини яққол кўришимиз мумкин.

Композитор ва ўз даврининг етук созандаси машҳур пианиночи С.Рахманинов «Бир кун чалмасам ўзим биламан, икки кун чалмасам дўстларим билади, уч кун чалмасам тингловчилар билади» деганида, машқ қилиш, шуғулланишининг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор исботлаган эди.

Гамма ва арпеджиолар устида ишлаш жараёни фақат ўқувчининг техник имкониятларинигина ривожлантириш бўлиб қолмасдан, балки гаммалар ёрдамида ижронинг бадиий ифодалилик кўнилмаларини тарбияловчи воситалардан бири деб қараш лозим. Ҳар қандай машқ ёки гамма аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиши керак. Гамма, учтовушлик ва машқларни чалиш онгли равишда зарурат даражасига айлансанагина, келажакда ижро чилик маҳоратини йўқотмай уни сақлай олиш ва ривожлантириш имконини беради. Шунинг учун ҳам ижро чилик фаолиятида гамма, учтовушлик ва машқларнинг аҳамияти бекиёсdir.

Ҳар бир халқ мусиқаси ва композиторлар яратган асарлар бой мусиқий безакларга эга. Мусиқий безакларсиз мусиқа ўзининг тўлиқ мазмун

Чолғу ижрочилигидә инновациян ёндашув

моҳиятини тараннум эта олмайди. Мусиқий безаклар күйни ҳар томонлама бойитади, унинг характерини очиб беришда муҳим ўрин тутади. Мусиқий безаклар ҳар-хил мелизмлар ва қочиримлардан иборат. Мелизмлар “трел”, “форшлаг”, “мордент”, “группетто” ва бошқа номлар билан аталиб, деярли барча халқлар күй ва қўшиқларида, композиторлар ижодида жуда кенг кўлланилади. Шашмақом асарлари ва мумтоз ўзбек куйларида учрайдиган безаклар мелизмлар деб аталиши билан бирга “қочирим”, “нола” деб ҳам юритилади. Улар миллий мусиқий безакларнинг барчасини ўз ичига олади, турли чолғулар ижросида турлича номланади, ижро этилади. Улар миллий мусиқамизнинг тўлақонли, ҳаққоний жаранглашига, күй оҳанглари жозибасини тўлиқ очиб беришга ёрдам беради. Таълим олувчилик ҳам бу фаолиятга ижобий ёндашишлари, мунтазам такрорлаш, янги маҳорат ошириш йўлларини излашлари талаб этилади. Таълим олувчининг ёши, қобилияти, истеъоди, характеристери, малакаси, қизиқиши инобатга олиниши ижобий натижага эришишда муҳим восита ҳисобланади.

Юртимиз мустақилликка эришгандан кейин, айниқса, миллий маданиятимизнинг серқатлам тарихига қизиқиш ва уни батафсил ўрганишга эътибор қаратилди. Археологик қазилмалар орқали топилган ҳайкалчаларни, узоқ асрлар давомида бунёд этилган маданий ёдгорликларни ўрганиш – мусиқий тадқиқотчиларимизнинг олдида турган муҳим вазифалардан бирига айланди. Машхур олимлар – Е.Э.Бертелс, А.Н.Болдирев, Б.Л.Рифтин, АА.Семёновларнинг изланишларидан олинган қимматли маълумотлар, қадимшунослар томонидан очилган янги-янги кашфиётлар мусиқа маданиятимиз тарихига зарҳал саҳифалар битили-шига асос бўлди. Жумладан, Айритом ва Термиз археологик экспедициялари (Рахбар: М.Е. Массон), Хоразм археологик экспедицияси (Рахбар: С.П.Толстов), Тожикистон археологик-этнография экспедицияси (Рахбарлар: А.М.Беленицкий, М.М.Дяконов, А.Ю.Якубовский), Жанубий-Туркманистон мажмуа экспедицияси (Рахбар: М.Е.Массон). Ўзбекис-ton Бадий академияси тасарруфидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ташаб-буси билан ташкил этилган экспедициялар кўхна маданиятимиз тарихини ёритишга ўз ҳиссасини қўшди (Рахбар: Г.А.Пугаченкова). Машхур олимлар К.В.Травер ва ВА.Мешке-рис илмий рисолаларида кўхна Самарқанд яқинидаги шаҳарча – Афросиёб қазилмаларидан топилган машшоқ(созанда)лар тасвирланган ҳайкалчалар атрофлича таҳлил этилиб, маълум бўлишича лютня чолруси сўғдларнинг севимли чолғуларидан бўлган. Торли чолғулардан яна бири ўша вақтда оммалашган арфа (чанг) чолғуси бўлса, дамли чолғуларидан эса най сози бўлган.

Чолғу ижрочилигидан инновациян ёндашув

Таниқли олим Р.Л.Садоковнинг қадимий Хоразмга бағишенган рисоласи мусиқий-тариҳий йўналиш бўйича ниҳоятда қимматлидир. Умуман, ўша замоннинг маданий ёдгорликларида торли (лютня, арфа), дамли (най, сурнай, рог, труба), урма зарбли (доира) чолғулар тасвиirlари сақланиб қолинган. Тадқиқотчилар томонидан ўрганилган масалалар до-ираси ниҳоятда кенг ва кўп қиррали бўлган. Шу нуқтаи назардан Марказий Осиё халқпарининг мусиқа маданияти тарихини чуқурроқ ўзлаштирилиши бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Мусиқа тарихини босқичма-босқич ўрганиш бўйича Марказий Осиё минтақаси бўйлаб қадим замонларда пайдо бўлган мусиқий чолғуларининг ривожланишидаги муаммосини ёритиш ҳам асосий ўрин тутади.

Хожи Абдулазиз Расулов (1852-1936) ўзбек ва тожик мусиқасининг таникли ижрочиларидан бири, моҳир танбурчи Ҳожи Рахимқулнинг шогирди. 1888 йилда Бухорога борди. У ерда Ота-Жалолиддин Назиров раҳбарлиги остида бир йил ичida Шашмакомни мукаммал урганди. А.Расулов Фаргона, Самарканд, Тошкент шаҳарларида ўзбек халк мусиқаси ва макомларини фаол тарғиб килди. У ўзбек халк чолғулари ижрочилиги ривожига танбурчи, дуторчи ва хонанда сифатида салмокли уисса кушиб, халк ва мусиқа жамоатчилигининг меур-мууаббатига сазовор бўлди.

Юкорида номлари келтириб утилган мусиқачи-чолғучилар уз ижодий йулини бошлаб уз даврида ижодий камолотга етдилар. Улар уаммаси маърифатчилар, ёш мусиқачиларнинг устозлари эдилар. Уларнинг педагогик карашлари, таълимотлари ўзбек халк чолғуларида ижрочилик буйича янги педагогик уаётий манба булиб, улмас мерос сифатида сакланмоқда.

Чолғу ижрочилигидан инновациян ёндашув

1917-1945 йилларда ижрочилик санъатининг тараққиёти

1917 йилдан кейин ўзбек мусиқа санъати жадал ва жушкин тараққий кила бошлади. Биринчи ун йилликдаёк мусиқа таълими, фольклоршунослик, ижрочилик санъати соуаларида муайян ютукларга эришилди.

Мусиқа укув юртлари - Тошкентдаги Туркистон халк консерваторияси (1918) ва унинг Самарканнадаги, Фаргонадаги (1919), Бухородаги (1920) филиалларида катта ишлар амалга оширилди. Уларда асосан ўзбек халк чолғуларини уамда баъзи Оврупача мусиқа чолғулари (фортельяно, скрипка ва дамли чолғулари) ни чалиш ургатилар эди. Бу мусиқа билим юртлари том маънодаги консерватория булмаса-да, бирок, утган давр мусиқа маданияти илмини урганиш имконига эга булмаганларга содда мусиқа назарий илми хамда ижро санъатида сабок берилар эди. Шу туфайли ёш республиканинг кўпгина шахарларида мусиқа хаваскорлиги кенг кулоч ёйди.

1917 йилгача бўлган даврдаги халк мусиқачи ва ижрочилиари яратган анъаналар чолғуларнинг кейинги авлоди ижодида таркиб топди ва давом этди. Мусиқачи-ижрочилар кайта тузилган маданий-маърифий ташкилотларда ишга киришиб кетди.

Таникли танбурчи ва хонанда Шораҳим Шоумаров 1919 йилда Тошкентдаги «Намуна» мактаб-интернати кошида халк чолғулари ансамблини тузди. Бу ансамбль кейинчалик Тошкент мусиқа техникумини ташкил килиш учун асос булиб хизмат килди.

20-йилларда ўқув юртлари, заводлар, фабрикалар кошида, қишлоқ жойларда «Кўк куйлак», «Санъатчи қизлар», «Санойи нафиса» каби мусиқий жамоалар тузилди. Ташкил қилинган ижодий жамоалар таркибида найчи, чангчи, дуторчи, танбурчи, ғижжакчи, доирачи, ногарачилар ва кашкар рубоб созандалари бўлган халк чолғулари ансамбллари хам бор эди.

Халк чолғулари ансамбллари Фаргонада, Андижонда, Самарканда хам тузилади. Уларга машхур чолғучилар уста Олим Комилов, Тухтасин Жалилов, Ахмаджон Умирзоков, Юсуфжон Шакаржонов, уста Рузмат Исабоев, Матюсиф Харратов, Уста Тойир Маруфжон Тошпулатов, Мухиддин Мавлоновлар раҳбарлик килишган. Уларнинг самарали ижоди туфайли, ўзбек халк чолғуларида ижрочилик санъатидан кўпчилик баҳраманд бўлди.

1936 йилда Москвада буладиган декада муносабати билан Қори Ёкубовга Давлат филармониясини тузиш топширилади, у филармониянинг биринчи директори этиб тайинланади. Қори Ёкубовнинг ва бошка мусиқа санъати арбобларининг катъиyllиги туфайли, Тошкент Давлат Консерваториясини тузиш хакида карор кабул қилинади.

Ўзбек халк мусиқаси анъаналарининг давомчиси, тошкентлик мохир халк чолғучиси-дуторчи, танбурчи, найчи Юнус Ражабийнинг (1897-1976)

Чолғу ижрочилигида инновацион ёндашув

ижодий фаолиятига маърифатпарварлик кенг мусикий- ижтимоий хусусиятлар хос эди. Беш жилдлик ўзбек халк мусиқасини ёзib олиб, нашрга тайёрлаганлиги Юнус Ражабийнинг кўп йиллик ижодий фаолиятининг энг ажойиб самараси бўлди.

1927 йили Юнус Ражабий Ўзбекистан радио кумитаси кошида 12 чолғувчи (хонанда ва созандалар) дан иборат халк чолғулари миллий ансамбли ташкил этади. Бу ансамблга у Тошкентдаги уша пайтда машхур мусиқачилар - күшнайчи Хайрулла Убайдуллаев, дуторчилар Абдусоат Вахобов, Ориф Қосимов, танбурчилар Рихси Ражапов, Махсудхужа Юсупов, гижжакчилар Имомжон Икромов, Наби Ҳасанов, Махмуд Юсупов, найчилар Дадаали Соаткулов, Саид Калонов, чангчилар Нигматжон Дустмуҳаммедов, Фахриддин Содиков, Махаматжон Расулов, доирачи Дадаҳужа Соттиевларни жалб этди. Ансамбль репертуарида ўзбек халк куйлари билан бир каторда замонавий бастакор, шу жумладан Юнус Ражабийнинг «Чоргоҳ», «Кучабоги», «Баёт», «Бирлашингиз», «Фабрика», «Галаба», «Хдммамиз», «Илғор», «Мирзадавлат» каби асарлари бор эди. Кейинрок бу ансамблда республиканинг машхур хонандалари тошкентлик Мулла Туйчи Тошмуҳамедов, бухоролик домла Ҳалим Ибодов, самаркандлик дуторчи ва хонанда хожи Абдураҳмон Умаров, хоразмлик танбурчи ва хонандалар Матекуб Ҳарратов, Сафо Муғаний, Тошкентлик Назира Ахмедова каби санъаткорлар ишлаган. Айни пайтда ансамблнинг ижрочилик репертуари «Шашмақом»нинг мушкулот ва наср қисмлари: «Насуруллои», «Наврӯзи Сабо», «Талқини ушшоқ», «Сарвинози талкинча», шунингдек, бастакорларнинг «Уйғонинг», «Бизнинг қишлоқ», «Яшасин», «Колхозимиз» каби асарлар хисобига кенгайди.

1930 йилда Тошкент мусиқа олий мактаби, 1936 йилда эса унинг асосида Ўрта Осиеда биринчи мусиқа олий укув юрти - Тошкент Давлат консерваторияси очилди.

1936-1937 укув йили халк чолғуларида ижрочилик соҳасида мусикий таълим ривожи учун жуда муҳим давр бўлди. Айнан шу даврда Тошкент мусиқа билим юртида А.И.Петросянц ташаббуси билан Ю.Ражабий, А.Мансуров, Б.Гиенко, Н.Крестяин, В.Марцинковский, А.Махсудов, О.Қосимов каби уқитувчилар умуммакбул нота системаси асосида ўзбек халк чолғуларида ижрочилик буйича сабок бера бошладилар. Ш.Шоакрамов, А.Фофуров, М.Юнусов (чанг), С.Йулдошов, Г.Қодиров (танбур), А.Илесов, М.Аъзамов кабилар уларнинг биринчи укувчилардан булишиди.

Ўзбек халк чолғуларида ижрочилик маданиятининг усиши, жаҳон классик бастакорлари асарларининг узлаштирилиши, Ўзбекистан бастакорларининг халк чолғулари учун маҳсус асарлар яратишдаги фаол

Чолғу ижрочилигидан инновациян ёндашув

ижодий фаолияти ўзбек халк чолғуларида ижрочилик санъатини янада юксалиши учун муҳим замин бўлди. Шу билан бирга, юкори малакали илмий педагогик ва ижрочи кадрларни пухта ва мукаммал килиб тайёрлаш масаласини хам кун тартибига кўйди.

Ўзбек халк чолғуларида ижрочиликнинг кейинги давлардаги юксалиши Тошкент консерваториясининг фаолияти билан чамбарчас боғланган.

1948 йилдан бошлаб мамлакатимиздаги мусиқа олий укув юртларида, шу жумладан; М.Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясида хам халк чолғулари ижрочилиги буйича таълим бериш бошланди.

Ўзбек халк чолғулари булимига (оркестр факультети таркибида) раҳбарлик килиш, укувчиларни саралаб йигиш, укув режаларини тузиш А. И. Петросянц томонидан амалга оширилди. Тошкент Давлат консерваториясида ўзбек халк чолғулари ижрочилиги буйича профессионал таълимни йулга кувишда В.А.Успенский, М.А.Ашрафий, А.И.Петросянц, И.П.Благовещенский, Б.Ф.Гиенко, Г.Г.Собитовлар катта роль уйнашди.

1948-49 йиллардаги биринчи укув йилида консерваторияга Ўзбекистан Давлат филармонияси халк чолғулари оркестрининг 13 чолғучиси укишга қабул қилинди. Шулардан 10 киши: Назир Нигматов (кушнай), Аббос Баҳромов, Александр Евдокимов (прима-рубоб), Лаъли Султонова, Мирзаев, Бурибой Мирзаахмедов (кашкар), Махаматжон Асилов, Обид Холмуҳамедов (ғижжак), Анвар Ливиев (дойра) 1-курсга қабул қилинди. Тошкент мусиқа билим юртининг битирувчилари Ахмаджон Одилов (чанг), Валентина Борисенко (прима рубоби), Феоктист Васильевлар (кашқар рубоби) эса 2-курсга қабул қилинди.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун савол ва топшириқлар.

1. Ўз касбининг моҳир устаси тушунчасига таъриф беринг.
1. Абу Носир Фаробий таърифи бўйича мусиқий иқтидорни уч босқичини тавсифлаб беринг.
2. Абу Наср Фаробий таъбирича устоз қиёфасидаги фазилатлар тузилмаси нималардан иборат?
3. Алломаларимиз томонидан белгиланган устоз одобининг саккиз шартини санаб беринг.
4. “Авесто”да устозларга қўйилган талаблар ҳақида нималарни биласиз? .
5. Шогирдда билим эгаллашга рағбат уйғотиш усуллари ҳақида қайси манбада маълумотлар келтирилган?
6. Абу Наср Фаробийнинг таълимий концепцияларини санаб беринг.
7. Ибн Сино асарларида қандай концепция илгари сурилган?

Чолғу ижрочилигидан инновацион ёндашув

Назорат учун саволллар.

1. Устоз-шогирд анъанаси нима?
2. Устоз касбий маҳорати нимадан иборат?
3. Шогирднинг фазифалари нималардан иборат?
4. Раҳбат тушунчаси нима?
5. Мусиқа ўқитилишида устоз-шогирд анъанаси мазмунини айтинг?
6. Ўзбекистонда педагогик фикр тараққиёти босқичлари?

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. Профессионал мусиқа ижрочиликни тайёрлаш жараёнида медиа технологияларнинг ўрни

Режа:

- 1.1. Олий таълим муассасаларида талабаларнинг ихтисосликка оид ўқув материалини ўзлаштириш услублари.
- 1.2. Ижрочилик санъатида таълим шакллари

1.1. Олий таълим муассасаларида талабаларнинг ихтисосликка оид ўқув материалини ўзлаштириш услублари.

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг ихтисосликка оид ўқув материалини ўзлаштирганлиги, уларда шаклланган кўникма ва малакаларни назорат қилиш ҳамда баҳолаш таълим-тарбия жараёнининг таркибий қисми ҳисобланади. Чунончи, талабаларда касбий кўникма ва малакаларни шакллантиришда ўқитувчидан мутахассислик ўқув предметларидан нафақат асосларидан чуқур билим бериши, балки уларни ўзлаштириш даражасини ҳаққоний назорат қилиб, баҳолаш ҳам талаб этилади. Чунки, назорат қилиш бу фақат таълим-тарбия натижаларини таҳлил қилиш эмас, балки бутун жараённинг турли босқичларида талабалар билиш фаолиятига раҳбарлик қилиш ҳамdir. Бундан ташқари олий мусиқа таълимида назорат қилиб баҳолаш ўзига хос таълимий, тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Таълим-тарбия жараёнида билим, кўникма ва малакаларни назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг таълимий аҳамияти, бунда ўқув материалининг ўзлаштирилганлиги ҳақида ўқитувчи ҳам, талаба ҳам ижобий ёки салбий тавсифга эга бўлади. Яъни, ўқитувчи учун талаба нимани билиши ва нимани тушунмаслиги, қайси ўқув материали яхши ўзлаштирилгану, қайси бири ҳали яхши ўзлаштирилмаганлиги ёки умуман ўзлаштирилмаганлиги маълум бўлади. Бу эса талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва уни

Чолғу ижрочилигіда инновациян ёндашув

бошқариш учун асос бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари ўқитувчи ўзининг фаолиятига танқидий баҳо беради. Олинган натижаларга кўра фаолиятига қўшимчалар киритади, талабаларга нисбатан қандай ёндашиш методлари ва воситаларини тезроқ топиб олади. Бу ўқитувчининг ижодий тарзда дарсга тайёргарлик кўриши ва ўкув машғулотларини ўтказиши учун негиз ҳисобланади.

Худди шунингдек, талабага ҳам ўкув материалида у нимани яхши, нимани қониқарли ва нимани ёмон ўзлаштиргани тушунарли бўлади. Билимларни назорат қилмасдан талаба ўз билимларини чуқур, ҳар томонлама ва тўғри баҳолашга қодир эмас, баъзан унга гуё ўкув материалини яхши эгаллаб олгандай туюлади, лекин назорат чоғида эса ўзлаштиришдаги камчиликлар, яхши тушунмаганлиги маълум бўлиб қолади. Назорат қилиб баҳолаш жараёнида талабанинг ўрганилаётган ўкув материалини тушуниш, эсда сақлаб қолиш, моҳиятини англаб олиш даражасини аниқлайди. Талабанинг фаоллиги орқали билимлари, кўникма ва малакаларидаги ижобий томонларни ривожлантириш, камчиликларни тутатиш имкониятига эга бўлади.


Назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг тарбиявий аҳамияти талабаларда ўқишига, ўз ютуқлари ва камчиликларига нисбатан муносабат шаклланади, муаммоларни ечиш истаги туғилади. Талабага нисбатан берилган баҳо унда ҳамиша талаба сифатида, шахс сифатида ўзига нисбатан муайян бир муносабатни ҳосил қиласди. Талабада ўзига нисбатан иродалилик, жамоавийлик, ўзаро бир-бирига ёрдам бериш каби сифатлар шаклланади. Бу, айниқса, ўсмирлар орасида катта аҳамиятга эгадир. Ҳар бир таълим берувчи билимларни назорат қилиш ва баҳолашнинг тарбиявий аҳамиятини тўғри қўллай олса, ҳар бир талаба олдида, ўқитиши соҳасида қулай истиқболларни очиб беради.

Илм фан, техниканинг ривожланиб бориши, ишлаб чиқаришнинг ўсиши барча соҳаларда бўлгани каби таълим-тарбия соҳасида ҳам аниқ, қатъий мезонлар асосида тарбияланувчининг билим ва фаолият даражасини баҳолаш лозимлигини кун тартибига олиб чиқди.


XX асрнинг иккинчи ярмидан ижтимоий тараққиётнинг мислсиз тезлиги талабаларнинг билими, кўникма ва малакалари даражаларини қисқа вақт оралиғида холис баҳолаш имконини берувчи, назоратнинг янги усулини яратиши тақоза этди. Ана шу заруратнинг самараси сифатида талабанинг билим даражасини аниқловчи рейтинг тизими ишлаб чиқилди.

1.2. Ижрочилик санъатида таълим шакллари

Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув



2



Гурӯҳли таълим шакллари –

бу талабалар фаолиятини ташкил этишни шундай йўлини, бунда аниқ топширикни ҳамкорий ечиш учун ўкув гурухини вақтиначалик кичик гурухларга бўлишини талаб этади. Талабаларга берилган топширик мазмунини муҳокама қилишни ва уни бажариш йўли ва усусларни белгилаб олиш, шу билан бирга илгари сурйилган таклифларни ҳамкорий баҳолаш, уларни амалга ошириш, бажаралган ишни ҳамкорликда таҳдил қилишини амалга ошириш, уни ифодалаш, сўнгра биргаликда топилган натижани тақдим этиш таклиф этилади

Гурӯҳларда ишлашни ташкил этишда куйидагиларга эътибор бериш зарур:



Чолгу ижрочилигіда инновацион ёндашув

Гурухларда ишлашни ташкил этишда қуидагиларга зәтибор бериш зарур:

Үқув материални таңлашға

Түрлі күлләнмалардан фойдаланыши
Гурухларга ёзма іштесіндерге тайёрлаш.

Үқитувчини ва
талабаларни
гурухларда
ишлашға
тайёрліги

Гурухларда ишлашта үқитувчини шахсий тайёрларлары бунда,
бүрінчидан:

- Гурухларни шакллантириш принциптері билан танишиш;
- Гурухларда ишлашни ташкил этиш техникасы билан
танишиш;
- Иккінчидан,
- Үз имконияттарини анықлаш.
- Талабалар фаолияттың бүндай шекілдегі секин-аста
тайёрлаш, уларни гурухларда ишлаш қоюласы билан
таништириш.
- Үқув гурухыда хушмуомалалық мұхитини яратыши.

Талабаларни гурухларга бүлиш тартыби:

Белгилари бүйінча:

-Аралаш гурух;
-Үқув жүтуқларына әрішишін бүйінча: тенгләштириш;
кувватловчы, ривожлантирувчы гурухлар;
-психологиялық мос көлиш даражасы бүйінча ва б.

Сони бүйінча:

-кічине топшириқтарни бажариш учун- 2-5 тадан талабалар;
-мураккаб топшириқтар учун-5-7 тадан талабалар

Вақт бүйінча:

-кічине гурухлар таклиф этилган топшириқни бажариш
учун ажратылған вақт тутамағунча ишлашни давом
эттиравередилар.
-Топшириқ мұаммолосы, изланувчилік бўлса ва у вақтда
бир неча машғулотда давом этса, унда ҳолда кічине
гурухлар ҳам бир неча машғулот давомида биргә
ишлайдилар. Вақт тутагач, гурухлар ҳисобот берадилар ва
шу билан гурух үз фаолиятни тутатади.

Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув

2-амалий машғулот: Халқаро танловларнинг инновацион жараёнлардаги ўрни («Art open world» танлови мисолида)

Режа:

- 2.1. Устознинг вазифа, мажбурият ва хуқуқлари.
- 2.2. Ўзбекитсонда педагогик фикр тараққиёти босқичлари

2.1. Устознинг вазифа, мажбурият ва хуқуқлари.

Устознинг вазифа, мажбурият ва хуқуқлари:

– устоз ўз шогирдида Ватанга муҳаббат ва садоқат, умуминсоний ва миллий қадриятларимизга ҳурмат, инсонпарварлик ва меҳнатсеварлик ҳиссини янада кучайтириб, жамиятимизда юз берәётган ўзгаришларни түғри аңглаган ҳолда ўз соҳаси бўйича етук мутахасис бўлиб етишишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатиб боради.

– доимий тарзда ўз шогирдининг фанларни ўзлаштириши, танланган мутахасислиги бўйича изланишларини, дунёқараши ва қизиқишларини ўрганади ва таҳлил қиласи ҳамда ўқув жараёнини ташкил этиш ишларини шогирди билан биргаликда лойиҳалаштиради. Шогирдларга талаба сифатида уларнинг вазифа ва хуқуқлари, бўлажак мутахасис сифатида қўйиладиган талаблар, Олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидалари ва олий таълим муассаса билан тузилган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни танишитириб боради ва уларга амал қилишга кўмаклашади.

– шогирдларнинг қобилияtlари, қизиқишлари ва интеллектуал имкониятларини ўрганган ҳолда уларга илмий-тадқиқот мавзусини танлашда ёрдам беради.

– шогирдларига тадқиқот мавзуларини белгилашда зарур маслаҳатларини беради. Шогирдларининг олийгоҳда таълим олиши муддати давомида танланган мавзуси бўйича режа асосида мунтазам илмий-тадқиқот ишларини олиб боради.

– шогирдларини илмий фаолиятга тайёрлайди, уларнинг мустақил тадқиқотчилик фаолиятини ташкил қиласад;

– шогирдларига илмий-тадқиқотчилик фаолиятини тизимли режалаштиришда, мақсад ва вазифаларини, тадқиқот методларини белгилашда ҳамда ахборот манбалари билан ишлаш, маълумотлар йиғиши, уларни таҳлил қилиш, умумлаштиришда ёрдам беради;

– шогирдларида илмий-тадқиқот ишларни олиб бориш қўнималарини тарбиялайди;

Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув

- шогирдларида илмий фаолиятни илмий-ижодий ташкил қилиш, ишни аник режалаштириш, тизимли лойихалаштириш, фаолият давомида юзага келиши мүмкін бўлган муаммоларни олдиндан кўра билиш ва уларни бартараф қилиш йўлларини мустақил излаш, тўғри хулосалар қилиш, меҳнат самарасини таъминлаш каби сифатларни шакллантиради;
- мустақил тадқиқот ишларини ташкил қилишда шогирдларининг илмий-амалий манбалар бўйича ишларини тўғри йўналтиришга эътибор қаратади;
- шогирдлари билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб боради, экспериментал асос яратиш устида ишлайди;
- шогирдлари билан фундаментал ва инновацион йўналишларда тадқиқотлар олиб боради;
- шогирдларини фаол жалб қилган ҳолда илмий-тадқиқот ишлари билан ҳалқаро ва республика грант танловларида, кўргазмаларда иштирок қиласди. Шогирдларида касбий фаолиятни илмий асосда ташкил қилиш, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси жараёнида қатнашиш, меҳнатни инновацион ташкил қилиш малакаларини ривожлантиради;
- илмий-тадқиқот ишлари бўйича қўлга киритилган натижаларини битирув-малакавий иши ва таълим олувчилик диссертацияси даражасида ривожлантиришга ёрдам беради;
- шогирдларнинг олдий таълим муассасаси ҳаёти, тарихи, анъаналари, факультет ва кафедралар фаолиятининг илмий-тадқиқот изланишларининг асосий йўналишлари, жамоат ташкилотларининг фаолияти билан мунтазам равишда таништириб боради ва мустақил ўрганишларини назорат қиласди;
- ҳар бир шогирднинг психологик хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда ўз шогирдларининг малакали мутахасис, етук инсон ва фидоий ватанпарвар бўлиб этишишдан иборат бўлган ягона мақсад атрофида жипслашган ўзини-ўзи бошқарувчи шахс сифатида шаклланишига кўмаклашади. Шогирдларини Олий таълим муассасаси ва факультет жамоат ишларига жалб этади;
- шогирдларининг ахлоқли ва одобли, маънавий баркамол бўлиб этишишларига кўмаклашади;
- шогирдлари билан биргаликда давра сухбатлари, экскурсиялар уюштиради ва бўлажак мутахасисларнинг вазифаларига доир бошқа тадбирлар ўтказади;
- шогирдларини дунёда юз бераётган воқеа ва ходисаларга, мамлакатимизда содир бўлаётган ўзгаришларга, университет ва факультет жамоалари ҳаётидаги воқеаларга позитив муносабатларини шакллантиришга,

Чолгу ижрочилигидан инновацион ёндашув

уларни мазкур масалалар бўйича мустақил фикрга эга бўлишларига кўмаклашади;

- соғлом турмуш тарзини тарғиб этади, шогирдларининг турли хил илмий-техник, ижодий ва бадиий тўгаракларда, спорт секцияларида ва мусобақаларида қатнашишларини ташкил қиласди;
- шогирдларнинг дарсларга мунтазам қатнашишларини, кундалик ва сессиядаги ўзлаштиришларини назорат қиласди;
- аълочи ва фаол шогирдларини рағбатлантириш учун тавсиялар беради, давлат стипендияларига тавсия этади, ўзлаштириш бўйича орқада қолаётган шогирдларни огохлантиради, улар учун кафедралар ёрдамида консультациялар уюштиради;
- талабалар турага жойида ва хусусий (ижара) хонадонларда яшовчи шогирдларининг яшаш шароити билан танишади хамда уларнинг оилалари ва ота-оналари билан бевосита алоқа ўрнатади;
- ички тартиб-қоидаларни бузган, ахлоқ ва одоб қоидаларига зид иш олиб бораётган, устоз ўтитлари, панд-насихатларига етарли эътибор бермаётган шогирдлари учун жавобгар шахс сифатида маъсул бўлади хамда олий таълим муассасаси тузилмалари билан биргаликда ана шундай мураккаб вазиятлардан чиқиш йўллари, муаммони ечиш билан бевосита шуғулланади;
- шогирдларининг ўқув жараёнини ва майший масалалар, шунингдек маънавий ва моддий ёрдам кўрсатиш хақидаги шахсий илтимосларини кўриб чиқади ва ёрдам кўрсатишга маъсул бўлади;
- университет ва факультетларнинг устоз ва шогирд масаласига бағишлиланган йиғилишларида иштирок этади, таълим-тарбия жараёнига оид тажрибалари билан фикр алмашади, бу масалалар бўйича ўз таклифларини киритади;
- кафедрадан шогирдларининг фанлар бўйича дарсларга қатнашишлари, рейтинг назорати ва тест синовлари натижаларига оид маълумотлар олиш, улар билан биргаликда ўзлаштиришда орқада қолаётган талабаларга консультациялар уюштириш масалаларини хал этади;
- талабаларни ишлаб чиқариш амалиёти ва иш жойларига тақсимотида иштирок этади;
- талабаларнинг олий таълим муассасасида ўқиши даврида ва ундан кейинги ҳаёти мобайнида ҳам касбий ва ижтимоий тараққиёт масалалари бўйича ҳам маъсул хисобланади.

2.2. Ўзбекитсонда педагогик фикр тараққиёти босқичлари

Чолгу ижрочилигига инновацион ёндашув

Ўзбекистонда педагогик фикр тараққиёти босқичлари



- Октябрь тўнтарилишигача бўлган давр (1917)
- Энг адимги даврлар;
- Илк уйғониш даври (9-12 асрлар)
- Уйғониш дари (14-16 асрлар)
- Хонликлар даври (16-19 асрлар)
- Чор Россияси хукмдорлиги даври (19-20 аср)
- **2 давр: Шўро тузуми даври (1917-1991)**
- Таълим совет мағкураси асосида ташкил қилинди.
- **3.Мустақиллик даври.**



Устозлар мактаби. Устоз-шогирд анъанаси

www.themegallery.com



- Зардуштийлик дининг чуқур илдиз отиши ва шу диннинг муқаддас китоби "Авесто"нинг Марказий Осий ва Эрон халклари ўртасида кенг ёйилиши билан бошланди.
- Асарнинг "Биринчи кўшиқ" қисмida устозларга қўйидаги талаблар юкландган:
 - равшанназар устоз толибни огоҳ этади (ясна, 31-хот)
 - устоз ўз шогирдини эзгу фикр, эзгу амал ва эзгу калом тамойилига амал қилишга ўргатади.
- **Шогирдга қўйиладиган талаблар:**
 - шогирд куннинг аввали ва охирида билим олмоғи, тафаккур ва донишга лиммолим бўлмоғи зарур;
 - илмга шу қадар жидду-жаҳд этмоғи керакки, ўтмиш донишмандлари қолдирган ҳамма нарсани жону дилдан ўрганиб олсин.



Устозлар мактаби. Устоз-шогирд анъанаси

www.themegallery.com

Чолгу ижрочилигіда инновацион ёндашув



| Таълимга оңд мұхим ғояларни илгари сурган мутафаккирлар | Таълим-тарбияга оңд асарлари | Таълимиң концепциялары |
|--|---------------------------------|--|
| Абу Наср Фаробий (873- 952) | “Фозил одамлар шахри” | Күвват, фикрий күвват кабилар инсон мөхияттің белгилаб беруви мұхим омыл эканлығы |
| | “Ақл маңындары хакида рисола | Ақлий тарбияның ілмінің назарий, психологик асослаб, ақл, бир томондан, рухий жараен, иқкінчи томондан ташки таъсир таълим- тарбияның натижасы эканлығы |
| | “Китоби ахлок” | Таълим-тарбия жараенің жараенің индивидуал әндошишнинг мазмунни ва мөхияти |
| | “Намуналы үкіш хакида” | Үкітуvчнинг касбиі-шахсий хусусиятларын күйілдігін талаблар |

Устозлар мектеби. Устоз-шогирданъанаси

www.themegallery.com

Абу Наср Фаробий устоз қиёфасида қуидаги фазилатлар мужассам бўлмоғи лозим деб ҳисоблайди:

- ўткир ва узокни кўра оладиган ақл сохиби;
- ўз билимларини ўқувчиларга бера олиши ва бу фаолият
ҳамроҳи бўлган машаққатли меҳнатдан хормаслиги ва
толмаслиги;
- ҳақиқат ва унга интилевчиларни севиши;
- ёлғон ва уни шиор килиб олганлардан ғазабланиши;
- мағрур рухга эга бўлиши ва ўз шаънини юксак тутиши;
- ўз шогирдларига адолатли муносабатда бўлиши;
- қўйилган максадга эришишда қатъийлик кўрсата олиши ва
бошқалар.

Устозлар мектеби. Устоз-шогирданъанаси

www.themegallery.com

«Қобуснома»



- Амир Унсурулмаолий Кайковуснинг фарзанд тарбиясига багишиланган «Қобуснома» рисоласининг ўттиз олтинчи – «Хофиз ва созандалик зикрида» номли бобида баён этилишича, мусиқа илмининг устодлари ушбу муаллиф яшаган даврда халқнинг ҳар бир табакаси табиатига мос равишда куйлар тузишган экан. Бундай табакалардан бири эса ёш болалар ва нозиктаб кишилар, яъни аёллар бўлишган. «Бу қавм учун – деб уқтирилади асарда, – таронани ишлаб чиқдилар, токи бу қавм хам баҳра олсинлар, роҳат қилсинлар. Чунки ҳамма вазнларнинг орасида таронадин ёқимли вазн йўқдур»

1. Кайковус Унсурулмаолий. Қобуснома.–Т., 1992. 121-6.

Устоzlар мактаби. Устоz-шогирданъанаси

www.themegallery.com

Алломаларимиз устоz одобининг саккиз шартини санаб ўтганлар.



- Биринчидан, ўкувчиларга иисбатан шафкатли бўлиши ва унга уз болалари каби муюмалада бўлиши;
- иккинчидан, устоz илм ўргатиш ва тарбия бериш учун ҳақ талаб этмаслик;
- учинчидан, ўкувчига қилиниши лозим бўлган насиҳатлардан хеч бирини қолдирмаслиги;
- тўртингчидан, таълим санъатининг нозик жиҳатларидан бири; муаллим ўкувчининг ёмон ахлоқини ошкора эмас, балки имкони борича ўзига кўрсатиш йўли билан тузатиши;
- бешинчидан, илmlардан баъзиларини ўрганаётган ўкувчига бошка илmlарни ёмон кўрсатмаслиги;
- олтинчидан, ўкувчига илмни фаҳм-фаросати ва кобилиятининг кўтаришига қараб ўргатиши;
- еттингчидан, зехни паст ўкувчига ўзига хос бўлган илmlарни ўргатиши;
- саккизинчидан, устоz ўз илмига амал қилиши лозимлигига ургу берилган.

Устоzlар мактаби. Устоz-шогирданъанаси

www.themegallery.com

Чолгу ижрочилигидә инновацион ёндашув



Маънавий етук устознинг фаолиятини қуидаги мезонларга асослаган ҳолда баҳолаш мумкин:

- ўкувчиларнинг соғлом маънавий мухити, касбий камолати бўйича қўлга киритган ютуклари;
 - ўкувчиларнинг майший ҳаётдан хабардорлиги ва уларнинг мафкуравий тайёргарлиги учун масъуллиги;
 - ўкувчиларнинг касбий кўникмаси шаклланиши учун масъуллиги;
 - ўкувчиларнинг ўкув ва меҳнат интизоми, таълим муассасаси ички тартиб-қоидаларига риоя килиши;
 - ўкувчиларнинг фанларни ўзлаштириш даражаси;
 - ўкувчиларнинг илмий-ижодий ишларида фаол қатнашиши, турли кўрик танловлардаги иштироки ва қўлга киритган ютуклари ва шу кабилар.

Устозлар мактаби. Устоз-шогирд анъанаси

www.themegallery.com


Чолгу ижрочилигидаги инновацион ёндашув

З-амалий машғулот. Созанданинг ҳаракатларидан мусиқий ифодани бойитишда фойдаланиш муаммолари

Режа:

- 1.1. Устоз қиёфаси, профессионализм.
- 1.2. Устоз қиёфаси профессиограммаси
- 1.3. Мусиқа санъати ривожига хисса қўшган буюк санъаткорлар



3.1. Устоз қиёфаси, профессионализм.



Устоз учун зарур бўлган малакалар.




Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув



Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув

3.2. Устоз қиёфаси профессиограммаси




Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув



Инновацион фаолиятнинг ички тузилмаси

1. Инновацион фаолиятнинг умумий мақсади;
2. Инновацион фаолиятнинг мазмуні;
3. Инновацион фаолият самарадорлигини таъминловчи воситалар;
4. Инновацион фаолиятни амалга ошириш шарт-шароитлари

Чолгу ижрочилигидаги инновацион ёндашув



Маънавий етук устознинг фаолиятини куйидаги мезонларга асослаган ҳолда баҳолаш мумкин:

- ўқувчиларнинг соғлом маънавий мухити, касбий камолати бүйича құлға киритган ютуклари;
- ўқувчиларнинг мәиший ҳаётдан хабардорлиги ва уларнинг мағкуравий тайёрғарлiği учун масъуллиги;
- ўқувчиларнинг касбий күнікмаси шаклланиши учун масъуллиги;
- ўқувчиларнинг ўкув ва мехнат интизоми, таълим муассасаси ички тартиб-қоидаларига риоя қилиши;
- ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириш даражаси;
- ўқувчиларнинг илмий-ижодий ишларида фаол қатнашиши, турли күрик тәнловлардаги иштироки ва құлға киритган ютуклари ва шу кабилар.



Профессионализм категориялари

- › ижодий индивидуаллик;
- › үзининг үсиш ва такомиллашиш жараёни;
- › үз имкониятларини амалга ошириш сифатидаги креатив тажрибаси.
- › Ўқитувчининг ижодий индивидуаллиги қўйидагилардан иборат:
- › интеллектуал – ижодий ташаббус;
- › билимлар кенглиги ва чукурлиги интеллектуал қобилияти;
- › зиддиятларга нисбатан хушёрлик, ижодга танқидий ёндашув, вужудан яратувчиликка курашчанлик қобилияти;
- › ахборотларга ташалик, муаммолардаги ғайри одатийликка ва янгиликка бўлган ҳис-туйғу, професионализм, билишга бўлган чанқоқлик

► (Н.В.Вишнекова).

Ўқитувчи фаолиятидаги креативлиги босқичлари:

Биринчи босқичда

тайёр методик тавсияном алар тузуккина кўчирилади

иккинчи босқичда

мавжуд тизимга айrim мосламалар (модификациялар), методик усуллар киритилади

учинчи босқичда

ғояни амалга ошириш мазмуни, методлари, шакли тўла ишлаб чикилади

тўртинчи босқичда

уқитиш ва тарбиялашнинг үз бетакор концепцияси ва методикаси яратилади

Чолғу ижро чилигидан инновацион ёндашув
**4-амалий машғулот. Мусиқий таълимда фойдаланиладиган
мультимедиа лойиҳаларининг турлари ва шакллари**

Режа:

- 4.1. Мусиқий асарлар устида ишлашда инновацион ёндашувлар.
- 4.2. Инновацион таълим моделлари характеристикаси.
- 4.3. Инновацион таълим моделларининг турлари


4.1. Мусиқий асарлар устида ишлашда инновацион ёндашувлар

Мусиқий асарлар устида ишлашда куй ривожи ва ундаги жумлалар, давриялар, авжлар (кульминация), куй қисмлари ва бошқа таянч нуқталар аниқ белгиланади. Уларнинг қайси бири етакчи ёки ёрдамчи бўлиши мусиқанинг характеристики ва вазифаларига боғлиқ. Шунингдек асарнинг техник жиҳатдан садоланиши, мураккаб ва қийин жойлари белгиланиб олинади ва бўлакларга бўлиб нота билан хусусийликдан умумийликка ва умумийликдан хусусийликка қараб хатосиз ўрганилади.

Ушбу жараёнда ўз ижросини эшитган ҳолда танқидий баҳолаш, қийин жойларини секин суръатда чалиш тавсия этилади. Айниқса, техник жиҳатдан мураккаб бўлакларини турли штрих ва артикуляциялар воситасида чалиш катта ёрдам бериши мумкин.

Созанда кичик бўлаклар устида қанча вақт қунт билан ишламасин, асарни бир бутунлигини ҳеч қачон эсдан чиқармаслиги керак ва баъзида бутунича чалиб тасаввурини янада бойитиб бориши мақсадга мувофиқдир. Бутун ижро давомида эса меъёр тушунчаси устоз ва шогирднинг дикқат марказида бўлмоғи лозим.

Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув



Интерфаол дарс турлари:

- Компьютер симуляция,
- Иш ва ролли үйинлар,
- Вокеа ҳодисаларни тахлил қилиш,
- Психологик тренинглар

4.2. Инновацион таълим моделлари характеристикаси

Инновацион таълим моделлари характеристикаси

| Инновацион таълим модели | Ассоций құсуспендері | Таълим моделлерінің ривожлантирувчи характеристика |
|--------------------------|--|--|
| Контекст таълим | Түрли фәоліятларни интеграциялаш: таълим, илмий амалиёт. | Таълим олувчиларнинг амалий күникмаларини ривожлантириш (с акцентом на прикладную) |
| Имитацион таълим | Таълимнинг үйин ва имитацион шакларидан фойдаланиш | Фаол таълим методлари ролини ошириш (имитация ва имитацион үйинлар) |

Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув

| Инновацион таълим моделли | Ассоий хусусияти | Таълим моделининг розвыжлантирувчи заңдары |
|---------------------------|--|---|
| Муаммоли таълим | Ўкув материалини ўқитувчи томонидан муаммога айлантириши | Таълим вазифаларини характерини ўзгартыриш (репродуктив, продуктив, ижодий) |
| Модулни таълим | Ўкув материалини структуралаштириши, блокларга ажратиш ва назорат килиши | Ўкув материалини специфик ташкиллаштириш – кисмларга ажратиш |

| Инновацион таълим моделли | Ассоий хусусияти | Таълим моделининг розвыжлантирувчи заңдары |
|------------------------------|--|--|
| Билимларни түлиқ ўзлаштириши | Таълим олувчилар индивидуал хусусиятларини хисобга олган холда таълим варианtlарини кўллаш | Внимание на фиксации результата обучения |
| Дистант таълим | Таълим ресурсларидан фойдаланган холда мустакил ишлашга ўргатиш | Янги инновацион технологиялардан фойдаланиши |

Чолгу ижрочилигіда инновацион ёндашув

4.3. Инновацион таълим моделларининг турлари

Инновацион таълим моделларининг турлари:

- пассив – таълим олувчи «объект»;
- фаол – таълим олувчи «субъект»(мустакил ишлаш, ижодий фаоллик);
- интерфаол – ўзаро ҳамкорлик.

Интерфаол технологиялар принциплари

- индивидуаллаштириш;
- эгилувчанлик;
- Контекст ёндашув;
- Ҳамкорликда ишлаш;
- Фаол таълим методларидан фойдаланиш.

Дистанцион таълим- информацион, телекоммуникацион технологиялар ва техник воситалардан фойдаланишга асосланган таълим.

Дистанцион таълимнинг устунликлари

- Эгилувчанлик.
- Модуллик.
- Паралеллик.
- Иқтисодий самарадорлик.
- Қамров көнглиги.
- Конструктив қулай.
- Ижтимоий тенглик.
- Интернационаллик.
- Таълим берувчининг инновацион фаолияти.

- Веб-конференция
- Онлайн-семинар
- Вебинар

**5-амалий машғулот. Мусиқий таълимни замонавийлаштиришда
давлат сиёсати**
Режа:

- 5.1. Муаммоли таълим.
- 5.2. Ўқитишининг индувидуаллаштириш технологиялари
- 5.3. Интерфаол услублардан фойдаланиш методикаси

5.1. Муаммоли таълим

Вазиятни ўрганувчи метод

(Case study)

Конкрет вазиятлар методи :

- Вазият тахлили;
- Вазият мухокамаси;
- Вазиятни яратиш;
- «Мухокама орқари қарор» принципидаги фаолият.

Муаммоли таълим

Муаммоли таълим [грек. problēma - вазифа, топшириқ] - мантиқий фикрлар тадбирлари (таҳлил, умумлаштириш) ҳисобга олинган ўргатиш ва дарс бериш усуулларини қўллаш қоидалари ва талабаларнинг тадқиқот фаолиятлари қонуниятларининг (муаммоли вазият, билишга бўлган қизиқиш ва талаб...) тизими.

Лойихалаш методига қўйилган талаблар

- Хал қилиниши лозим бўлган муаммо (вазифа)нинг мавжудлиги, уни ҳал қилиш учун интеграциялашган билим, илмий-тадқиқот талаб қилиниши;
- Кутилаётган натижанинг назарий, амалий ва билим олишга йўналтирилганлиги;
- Талабаларнинг мустақил (индивидуал, жуфтликда ва гурух шаклида) фаолияти;
- Лойиха мазмунини тизимлаштириш (босқичлараро натижаларни кўрсатган ҳолда).
- Тадқиқот методларини фаолиятлар кетма-кетлигинидан фойдаланган ҳолда қўллаш.

Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув

Лойихалаш методи асосида үқув фаолияти босқычларини режалаштириш

- Муаммони аниқлаш ва тадқиқот мақсадини белгилаш (тадқиқот жараёнида «ақлий хужум», "круглый стол" методларидан фойдаланиш);
- Фараз ва унинг ечимини илгари суриш;
- Якуний натижаларни расмийлаштиришни мухокама қилиш (презентация, химоя, ижодий хисобот, ва б.);
- Маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш ва тахлил қилиш;
- якуний натижани расмийлаштириш, презентация;
- хуносалар, янги тадқиқот ишларини илгари суриш.

5.2. Ўқитишининг индувидуаллаштириш технологиялари

Ўқитишини индивидуаллаштириш технологияси
(Инге Унт, А.С.Границкая, В.Д.Шадриков)

Инге Унтни

ўқитишини индивидуаллаштириши технологияси

А.С. Границкая

мослашувчан ўқитши технологияси

В.Д. Шадриков

индивидуалликка қаратылған режа асосида ўқитши технологияси

Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув


Индивидуаллаштириш технологиясининг умумий хусусиятлари

- ўзлаштира олмасликка олиб келүвчи омылларни қайд қилиш;
- фикрлаш жараёнида билем, малака, күнікмаларни әгаллаш индивидуал камчылыктарни түзаты олиши усуллари;
- ошта тарбиясидаги мотивациянинг бўлинмаслиги, ипроданинг сустлиги камчылыктарни қайд қилиш ва енга олиш;
- қобиляйтш ва истеъоддли ўкувчиларга нисбатан ўкув жараёнини оптималлаштириши (ижодий фаолият, синф ва синфдан ташқари ишларни ҳисобга олиш);
- ўқитиши жараёнини танлаш эркинлигини бериш;
- умумий ўкув малакалари ва күнікмаларини шакллантириши;
- ўкувчиларнинг ўз-ўзига мос баҳо бера олишини шакллантириши;
- ўқитишининг техник воситаларидан, шунингдек, ЭҲМдан фойдаланиши

5.3. Интерфаол услублардан фойдаланиш методикаси

«Венн» Диаграммаси

- 2 объектни, тушунчани, гояни, ходисани тақкослаш фаолиятини ташкил этиш жараёнида ишлатилади.



Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув

T- СХЕМА «Тест назорати»

Ютуғи

Камчилиги

| | |
|--|---|
| <ul style="list-style-type: none">• Ватқни тежалиши• Фронтал ҳолда иш олиб бориш имкони• Мантқий фикрни ривожлантириш.• Баҳолаш қулай | <ul style="list-style-type: none">• Нұтқнинг ривожлан- маслиги.• Мулоқатни йүқлиги.• Ҳамкорликда фоалиятнинг йүқлиги.• Педагогик муно-сабатнинг йүқлиги. |
|--|---|

SWOT -тахлили

- S-кучли томони
- W- күчсиз томони
- O- имкониятлари
- T- хавф-хатар

| | |
|----------------------|-----------------|
| Strengths | Weakness |
| Opportunities | Threats |

Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув

1999 йыл 19 июня Европанинг 29 давлатининг таълим тизими вазирлари томонидан
Болония декларациясы имзоланди ва 2010 йилга қадар Европанинг барча
давлатлари ана шу тизимга кириши назарда тутилган


SWOT – таҳлил

| | |
|--------------------------|-------------------------|
| S – кучли томони | O - имкониятлари |
| W – күчсиз томони | T - түсиклар |

| | |
|---|---|
| S – | O - |
| 1.Халқаро ҳамкорлик. 2.Тажриба алмашыш имконияти. 3.Бошқа давлатларда ишлаш учун шароит. 4.Ўзаро тенгхукуқлилик. 5.Инновацион жараёнларга шарт-шароитнинг яратылышы. 6.Техникавий ривожланиши. | 1. Балония жараёнига қўшилиш талабалар ва педагогларнинг мобил ҳаракатини таъминлайди. 2. Иш билан таъминланиш даражаси кенгаяди. 3. Талаблар билан алмашыш кенгаяди. |
| W – | T - |
| 1. Катта маблағ талаб этилаётгани. 2. Талаларга етарли даражада эркинлilik берилмаётганилги. 3. Ҳаддан ташқари меҳнат бозорига специализация қилинаётганилги | 1. Иқтисодий. 2. Оммавий маданият хавфи. 3. Миллий хусусиятларнинг етишмаслиги |

Чолгу ижрочилигіда инновацион ёндашув

Топширик: МУСИКА ТАЪЛИМИ МАЗМУНИНИ ТАНЛАВ ОЛИШ ВА АМАЛГА ЖОРЙИ ЭТИШ (МАНТИКИЙ СХЕМАСИ) БҮШ ЖОЙЛАРНИ ТҮЛДИРИНГ!



Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув
МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу. Чолғу ижрочилиги соҳасида инновацион таълим

Режа:

1. Россия ҳалқ мусика ижрочилиги анъаналари.
2. Ўрта асрларда ижрочилик санъати.
3. Япония мусиқасининг қадимий анъаналари

1. Хорижий давлатларда ҳам чолғу ижрочилиги ривожланиши тенденциялари таҳлил қилинганда ҳар бир ҳалқнинг ўзига хос ижрочилик анъаналарини кузатиш мумкин. Жумладан, Балалайка — рус миллий асбоби. Балалайка куни пайдо бўлиши ҳалқ мусиқачиларининг хизмати деб санаш керак. Байрам расмий равишда тан олинмаган, лекин мусиқий жамоаларга ҳар йили уни чиқишилар ва концертлар билан нишонлашга ҳалал бермаяпти. Байрамнинг ғояси Россия ҳалқ мусиқачилари клубининг Президенти Дмитрий Белинскийга келган. Санани танлашда тарихий асос бўлиб 1688 йил 23 июнданги биринчи хужжат бўлиб хизмат қилди. Биринчи марта Балалайка кунини 2008 йилда нишонлашди. Маълум бўлдики у вақтдабайрам 2 та юбилейни нишонлашга боғлиқ бўлди. Балалайка номи қайд қилинган биринчи хужжатга 320 йилиги ва 125 йил аввал машшоқ, композитор ва рус ҳалқ асбобларнинг биринчи миллий оркестри дирижёри Василий Андреев балалайкани оркестрга қўшган. Аслида бу воқеа ҳалқ мусика асбоблирида чалиш санъатининг ривожланишига асос солди. Балалайка кунини Европада, Лотин Америкасида, Австралияда, АҚШ, ЖАР, Украинада, Белоруссияда, Қозогистон, ва албатта, Россияда ҳар хил рус ҳалқ мусиқий асбобларда чалувчи уста ижрочилар, ижодий жамоалар, шунчаки ҳаваскорлар, ҳалқ мусиқачилари нишонлайдилар. 2010 йилдан бошлаб Кримда байрам шарафига фестиваль ўтказилади. Июнь мобайнида бу ерда ҳалқ мусиқачиларининг чиқишилари уюштирилади, 23-июнда эса катта гала-концерт билан фестиваль якунланади.

Тунис мусиқаси узоқ йиллар давомида финикий, юонон, рим, айникиса, араб ва турк маданияти таъсирида ривожланиб келди. Тунис мусиқаси Мағриб мамлакатлари маданиятида алоҳида аҳамиятга эга. Бадавийлар анъаналари негизида маросим ва меҳнат қўшиклари, шоирбахшилар ижоди ривож топди. Мумтоз мусиқаси Андалусия (Зирёб) мактаби таъсирида қарор топган. Туркумли жанр нуба муайян мақам (лад)ларга асосланиб, чолғу бадиҳавий муқаддима (истифтах), маълум усуулларда ижро этилаётган вокал

Чолгу ижрочилигидә инновациян ёндашув

(авъят, бтайхи, баруэл, таушыйя, дардж ва бошқалар) ҳамда чолгу (мсаддар, дхоул каби) қисмлардан иборат. 24 мумтоз нубадан ҳозирда Т. да 13 таси сакланган. Қасида, мувашшах, шунингдек, диний мусика шакллари — зажал, зикр, турк маданияти таъсирида башраф (чолгу куй)лар кенг ўрин олган. Миллий созлари: уд, торликамонли рабаб, қонун, найсимон касба, зурна (сурнай тури), доирасимон тар ва бендир, тўртбурчак даф, дарбука, тбала (барабан турлари). Мустақилликка эришилганидан сўнг мусика маданиятига эътибор кучайди. 60-йилларда симфоник оркестр, миллий ансамбллар ташкил этилди. Тунис фольклор ансамбли, Бизерта мумтоз мусика ансамбли, "Рашидия" жамияти оркестри (ҳозирги радио оркестри) ишлай бошлади. Анъанавий мусика билан бирга мусика маданиятининг европалашган шакллари ёйила борди. Мусика кадрлари олий ва ўрта мусика ўқув юртлари, жумладан, Тунисдаги Миллий мусика, рақс ва халқ санъати консерваторияси, Сфаксдаги консерваторияда тайёрланади. Бастакор, ижрочи ва мусиқашунос Салоҳ ал Маҳдий, бастакор ва удчи М. ал Жамусий, хонандалар У.Карим, Ш.Алавий, Абдулҳақ Тариалар машҳур. Ҳар йили ўтказиладиган Карфаген мусика фестивали фольклор санъатининг жаҳон марказига айланди.

2. Ўрта асрларда рицарлар санъати пайдо бўлди, миннезингерлар мактаби шаклланди (Вольфрам фон Эшенбах ва бошқалар); 14-асрда мейстерзингерлар санъати, 16-асрдан чолғу (айниқса орган) мусиқаси (К.Пауман сингари композиторлар ижодида) ривожланди. Ислоҳот даврида халқ қўшиқлари заминида протеста хорали пайдо бўлди. Германия Шютс немис мусиқасида оратория ва кантата жанрларини ишлаб чиқди, биринчи немис операси "Дафна" (1627)ни езди. 1723-йилдан И.С.Бах фаолияти бошлангап Лейпциг йирик мусика марказига айланди. 18-аср 2-ярмида мусиқали сахна жанри—зингшпил пайдо бўлди (И. Хиллер ва бошқалар). Асосан чет элларда ишлаган Германия Гендел, Х.Глюк каби композиторлар Англия, Франция ва бошқа мамлакатлар мусика тараққиётига катта ҳисса қўшди. Й.Гайдн, В.А.Моцарт, Л.Бетховен сингари Вена классик мактаби усталари немис мусиқаси ривожига кучли таъсир ўтказди. Л.Бетховен ижоди немис мусиқасининг чўққисидир. 19-аср бошида мусиқийромантизм намояндалари Ф.Шуберт, К.Вебер, Ф.Менделсон Бартолди, Р.Шуман, 19-аср 2-ярмида Р.Вагнер. И.Брамс, М.Регерлар ижод қилди. 20-аср бошидан Германияда экспрессионизм (Р. Штраус, А. Шёнберг), неоклассицизм (П. Хиндемит), атонализм каби мусиқий авангардизм оқимлари тарқалди. Фашистлар режими мамлакат мусиқий маданиятига ҳалокатли таъсир қилди. Илг‘ор кайфиятдаги мусика арбоблари хориждан бошпана топди. Урушдан кейин кекса авлодга мансуб композиторларнинг ижоди ва фаолияти (К. Орф ва бошқалар) етакчилик қилди. 60-йиллардан кейингина ёш композиторлар

Чолғу ижрочилигіда инновациян ёндашув

(Х. Хенсе, К. Штокхаузен) күзга күрина бошлади. Берлин, Ҳамбург, Мюнхен, Франкфуртмайн, Штутгарт, Лейпциг, Дрезден ва бошқа шахарларда опера ва балет театрлари, симфоник оркестрлар, Олий мусиқа мактаблари бор.

3. Япония мусиқаси қадимий анъаналарга бой бўлиб, ўз тараққиёти жараёнида хитой ва корейс, ҳинд ва Жанубий Шарқий Осиё мамлакатлари халқлари мусиқа маданияти таъсирида бойиган; у меҳнат, турмуш, диний маросимлар билан боғланган. Қўшиқлар бир овозли, қўш метрлар устун. Мусиқий чолғу асбоблари ҳилма хил: чертиб чалинадиган — syamisen (лютня), koto (13 торли ситра); пулама — nakan, syakuhati (флейталар), soo (лаб органи), xitiriki (гобой тури); зарбли — tayko, kotsudzumi, otsulzumi (барабанлар), syoko (гонг). Профессионал мусиқа диний ҳаракатлар ва театр билан боғлиқ бўлган; унинг сарчашмалари 6—7-асрларга бориб тақалади. 14-асрда театрнинг Noo санъати (қўшиқ, рақс, чолғу асбоблар жўрлигига ижро этиладиган декламация), 16 — 17-асрларда Djuyoguri қўғирчоқ театри мусиқаси ва kabuki (мумтоз япон театри турларидан бири) мусиқаси шаклланди. Японияда мусиқа санъатини ривожлантиришда Мусиқа тадқиқотлари институти (1879 йил ташкил этилган, 1886 йилдан Токио мусиқа мактаби) муҳим рол ўйнади.

1897 йил япон симфоник оркестрининг биринчи концерти бўлиб ўтди. Европада мусиқа таълимини олган Я마다 Косаку, Нобутоки Киёси, Киёсе Ясудзи, Матсудайра Ёритсуне каби композиторлар композиторларнинг янги федерацияси (1930 йилдан Япония замонавий мусиқа уюшмаси)ни туздилар. Ўз ижодларида миллий анъаналарга суюнган ҳолда, Европанинг композицион усусларига ҳам мурожаат этдилар.

1960 - 80 йилларда Мамия Митио ва Акутагава Яуси каби композиторлар фольклор ва япон мумтоз мусиқасидан кенг фойдатандилар. 1940-йилларнинг охиридан Секи Акико раҳбарлигига антиимпериалистик характердаги "Япониянинг куйловчи овозлари" оммавий хор ҳаракати кенг ёйилди. 1950-йилларнинг охиридан авангардизм таъсири кўзга ташлана бошлади, экспериментал мусиқа турлари тарқадди. Ҳоз. даврда оммавий ва мумтоз мусиқа билан бирга миллий мусиқа турлари ёйилган. Фольклор мусиқасини йиғиш, ўрганиш ва тарқатишга алоҳида эътибор берилади. 1970-йилларда караоке (бўш оркестр) ҳаваскорлар ижрочилиги пайдо бўлиб, у ахоли орасида жуда оммалашди.

Композиторлардан Нода Теруяки, Хачимура Ёшио, Икебе Шинитиро, ижро дирижёрлардан Абе Комеи, Масаси Уэда, Ватанабе Акео, Иваки Ҳироюки, Моро Такаши, пианиночи Танака Кейко, скрипкачи Кубо Ёко машхур. Японияда 20 дан ортиқ симфоник оркестр, камер чолғу ансамбли, хор жамоалари ва бошқалар бор. Токиода Давлат мусиқа академияси (1887

Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув

йилдан), 20-аср мусиқаси институти (1957 йилдан), Миллий нафис санъат ва мусиқа юрти, Тохо олий мусиқа мактаби фаолият күрсатади.

Назорат саволлари

5. Балалайка куни қандай байрам?
6. Тунис мусиқаси қайси маданиятлар таъсирида ривожланиб келди?
7. Вена классик мактаби намоёндалари кимлар?
8. Япония мусиқаси қайси қадимий анъаналар таъсирида бойиган.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

4. Халқ чолғулари ижрочилигіда ёшлар фаоллигини ошириш масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси мақолалар түплами. Махсус мұхаррир Д.Муродова. –Т.:”Мусиқа”.2015. -280 б.
5. Умрбоқий созлар. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Тузувчи О.Тошматова. –Т.: “Нишон-Ношир”.2015. -252 б.
6. Ўрта махсус мусиқа ва санъат таълим тизимининг вазифалари. Халқаро илмий-амалий конференциянинг мақолалар түплами. Масъул мұхаррир Б.Азимов. – Т.:”Мусиқа”.2016. -184 б.

2. Мусиқий таълимда инновацион технологиялардан фойдаланиш масалалари

Режа:

1. Олий таълим сифатини ташкилий-бошқарувининг таянч механизми.
2. Таълим жараёни норматив-хуқуқий хужжатлардаги сифат тушунчаси.
3. Таълим жараёнлари сифатини таъминлашнинг асосий мезонлари
Олий таълим сифатини ташкилий-бошқарув жиҳатдан таъминлаш нұқтаи назаридан, сифатни бошқаришнинг қуйидаги учта таянч механизмини ажратиб күрсатиш мүмкін: олий таълимнинг күп даражали (сатхли) иреархик стандартлашуви, олий таълим жараёнларининг менежменти, шунингдек, олий таълим сифатини стратегик жиҳатдан бошқариш.

Чолғу ижро чилигидан инновациян ёндашув

Ва ниҳоят, қадриятлар нұқтаи назардан, олий таълим муассасаси таълим тизими фаолияти ва ривожланиши доирасида олий таълим сифатини ошириш устида ишлаш таълимдаги барча инновацион жараёнларнинг етакчи бўғини ҳисобланади, бошқача айтганда, сифатга умуман бутун таълим тизимини модернизация қилишнинг ҳал қилувчи омили тарзида қаралади.

Шу тарзда белгилаб олинган фараз ҳамда вазифалар асосида қўйилган мақсадга амалда эришиш тадқиқотларда юзага келадиган вазифалар билан аниқланадиган тадқиқот қонуниятларини тузиш билан сифатни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг назарияда ва амалиётда мавжуд бўлган тажрибалари билан, шунингдек, сифатни бошқаришнинг асл муаммолари билан боғлиқдир.

Куйида бу қонуниятни алоҳида муаммолар блокига ажратиб, уларга мос келадиган тадқиқот вазифалари ҳамда уларда қўлланилган методологик аппарат воситаларини кўриб чиқамиз.

Муаммоларнинг биринчи блоки турли тизимлар доирасидаги тасаввурлар (масала - сифатнинг замонавий концепциясини норматив-хуқуқий, тарихий-маданий ва назарий-методологик жиҳатларини аниқлашдан иборат) асосида сифат тушунчасини концептуаллаштириш зарурати билан белгиланади.

Ҳақиқатан ҳам, таълим сифатини оширишни бутун таълим тизимини модеризациялашнинг етакчи механизми сифатида қўрсатиш кейинги йиллардагина пайдо бўлди, шунинг учун ҳам сифат муаммосининг олий таълим тизимига нисбатан қўлланиладиган, ҳозирги сифат муаммоси тушунчаси мазмунини белгилайдиган тасаввурлар доирасини чегаралаб олиш мухимдир.

Аввало, бу муаммони кўриб чиқиша Ўзбекистон Республикасидаги таълимнинг мақсад ҳамда вазифаларини белгилайдиган асосий норматив-хуқуқий ҳужжатлардаги сифат тушунчаси мавжуд бўлган семантик майдонни белгилаб олиш мухимдир. Сифат муаммосини мухокама қилишимиз асосида долзарблашадиган илмий-назарий ва шунингдек, интуитив тасаввурларни аниқлаш бу муаммонинг иккинчи томони бўлиб ҳисобланади. Ва ниҳоят, шу тартибда сифат категорияларида олий таълим моҳияти, мақсади, тузилиши ва самарадорлиги шартлари ҳақидаги назарий тасаввурларни қайта белгилаш зарурияти мавжуд.

Шу муносабат билан таълимнинг моҳияти, йўналтирилганлиги, мезонлари ва ўзига хослигига нисбатан ўзаро-қўшимча таянч тасаввурлар ва тахминлар кўринишида ифодаланадиган олий педагогик таълим (муаммоларнинг иккинчи гурӯхи) сифатининг айнан интуитив концепцияси алоҳида рол ўйнайди. Буларга қўйидагилар киради:

Чолгу ижрочилигидан инновацион ёндашув

- таълим фаолиятида энг юқори даражадаги самарадорликка эришишни ўзининг эзгу мақсади қилиб кўйган, шахсий педагогик таълим тизимини яратиш, педагогик фаолиятининг асосланганлиги, ўзига хос педагогик техникага эгалиги орқали намоён бўладиган педагогик таълимга компетентли ёндашув;

- замарида мутахассис шахсининг ўқитувчи касбий тафаккурига ва фаолиятига муайян ижтимоий ва маданий шароитлардаги энг муҳим талабларни акс эттирувчи касбий ёндашув;

- педагогик таълимга индивидуал-ижодий ёндашув, бунда инсон шахсиятининг ихтисослашмаган сифат ва хусусиятлари, инсон шахсиятига мос бўлган очиқлик, мулоқатга киришувчанлик, ўз-ўзини намоён қила билишлик ва ўз-ўзини тушуна билишлик каби хусусиятларини ривожлантиришга эътибор жалб қилинади.

Сифат муаммосининг концептуал асосларини белгилаш натижаларига кўра сифатни бошқариш механизмини юзага чиқариш зарурияти билан боғлиқ учинчи гурӯҳ муаммолар пайдо бўлади. Ҳақиқатан ҳам, у ёки бу феноменни концептуал жиҳатдан тушуниш, керакли ёъналишда унга таъсир қилиш моделини ишлаб чиқишининг зарурий, лекин етарли бўлмаган шартидир. Тадқиқотимиз доирасида таълим сифати динамикасига сезиларли тарзда таъсир қиласиган уч асосий механизм аниқланади. Бунга қўйидагилар киради:

- таълимни стандартлаштириш: буни таълимий фаолият мақсад ва меъёрлари самарадорлигини таҳлил қилиш, ишлаб чиқиш, қўллаш бўйича кўп қиррали амалиёт каби тушуниш лозим;

- таълим жараёнлари сифати менежменти: буни таълим муассасаларида амалга ошириладиган жараёнларнинг барчасини тавсифлайдиган, шу жараёнлар самарадорлиги қўлланиш меъёрлари бўйича кейинчалик узлуксиз такомиллаштириб бориладиган меъёрларини таърифлаш тарзида тушуниш лозим;

- стратегик режалаштириш ва ташкилий менежмент: буни олий таълим тизимини, энг юқори даражадаги сифатга эришишга ёъналтирилган инновацион жараёнларни бошқариш тизимини яратиш бўйича олиб бориладиган тадбирлар тўплами сифатида тушуниш керак.

Муаммоларнинг тўртинчи гурӯхи сифатни бошқаришнинг етакчи омиллари ва механизмларидан бири сифатидаги олий таълимни стандартлаштириш моҳияти ва шакларини таълим тизими даражасида таърифлаш зарурияти билан боғлиқ равишда юзага келади. Кейинги изланишларимиз доирасида олий таълим сифатини олий таълим муассасаси даражасида стандартлаштиришнинг учта асосий қисми кўриб чиқилади.

Чолгу ижроочилигидан инновацион ёндашув

Муаммоларнинг бешинчи гурӯҳи олий таълим муассасаси даражасида белгиланадиган талаблар ҳисобига таълим сифати таянч (яъни давлат таълим стандартлари даражасида стандартлаштириладиган) мезон ва кўрсаткичларини ривожлантириш ва тўлдириш зарурияти билан боғлиқдир. Шуни таъкидлаймизки, бу компонентни ажратиб кўрсатиш кўпгина сабаблар билан боғлиқ, бу сабаблар ичидаги таълим фаолиятининг кўп тармоқли молиялаштирилиш тизимини айтиб ўтиш лозим, бунда тақдим қилинаётган таълим хизматларининг ҳажми таълим дастурларининг давлат ҳамда маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштиришдаги мутаносиблик билан белгиланади.

Муаммоларнинг олтинчи гурӯҳи педагоглар тайёрлаш таълимий дастурларининг мазмунини таълим сифатининг таъминлаш омилларидан бири сифатида тадқиқ қилиш билан боғлиқдир. Бунда қуйидагилар ишлаб чиқилиши ва синовдан ўтказилиб, амалиётга жорий этилиши ўта муҳимдир:

- касблар бўйича бутун ҳудуддаги олий таълимга бўлган талаб-эҳтиёж, ёъналишлари, даражаси ва тузилмасини белгилайдиган ҳудудий стандарт;
- олий таълим тизимининг умумий доирасида олий таълим муассасасидаги кадрлар тайёрлаш айrim жараёнларининг мақсади ва тузилишини белгилайдиган кабга ёъналтирилган стандарт;
- педагогик фаолият юритишга оид асосий таянч тасаввур, билим ва малакаларни ҳосил қилишга имкон берадиган стандарт.

Муаммоларнинг навбатдаги, еттинчи гурӯҳида таълим сифатини тизимли бошқариш моделини яратишнинг муҳим асослари ва имкониятлари муҳокама қилинади. Таълим жараёнда кўлланадиган технологиялар, таълим фаолият натижаларини ҳисобга олиш (мониторинг) модели, шунингдек, фойдаланиладиган илмий-ахборот ресурслар сифатининг асосий мезонлари бўлиб ҳисобланади. Таълим сифатини тизимли бошқаришни яратишнинг умумий модели ҳар бир айrim таълим жараёни даражаси ва кўрсаткичларининг белгиланган мезонларга мос равишда кейинчалик шу тизимни оптималлаштирган ҳолда ажратилишини тақозо қиласи.

Таълим жараёнлари сифат менежментини ташкиллаштиришнинг муқобил схема ҳамда моделлари таҳлили доирасида қуйидаги асосий мезонлар ва тавсифларга ажратилган:

- таълим технологиялари сифати менежменти тизимида: таълим фаолиятининг маданий-тариҳий намунаси, таълим муҳитининг макон-замон ва ахборот жиҳатдан бойитилганлиги, шунингдек, иштирокчиларнинг маданий-таълимий мавқелари;
- таълим фаолияти натижалари сифати менежменти тизимида: таълим фаолияти натижаларини ҳисобга олишнинг форматив ва рейтинг шакллари;

Чолгу ижроочилигидан инновацион ёндашув

-таълим фаолияти шароитлари менежменти тизимида: ташқи, ички ва корпоротив ахборот, бу ахборотни қайта ишлаш ва ундаги ахборот оқимини бошқариш, малака ошириш жараёнларида фойдаланиш илмий-ахборот манбаларини доимо янгилаб туриш каби ноёб ҳодисани келтириб чиқаради.

Муаммоларнинг навбатдаги, саккизинчи гуруҳи ҳозирги замон олий таълим сифатига доир масалалар ҳақидаги тасаввурларнинг ўзгаришини белгилайдиган асосий омилларини аниқлаш зарурати билан боғлиқдир. Аслида, бу омиллар сони кўп, улардан тўртта асосий гуруҳ омиллар мазмундорлиги билан ажralиб туради:

- таълимдаги давлат сиёсати соҳасида - замонавий бозор иқтисодиёти моделига ўтиш, бунда таълимга кадрлар тайёрлашнинг марказлашган тизими сифатида эмас, балки ҳозирда мавжуд бўлган таълимга оид эҳтиёжларни ҳам, истиқболдаги таълим бўйича эҳтиёжларни ҳам қониқтирадиган бозор муҳити сифатида қаралади;

- сифатни бошқариш назарияси ва методологияси соҳасида – кейинги ўн йилликларда сифатни бошқариш ва сифатни бошқаришнинг умумий концептуал модели соҳасида барча томонидан қабул қилинган механизм ва меъёрларнинг ишлаб чиқилиши билан боғлиқ;

- таълимдаги сифат муаммосини ҳал қилишни илмий-назарий жиҳатдан таъминлаш соҳасида – кейинги йилларда бутун республика бўйлаб конференциялар уюштирилди, уларда сифатни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг барча сатҳлари муҳокама қилинди; бундан ташқари, таълим натижаларини холисона ташхислашнинг назарияси ва амалиётини мунтазам равишда ишлаб чиқадиган қатор марказлар барпо қилинди.

Ва ниҳоят, ушбу ишда муҳокама қилинган муаммоларнинг охирги тўққизчи гуруҳи олий таълим муассасаси даражасидаги олий педагогик таълим сифатини бошқариш тизимини ишлаб чиқишга бўлган муҳим ёндашувларни белгилаш билан боғлиқдир. Хусусан, бу ерда сифатни бошқаришнинг назарий йўналишларини белгилашда энг мақбул йўлларни топишга уринишлар билан стратегик режалаштиришнинг уйғунлашуви алоҳида рол ўйнайди. Таълим тизимининг ҳам устунликларини, ҳам унинг заиф томонлари ва камчиликларини синчковлик билан ҳисобга олиш ҳамда таҳлил қилиш яна бир муҳим омиллардан ҳисобланади.

Сифат муаммосини ва олий таълим сифатини бошқариш муаммоларини ҳал қилишнинг механизмларини яратиш қилинган ишларнинг умумий якуни ҳисобланади. Умумий қоидаларга тўғри келмайдиган қуйидаги далилга эътиборни тортамиз: таълим сифатини ошириш ҳақидаги анъанавий тасаввурлар сифатни ўлчашдаги у ёки бу мезоннинг, улардаги аниқлик,

Чолғу ижроғилигіда инновацион ёндашув

мажбурийлик даражасининг хусусий (асосан, миқдорий) ўзгаришлар доирасыда шаклланган. Бунда таълим тизимлари сифати у ёки бу феноменининг ижтимоий-психологик, маданий, тизимли шартланганлиги ҳақидаги анча муҳим масалалар деярли күриб чиқылмаган.

Таълим сифат муаммоси ҳақидаги нұқтаи назарнинг ўзгариши таълим назарияси ва амалиёти ҳақидаги айнан илмий қарашларнинг ўзгариши билан чамбарчас боғлиқ эмас. Бу ўзгаришлар олий педагогик таълимнинг янада мустаҳкамроқ бўлган университет таълими, шунингдек, янада мослашувчан бўлган масофавий таълим билан рақобат мухитида ўзининг мавжуд бўлиши ва ривожланишга ҳақли эканлигини кўпроқ кейинги йилларда пайдо бўлган зарурят туфайли юзага келган. Шундай қилиб, олий таълим сифати ҳақидаги замонавий тасаввурларнинг қайта кўрилиши, аниқроги, шаклланиши таълимда шаклланган янги ижтимоий-маданий вазиятнинг даъватига жавоб бўлиб ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, айни ана шу даъватга жавоб бутун олий таълим тизимининг барқарорлашиш ва ривожланиш истиқболларини белгилаб беради.

Назорат саволлари

- Олий таълим сифатини ташкилий-бошқарув жиҳатдан таъминлашнинг таянч механизмлари нималардан иборат?
- Таълим сифатининг интуитив концепцияси таркибига нималар киради?
 - Таълим сифатининг таъминлаш омиллари қандай?
 - Таълим сифатни бошқаришнинг назарий йўналишлари қайсилар?

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Зиёмухамедов Б., Абдуллаева Ш. Илғор педагогик технология: назария ва амалиёт / “Маънавият асослари” дарси асосида ишланган услуб. қўлл. – Тошкент: Ибн Сино, 2001. – 80 б.
2. Мардонов Ш. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. – Тошкент: Фан, 2006. – 232 б.
3. Халқ чолғулари ижроғилигининг замонавий омиллари. Республика илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами. Тўпловчи А.Лутфуллаев. –Т.: “Мусиқа”.2015. - 435 б.

Чолғу ижро чилигіда инновациян ёндашув **КЕЙСЛАР БАНКИ**

1-кейс

Мусиқа мактаби тарбияланувчиси Дилдора 12 ёшда. Қизнинг ота-онаси қизи учун фортепиано сотиб олиб берган. Уйда фортепиано ижро чилиги билан құшымча тарзда Дилдоранинг бувиси шүғулланар әди. Дилдора ижро чилик соҳасида ютуқларга ериша бошлади. Мактаб концертларида якка ижрочи сифатида иштирок эта бошлади.

Дилдора тарбияланадиган гурухда Мунира деган қиз ҳам тарбияланади. Лекин улар сира ҳам келиша олмайдилар. Мунира – чин етим қиз. Дилдоранинг еришаёттан ютуқлар Муниранинг ғашыга тегар, унинг баҳиллигини оширад әди. Кундан кунга Мунира Дилдорани ёмон қўриб кетар, ҳар кўрганида бирор баҳона топиб, мазах қилас әди. Эҳтимол шу сабаб бўлса керак, катталарнинг ёки тарбиячиларнинг йўқлигига улар шу даражада уришиб кетишадики, қизларни ажратиб олиш жуда ҳам қийин бўлади.

САВОЛ:

1. Мазкур можароли вазиятни қандай йўл ва усул билан хал қилиш мумкин?
2. Бу тариқа руҳий жароҳатли холатларни вужудга келишининг олдини олиш мумкинми? Агар “ҳа” бўлса, қандай қилиб?

2-кейс

Бир неча йил аввал мусиқа мактабига бошқа муассасадан 10 яшар Юлдуз исмли қизни ўтказадилар. Жуда чиройли, ширингина, соchlари жингалак, дуторчи қизча. Аввалги ўқиган мусиқа мактаби ўқитувчиси меҳрибонлик билан гапирад, ҳар бир эришган ютуқларидан хурсанд бўлиб, рағбатлантирад әди. Янги мусиқа мактаби ўқитувчиси талабчан ва қаттиққўл бўлиб, берган топшириклари юзасидан қўпроқ танбех берар әди. Юлдузнинг ота-онаси ўқитувчининг хатти-ҳаракатини тушунмай, ўқитувчини жахлдор деб ўйлаб, дарҳол уни мусиқа мактабидан чиқариб олдилар. Ярим йил давомида ижро чилик соҳасида анчагина ютуқларга еришди, ўқитувчисининг талабчанлиги натижасида ижро техникасини ўсганлиги сезилиб турар әди. Қизчанинг қаршилигига қарамай, ота-онаси мусиқа мактабига юбормай қўйди. Қизча ҳатто нима бўлганини ҳам тушуниб улгурмади. У жуда оғир аҳволда әди ва бошдан ўтказганларининг оқибати унинг хулқида узоқ вақт ўз таъсирини кўрсатди. У гўёки катталардан аламзада, бутун дунёга ишончсизлик нигоҳи билан боқарди. Ота-онасининг самимий меҳрли муносабати Юлдузда шубха уйғотар әди.

САВОЛ:

Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув

1. Ушбу вазиятда Юлдузнинг икки хил шароитдаги хулқи келтирилади. Юлдузнинг янги шароитга мослашиш давридаги хулқи хусусиятларининг келиб чиқиши ҳамда кейинчалик мусиқа мактабидан кетганидан хулқи сабабларини тушунтириб беринг.

2. Ушбу вазиятни олдини олиш, яни Юлдузнинг янги шароитга, қаттық талабчанликка мослашиб кетиши ва умуман мусиқа мактабига қайтарилиши учун оиласа қандай ёрдам ташкиллаштирилиш мүмкін?

3-кейс

Рустамнинг отаси оталик ҳуқуқидан маҳрум этилган. Унинг онаси эса 3 ийл олдин меҳнат миграцияси сабабли чет элга кетганича хали-хануз қайтиб келмаган. Рустам мусиқа мактабида рубоб чолғу ижрочилиги машғулотларига қатнайды. Охирги вақтларда мусиқа мактабидан қочиб кетадиган ва узоқ вақт дайдіб келадиган одат чиқарди. Хулқида ҳам салбий ўзгаришлар пайдо бўла бошлади. Унинг салбий хулқ-автори гурухдаги болаларга ҳам таъсир кўрсата бошлади. Рустам аслида мусиқа мактабидан чиқиб, кўчада топган ўртоқлари билан клей хидлаб келади. Бу одатини гурухдаги ўртоқларига ҳам ўргата бошлади.

САВОЛ:

1. Сизнинг дастлабки ҳаракатларингиз...
2. Болани тарбиялашда қандай тарбия усусларидан фойдаланасиз?

4-кейс

8 яшар Ирина ота-онасининг ихтиёрига кўра мусиқа мактабига фортелиано чолғу ижрочилигига қатнай бошлади. Иринанинг чолғу ижрочилигига қизиқиши йўқ, кўпроқ расм чизишга қизиқади. Лекин эшитиш қобилияти яхши, ритмни яхши хис қиласи ва мусиқий хотираси ҳам яхши. Ота-онасига билдирмаган ҳолда, фортелиано машғулотларига кирмай қўйди.

САВОЛ:

1. Иринанинг фортелиано ижрочилигига қизиқтириш мақсадидаги сизнинг ҳаракат режангиз...
2. Қизнинг оиласи билан биргаликда касбга йўналтиришнинг қандай усусларини биласиз?

5-кейс

Азизани мусиқа мактабига 13 ёшдалигига олиб келишган. У шу ёшигача мусиқа билан шуғулланмаган. Мусиқа санъати билан касбий шуғулланмаганлиги натижасида техник ривожланишда орқада қолган.

Чолғу ижрочилигіда инновациян ёндашув

Унинг ота-онаси Азизанинг дутор чолғусини ўзлаштиришини жуда хохлашгани сабабли, тезроқ бирор асарни ижро этиб беришини талаб қилишар эди. Азиза эса, хали ижро штрихлари ва гаммалардан нарига ўтмас эди. Азиза бўш қолди дегунча, бирор халқ куйини чалишга харакат қилар, лекин бунинг уддасидан чиқмас эди. Ота-онаси Азизани мусиқа мактабига боришини тақиқлаб қўйиши.

Лекин Азиза мусиқа мактабига яширинча борадиган бўлди. У мусиқа мактабидаги яширин ҳаёт билан яшай бошлайди. Ота-онаси билгандан кейин эса, катта жанжалга сабаб бўлди.

Савол:

1. Азизанинг хатти-харакатини қандай баҳолайсиз?
2. Мана шундай вазиятларда, мусиқа ўқитувчисининг вазифалари нимадан иборат. Сизнинг ҳаракат режангиз.

6-кейс

Пўлат мусиқа мактабига келганидан аввал одоб-ахлоқлиэди, кейинчалик катталарга тақлид сифатида сигарет чакар ва қўчаларда тўполнончилик қилиқларини қилар эди. Тўйларга бориб анча-мунча маблағ топарди. Дайдиб юрганлиги сабабли уни ички ишлар ходимлари ота-онасига ва мактабига хат юбордилар. Лекин уйида ва мактабида қанчалик яхши муносабатда бўлишмасин, Пўлат кўпинча у ердан қочиб кетишга ҳаракат қиларди ва мусиқа мактабига кетдим деган важ билан яна ўша эски хунарини давом эттирас эди. Ота-онаси мусиқа мактабига келиб, боланинг тўйларга боришида ўқитувчисини айблай бошлади.

САВОЛ:

1. Бу вазиятга нисбатан сизнинг муносабатингиз.
2. Ота-онасига қандай муносабат билдириш ва бу ҳолатни олдини олиш мақсадида қандай ишлар олиб борилиши керак?

7-кейс

Одатда кўпинча мусиқа мактабининг битирудилари касб-хунар коллежи ва лицейлар мусиқий фаолиятга мослашишларида кўпина қийинчиликларга дуч келадилар. Бу: касбий мусиқанинг мураккаб тузилмаси; ижро услубларидаги мураккаблик; ўқув жараёни билан боғлиқ вазифаларни бажариш; устоз-ўқитувчи боғлиқ масалалар; оиласвий муаммоларни ҳал этиш кабилар.

Чолғу ижрочилигіда инновациян ёндашув

Коллеж ва лицейларда ўқиши мобайнида мусиқа мактабининг собиқ битирувчилари ўз муаммоларини ечишда ёрдам сўраб яна мусиқа мактабига келиб мурожаат этадилар. Шундай вақтлар ҳам бўладики, берилган асарларни ўзлаштиришда қийинчиликка учраган талаба яна мусиқа мактабидаги ўқитувчиси ёнига келади. Мусиқа ўқитувчиси одамгарчилик нуқтаи назаридан ўқувчисига ёрдам беради. Бунинг натижасида ўқувчида коллеж ёки лицей ўқитувчисига нисбатан салбий муносабат юзага келади.

САВОЛ:

1. Коллеж ёки лицей ўқитувчиси сифатида бу вазиятни қандай йўл билан ҳал қиласиз?
2. Сизда таҳсил олаётган болага нисбатан сизнинг муносабатингиз қандай бўлиши керак?
3. Битирувчи-ўқувчиларнинг коллеж ҳаётига мослашишларига ёрдам бериш тизимини такомиллаштириш мақсадидаги Сизнинг таклифларингиз?

8-кейс

Камер ансамбли ижрочилиги бўйича машғулотларда фортепиано ва скрипка чолғулари ўқувчилари учун репертуар танлашингиз керак. Ўқувчиларнинг шахсий муносабатлари яхши эмаслиги сабабли танлаган асарингиз ўқувчиларнинг бирига ёқса иккинчиси ушбу асарни рад этади (турли сабабларни кўрсатган ҳолда).

Савол:

1. Ўқувчилар томонидан муносабатларига кўра рад этиб бўлмайдиган асар танлаш мумкинми?
2. Сизнинг ўқувчилар муносабатларини ўзгартиришга йўналтирилган ҳаракат режангиз?

9-кейс

Тўйда 10 ёшли боланинг санъаткорлар учун пул териб хизмат қилаётганини кўрдингиз. Боланинг мусиқа ўқитувчиси сифатида сизнинг дастлабки ҳаракат режангиз.

10-кейс

Чолғу ижрочилигіда инновациян ёндашув

10 яшар бола б ёшидан бери скрипка чолғу ижрочилиги бўйича “Мусиқа ва санъат мактаби”да ўқиб келмоқда. Боланинг ритмик координацияси бузилган. Сизнинг ҳаракат режангиз.

11-кейс

Муаммоли вазиятни муҳокама қилиши учун машқ

Йўриқнома:

1. Реал ҳаётий вазият акс этган 1.1.-матнни дикқат билан ўқинг (5 дақиқа давомида).
2. Ақлий ҳужум усулидан фойдаланган ҳолда қуйидаги саволларга жавоб беринг (5 дақиқа давомида):
 - Мазкур вазиятда боланинг қандай эҳтиёjlари инобатга олинмаган?
 - Бу воқеанинг бу тарзда кечишининг олди олиниши мумкинмиди?
 - Мазкур вазиятнинг самарали тарзда олдини олиш учун кимларнинг (ёки қайси идора ва органларнинг) ёрдами жалб этилиши мумкин эди?
 - Воқеанинг ривожланиши давомида мактаб-интернат ходимлари қандай маъқул чораларни кўришлари лозим эди?

1.1. Реал ҳаётий вазият. Бугунги кундаги ...-музиқа мактаб-интернатининг 8-синф ўқувчиси Хасанов Фаррух 14 ёшда. У 11 ёшида онаси томонидан муассасага олиб келтирилган эди.

Воқеа қуйидагича кечган: У ... тумани “...” фуқоролар уюшмаси худудида туғилган Хасанов Фаррух онаси Хасанова Фотима билан биргаликда яшаб келмоқда эди. Дадаси билан онаси Фаррух 7 ёшида ажralиб кетишган. Онаси Хасанова Фотима Фаррух 10 ёшга етганида янги оила – янги турмуш қуради. Оилавий хаёт бошларида хаёт яхши кетаётгандек эди бироқ, кунлар ўтиши билан оиласидаги етишмовчиликлар, икир-чикирлар жанжалларга олиб кела бошлади. Уйда бўлаётган келишмовчиликлар, ўгай отанинг онага нисбатан муносабати, Фаррухга қилаётган муомаласи унинг хулқига жиддий таъсир кўрсата борди. Фаррух дарсларга тайёрланмас, мусиқа мактабига бормаслик одатларини чиқара бошлади. Фаррух кўчадаги бекорчи болалар хаётига кўшила бошлади. Кўли эгриликка одат қилиб, ёмон йўлларга кира бошлади.

Ушбу сабаблар оиласида жиддий жанжалларга олиб келиб парокандалик бошланди. Охир оқибат янги оиласи сақлаш ниятида 11 яшар Фаррухнинг онаси Хасанова Фотима ўз фарзандини ... туманидаги ...-сонли кам таъминланган оила фарзандаларига мўлжалланган мактаб-интернатга

Чолгу ижрочилигіда инновацион ёндашув

хужжатлар тайёрлаб олиб келади. Фаррух мактаб-интернат хаётига астасекин күнінің борды. Она Фаррухни дастлабки кунларида хар хафта келиб хабар олиб кетган бўлса, кейинчалик умуман ўз фарзандидан хабар олмай кўяди. Хафта сўнгида барча ўқувчилар ўз уйларига кетсада, Фаррух мактаб-интернатда қолар, уйга онаси олиб кетмас, хатто таътил пайтлари ҳам яқинлари эътиборисиз муассасада қолиб кетар эди. Ушбу воқеалардан таъсирланган мактаб-интернат директори Фаррухга оиласига шароит билан танишириш, оиласига меҳр кўрсатиш учун ўз уйига олиб кетди. Бироқ Фаррух ушбу оилада эски қилиқларини эсга олиб, қўли эгрилик хунарини бошлади. Бир неча бор буюм, пул ўғирлашга тушди. Бир ойга ҳам бормаган мазкур оиласига муҳит билан танишиш жараёни уй эгаларидан Фаррух ҳақида салбий фикр ва муносабатнинг пайдо бўлиши натижасида уни яна муассасага қайтариш ниятини вужудга келтирди. Демак, Фаррух яна мактаб-интернат хаётига қайтарилди.

Мактаб-интернат Фаррухга ҳар тамонлама ёрдам беришга ҳаракат қиласи. Қишки, ёзги кийим-бош, ўқув қуроллари билан бепул таъминланди. Фаррухнинг хаётига мазмун киритиш мақсадида мактаб-интернат жойлашган “...” махалласи фуқороси Рахмонова Қ. болага васийлик қилиш мақсадида ўз оиласига фарзандлари даврасига қўшди. 3-4 ой ушбу оиладаги хаёт уйдаги буюмларни йўқолиши, соат ўғирланиши билан якунланди. Фаррух яна, яъни иккинчи бор мактаб-интернат хаётига қайтарилди. Ҳар қандай муомала билан ҳам муассаса ходимлари Фаррухни қўли эгрилик одатидан қайтара олмадилар. Онасини бир неча бор мактаб-интернатга чақирилиши натижасида она ўз фарзандидан воз кечиши қарори билан якунланди. У ўз фарзандидан воз кечиши ҳақидаги тилхатни ёзиб, осонгина гўёки у учун қийин бўлиб туюлган вазиятдан қутулди.

Фаррухнинг хаётига бефарқ бўлмаган яна бир Урушбоевлар оиласига васийлик тайинланиб, боланинг тарбияси билан шуғулланиш мақсадида ўз оиласига олиб кетади. Фаррух бу оилада 1 йил яшаб уй ишларига кўмаклаша бошлади, бироқ дарсларни яхши тайёрламас, дарсларни кўп қолдирад эди.

Ёши улгайиб қолган Фаррух энди кўча хаёти уни қизиқтирад, кўпроқ вақти кўчада ўтар эди.

Фаррухга меҳр кўрсатиш ниятидаги Уришбоевлар уни қаттиқ койимас, кўнглини оғритмас эди. Ушбу хаёт Фаррухни дангаса, қўпол, кўча боласига айлантира бошлади.

Ўз оиласидан ташқари, жами 3 та оиласига мослаша олмаган Фаррух бугунги кунда яна мактаб-интернат шароитида яшаб, таълим-тарбия олиб келмоқда.

Чолгу ижрочилигида инновацион ёндашув

1.2. Фаррухнинг хулқи ўзгаришига таъсир этган эҳтимолий омиллар.

Педагог-тарбиячи Фаррухга у билан гаплашиб кўришни таклиф этди Фаррух ҳам бунга рози бўлди. Фаррух мактаб-интернатдаги ишларини, уйдаги ишлари кечишининг яхши эмаслигини тасдиқлади. Педагог-тарбиячи уйдаги ахвол қандайлигини сўрайди. Фаррух қуидагича жавоб беради: “Яхши шекилли”. Педагог-тарбиячи Фаррухнинг товушида аллақандай ғамгинликни сезади. Мутахассис нима учун у ўғирликка ружў қўйганлиги ҳақида ўйлай бошлайди. У Фаррухнинг мактабдаги хулқини ва ўғирлик билан боғлиқ воқеанинг сабабини ойдинлаштиради. Педагог-тарбиячи Фаррух ўз уйидаги вазиятдан, яъни отаси уларни ташлаб кетганидан ташвишда эканлигини, ўқитувчи унга ўз меъёрида таълим бера олмаслигини аниқлади. У дарс мобайнида диққатини меъёрида жамлай олмайди. Бунинг устига бошқаларга ҳам халақит беради. Шунингдек педагог-тарбиячи жабр кўрган кишиларнинг ўз нарсаларини ўғирлатишига йўл қўйиб бермаслигини ҳам билади. Фаррух катталарнинг илиқ муносабати, яхши меҳрли муомаласига мухтождир. Фаррухнинг бугунги кундаги хулқи, одатлари шаклланишига кўп нарса таъсир этган.

Биринчидан, ўз биологик отасининг ташлаб кетиши. Бу ҳолат ҳар қандай фарзандда “КЕРАК ЭМАСЛИК” туйғусини, бефарқлик, қадр-қимматсизлик каби хисларни уйғотади.

Иккинчидан, онанинг болага бераётган эътиборини тўсатдан бошқа бир ва бола учун бегона бўлган обьект, яъни эркакка тақсимлаши. Албатта, мазкур оиласиб вазиятда она янги турмуш ўртоғининг талабларига жавоб бериш ҳамда майший-хўжалик ишлари билан шуғулланиш баробарида, эҳтимол болага етарли эътибор ва алоҳида вақт ажратадир. У билан тарбиявий таъсирли муомала ўrnата олмагандир. Айнан муомала, муносабат, илиқ меҳрга тўймаганлик ва эътибор остидан қолиш каби камчиликлар болада қаҳри қаттиқлик, гапга тушунмаслик, “безбетлилик”, гап қайтариш, ўз вақтини керак бўлмаган ишлар билан ўтказиш каби одатларнинг шаклланишига олиб келган бўлиши мумкин.

Учинчидан, онанинг буткул болани эсдан чиқариши. Биринчи ва иккинчи санаб ўтган сабабларимиздан қаттиқ ранжиган ва ўзида ўз оиласига нисбатан хиссизликни шакллантириб бораётган Фаррух учун мазкур айрилиқ унинг ҳакиқатда ҳам ҳеч кимга КЕРАК ЭМАСлик фикрини мустаҳкамланишига олиб келган бўлиши мумкин.

Тўртинчидан. Ҳар қандан инсон яқин кишига нисбатан эҳтиёжни хис қилади. Ўз яқинларисиз қолган Фаррух эндилиқда бошқа тенгдош болаларидан ажralиб қолиш ҳолатига тушган бўлиши мумкин. Чунки гурухдош тенгдош ўртоқлари ҳар хафта ўз оиласига, ўз уйига ошиқадилар.

Чолғу ижрочилигіда инновациян ёндашу

Доимо үз яқинлари ҳақида яхши сўзларни айтиб, бўлган воқеаларни хавас билан хотирлайдилар. Бу эса болада ички ўқиниш, бошқалардан камлик деган хиснинг пайдо бўлиши ҳамда бошқаларга ўхшамаслик деган фикрнинг шаклланишига туртки бўлган бўлса, ажаб эмас.

Бешинчидан, болада спортга нисбатан қизиқиши каби бошқа яширин қобилият ёки мойилликлари ўз вақтида аниқланиб, ривожлантириш учун махсус педагогик шароит яратилмаган бўлиши мумкин. Натижада болада ўзгалар нигоҳида ва ўзи ҳақидаги фикрларида фақат ЁМОН деган сўз ва муносабатлар айланиб юраверган. Боладаги кучсиз томонлар гўёки у эга бўлган ягона хусусиятдек талқин этилган. Аслида эса агарда боланинг кучли томонлари муҳокама марказига олиб чиқилиб, кучли хусусиятлари эътиборга олинниб, шу воситасида унинг қадр-қиммати қўтарилиб, унга нисбатан ишонч билдирилиб, юқори баҳо ва илиқ меҳрли муносабатлар билан унинг **БОШҚАЧА ЭКАНЛИГИ, БАРЧАГА КЕРАКЛИГИ, ЖУДА ЯХШИ БОЛАЛИГИ, ҲАЁТДА НИМАЛАРГАДИР ЭРИША ОЛИШИ МУМКИНЛИГИ, БОШҚАЛАРГА ҲАМ МЕҲР БЕРА ОЛИШИ МУМКИНЛИГИ** таъкидланганда эди, эҳтимол коррекцион-ривожлантирувчи таъсир кўрсатиш имкони бўлган бўлар эди.

Лекин Фаррухга нисбатан муносабат курилаётганда юқоридагилар инобатга олинмаган эди.

Унда керакли эҳтиёжлар қондирилмаган. Масалан, агар эҳтиёжлар назариясига эътибор берадиган бўлсак, у ҳолда қуйидаги эҳтиёжларнинг қондирилмаганлигининг гувоҳи бўламиз.

1. Физиологик эҳтиёжлар – озиқ овқат, кийим-кечакка нисбатан эҳтиёж ва бошқа зарур моддий ашёлар.

2. Хавфсизликка эҳтиёж – ўз қадр қимматига эга бўлиш, кимгадир кераклилик, кимнингдир ҳимоясида бўлиш хисси.

3. Мансублиликка эга бўлиш эҳтиёжи – маълум бир инсоннинг яқини сифатида ўзини хис қилиши, ота-онадан айрилиқ туфайли, ўз мансублигини хис қиласлик холати, меҳрли ва эътиборли муносабатнинг мақжуд эмаслиги, ўз реал “Мен”ининг шакллантирилмаганлиги.

4. Ижтимоий, маънавий-аҳлоқий эҳтиёжлар – доимий яқин дўстларга эга бўлиш, ягона муқим яшаш жойига эга бўлиш, ота ва онанинг бола кўнгли ва ички дунёсига нисбатан хурмати, боланинг такрорланмас ва ўзига хос хусусиятга эгалиги, унинг ички ақлий ва хиссий имкониятларни юзага чиқаришга нисбатан таълим-тарбиявий таъсир; болада маънавият ва аҳлоқий ҳаёт тарзи, дўстона муносабат, яқинларни ва умуман инсонларни қадрлаш каби тушунчаларни шакллантириш, ҳунар эгаллаш, аҳлоқий дунёқарашга эга

Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув

бўлиш ва умуман бола эга бўлган барча кучли томонларнинг қўллаб-кувватланиши ва х.з.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модуль бўйича лимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модуль бўйича лимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мустақил таълим мавзулари

1. Мусиқа санъати фанини ўқитища инновацион педагогик технологияларидан фойдаланиш.
2. Илгор хорижий тажрибалар асосида ўқув-услубий мажмуаларни яратиш.
3. Модул асосида дарсларни ташкил этиш услибиёти.
4. Деклан Берннинг "blended learning" (аралаш таълим) тизими.
5. "Устоз-шогирд" таълим мининг ўқитиши шакли ва мазмуни.
6. Мусиқа санъати фанини ўқитища инновацион педагогик технологияларидан фойдаланиш.
7. Таълим олувчиларнинг мутахассисликка оид ўзлаштирганлик даражасини жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиш ва баҳолаш.
8. Таълим олувчиларнинг ўқув дастурий материални ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш методлари ва баҳолаш мезонлари.

VII. ГЛОССАРИЙ

АБСОЛЮТ ЭШИТИШ ҚОБИЛИЯТИ – Товушларнинг аниқ баландлигини тинглаш ёрдамида фарқлай билиш қобилияти. Мазкур қобилиятга эга инсон мусиқани тез ўзлаштиради;

АВЖ – баёни ва ривожида энг юқори нұқта. Ўзбек мусиқа меросининг мақом, ашула, катта ашула каби йирик шаклдаги намуналарида бир неча хил Авжлар учрайди. Булар ўрта авж ва катта авж деб номланади;

АГОГИКА – мусиқа ижрочилигіда бадий хусусиятни қўзлаб асар суратини бир оз ўзгартириш, тезлатиш ёки секинлатишга айтилади;

АДАЖИО – Асарни оғир, вазмин, салмоқли суратда ижро этиш белгиси;

АККОМПАНЕМЕНТ – (fr. Accompainment, – жўр бўлиш) – ашула айтганда ёки бирор чолғуда чалганда унга жўр бўлиш. А. Яккахон ашулачи ёки чолғучига гармоник ва ритмик ҳамоҳанг бўлиб, мусиқа асарининг бадий даражасини чукурлаштиради;

АККОРД – (fr. Accord – бирдамлик) – турли баландликдаги уч ва ундан ортиқ товушларни бир вақтда янграши.

АКТ – (lat. actus – ҳаракат) – мусиқали драма, опера, балет, оперетта ва бошқа сахна асарларининг тугалланган бир қисми, пардаси. Сахна асарлари одатда бир неча Актдан иборат бўлиб, булар орасида танаффус, яъни антракт бўлади. Айрим сахна асарлари бир актдан иборат бўлади.

АКЦЕНТ – бир товуш ёки аккордни қаттиқ чалиш, одатда тактнинг кучли ҳиссасида келиб, акцентли нота >, *sf.*, \checkmark каби белгилар билан кўрсатилади; шунингдек акцент ритмик чўзимини орттириш орқали гармония, тембр ва куй ҳаракатини ўзгартириш кабиларда кўлланилади.

АЛЛА – суръати охиста ва ўртача куйдир. Одатда тебранувчан, аллаловчи, ёқимли хусусияти хукмрон бўлади. Алла аёлларимизнинг гўдакларни ухлатиш учун бешик ёки беланчакни тебратиб айтадиган қўшиғи. Ўзбек композиторлари ва бастакорлари чолғу аллалар ҳам яратдилар;

АЛЛЕМАНДА – Францияда XVII асрдан бери маълум қадимий рақслардан, бу рақс $\frac{2}{4}$ ё $\frac{4}{4}$ ўлчовида оғир, вазмин, сокин, бир текис ҳаракат билан ижро этилади. XVIII асрнинг охирларига келиб, у битта ёки тўлиқсиз текта (текта олди) эга бўлган; бундаги ҳаракат узлуксиз бўлиб, ўн олтиталикларда кўпгина полифоник ривожловда келган, шу туфайли усулларнинг (ритм) жозибалиги аниқ сезилади, бу рақс ўз хусусияти билан прельюдияга яқин (чолғу пьеса).

Чолгу ижро чилигидан инновацион ёндашув

АЛЛА БРЕВЕ – тўрт чоракли ўлчовда (4/4-С) ёзилган тектаги ноталарнинг ҳар икки чораги «бир» ҳисобидан, яъни тект (2/2-С) ўлчовида саналишини кўрсатади. Алла бреведа ҳар бир тект икки саноғида кучли ва кучсиз ҳиссаларидалигини аниқлайди. Алла бреве сўзлари нота йўлининг

бошланишида калит ва алтерация белгиларидан сўнг ёзилади:



АРИЯ – (итал. Aria – ашула) – Ашула каби куйчан, мукаммаллашган ва кенг кўламли шаклга эга, одатда лирик ва драматик мазмунли тугалланган асар. Ария асосан опера, мусиқали драма, шунингдек кантата ва ораторияларда қўлланилади. Жиддийлиги, мазмунининиг ғоявий бир мақсадга эгалиги билан Ария драмадаги монолог билан тенгдир. Шунинг учун ҳам ария Баъзида монолог деб юритилади.

БАЁТ – Тошкент-Фарғонада машҳур мақом йўлларидағи беш қисмдан иборат йирик ашула туркуми. Наво мақомининг наср бўлимидағи йирик ашула йўлларидан бири;

БАЛАБОН – (бўламон, болабон, боламан) – Қадимий ўзбек халқ чолғуларидан. Кўпроқ Хоразмда тарқалган. Ёғоч асосан тутдан ясалиб ичи кавлаб бўшатилади. Шакли сурнайга ўхшаёт, лекин кичикроқ, узунлиги 300 мм. Бўламонининг юқори қисмига ўрнаштирилган «тили» қамишдан тайёрланган. Бўламонда саккизта тешик мавжуд бўлиб, еттитаси устки томонда, саккизинчиси пастки томонда жойлашган. Орқа томондаги тешик юқорида бўлиб, чап қўлнинг бош бармоғи билан беркитилади. Товушқатори диатоник, кичик октава ре ва ре-бемолдан бошлаб уч октавага яқинлашиб борди;

БАЛАМАН – Тил ёрдамида ижро этиладиган озарбайжон халқ чолғуси. Бу чолғуни ясти баламан (Догистонда ясти-балабан) деб ҳам юритилади. Баламан тут ёки ўрик ёғочидан ясалади. Баламанда 5 тадан 9 тага қадар тешикчалар бўлиб, булардан бири орқа томонда (пастки қисмида) жойлашган. Товушқатори диатоник.

БАЛЛАДА – (итал. ballade) – адабий-поэтик жанр бўлиб, халқ ўтмиши ёки ўтган давр ҳақида шеҳрий қисса. Қисса ёки ҳикоя қилиб айтиб бериш характеристида ёзилган чолғу, ё вокал мусиқа асари. XII асрда рақс характеристидаги халқ хорларини Баллада дейилган XIV-XV асрларда лирик ашулалар шу ном билан юритилган. XVIII-XIX асрларда балладада ҳаёлий ва эртак қаҳрамонлари асосий ўрин эгаллади. XIX асрдан бошлаб вокал, қисман чолғу мусиқа асарлари Баллада деб номланди;

БАРИТОН (итал. baritono) – Бас ва тенор товушлари ўртасидаги эркаклар овози. Баритоннинг драматик тенорга яқин лирик ва драматик

Чолғу ижрочилигіда инновациян ёндашув

турлари бўлиб, овоз ҳажми ката оқтавадаги ля ёки си бемолдан биринчи оқтавадаги сол ёки ля-бемолга қадар, ноталари бас калитидан ёзилади;

БАРКАРОЛА – (итал. *Barkarola, barca – яъни қайиқ*) – қайиқ ҳайдовчи балиқчилар ашуласи. Венецияда кенг тарқалган. Мунгли садолардаги вокал ёки чолғу пхесалардан айримлари шу ном билан аталади. Бундай асарларда куй ва унинг жўр қисмида кўпроқ сув тўлқинлари тасвирланади.

БАС – (итал. *Basso-пастки*) – Эркакларнинг паст (йўғон) товуши. Катта оқтавадаги фа биринчи оқтавадаги фага қадар бўлган оралиқдаги товуш. Овози кенг ашулачиларда паст ва юқори томони яна кенгайиши мумкин. Ноталар бас калитидан ёзилади. «Гулсара» операсида Аллома, «Лайли ва Мажнун» операсидаги Домла, «Майсарапнинг иши» операсидаги Қози партиялари Бас учун ёзилган.

Йўғон товуш берадиган мис пулфлама чолғуси: овоз ҳажми билан Тубага яқин.

БАСТАКОР – (форс-тож. *Баста-боғлов, кор-иш, машғулот*) – монодия услубида асар (қўшиқ, ашула, чолғу куй)ларяратувчи ижодкор. Ўзбек мусика меросида Бастакорлик анъаналари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Т.Жалилов, Ю.Ражабий, Ф.Содиқов, К.Жабборов, Ф.Тошматов, М.Мирзаев каби бастакорлар бу соҳадаги анъанани бирмунча кенгайтириб нафақат куй, қўшиқларгина яратиб қолмай, мусиқали драма, опера, кантата, оратория каби жанрлар ривожига муҳим хисса қўшишди;

БАХШИ-ШОИР – дўмбира ёки дутор жўрлигига достон йўлларини ижро этиш билан бирга, турли мавзуларда ўзлари хам шҳер ва достонлар яратувчилар;

БУРРЕ, БУРЕ – икки ҳиссали $\frac{4}{4}$ тез суръатлар билан ижро этиладиган қадимиј французча рақс (XVI аср). Бир чорагида тект олди (тўлиқсиз тект) келиши типик ҳодиса, иккинчи ва учинчи ҳиссаларининг синкопаланиши учраб туради. Бурре – XVI асрдан маълум, халқ ўртасида қўлланиб келинган бурре $\frac{3}{8}$ ўлчовида бўлиб, саройда ижро этиладигани $\frac{4}{4}$ ўлчовидир. XVII асрга келиб композиторлар бу рақсни опера ва балет таркибиға киритганлар;

БОЛЕРО – XVIII аср охирларидан бошлаб кенг тарқала бошлаган, жуфт бўлиб ўйналадиган испан халқ рақси. $\frac{3}{4}$ ўлчовида чалинади, тезлиги ўртача, рақсга кастанеталар (кичик ҳажмдаги урма чолғу асбоби) жўр бўлади.

Чолғу ижрочилигіда инновациян ёндашув

ВАЛЬС – (фр. *false*) – икки кишидан бўлиб, оҳиста ўйналадиган рақс.

Мусиқа ўлчови $\frac{3}{4}$ да бўлиб, тез, ўртача тез ва вазмин суръатларда бўлади.

Вальс Автрия, Чехия ва Германия халқлари рақси асосида 18-асрнинг икки ярмидан бошлаб қўлланилади. 19-асрда эса Европанинг ҳамма мамлакатларида кенг тарқалди. Вальс чолғу асбоблари билан ва вокал ҳолида бўлиши мумкин. Вальс мусиқали саҳна асарлари (опера, балет, оперетталар) да қўлланила бошлади. Шунингдек фортепиано, симфоник оркестр учун вальслар яратилади.

ВАРИАЦИЯ – Мусиқа асари мавзуи, куй ёки жўр қисмининг турланиши. Тез суръатда жонли ва якка ижро этиладиган мумтоз рақс.

ВИБРАЦИЯ (лот. *Vibratio* – титраш, қалтираш) – товушни тўлқинлатиш. Торли чолғуларда бармоқ босилган пардани қимирлатиб туриш йўли билан Вибрация ҳосил қилинади. Ашула айтишда эса Вибрация товуш берувчи аппаратни ҳаракатга келтириб туриш йўли билан олинади. Вибрация товуши ўзига хос ранг-барангликка эга бўлади.

ВИРТУОЗ (итал. *virtuoso*, лот. *virtuz* – талант, виртуоз) – мусиқа асарларини зўр маҳорат билан ижро этувчи созанди. Одатда виртуозлар мураккаб, таҳсирчан мусиқа асарларини чаладилар. Бундай мусиқа асарлари кўп ҳолларда этюд ва концерт шаклларида бўлади.

ВОКАЛИСТ – ашулачи. Одатда бу атама маҳсус мактаб (музиқа таълим муассасаларида) таҳсил олган ашулачиларга нисбатан қўлланилади.

ВОЛЬТА – (итал. *Volta* – вольта) – бир нота ёзувида мусиқа асарининг маълум қисмини қайта такрорлашда турлича тугатиш учун қўйиладиган белги. Қайтариладиган қисмининг тугалланиши ҳар сафар турлича бўлиши мумкин. Бу ҳолда тугалланишда ўзгартириладиган ноталар устига 1,2 рақамлари қўйиладики, бу ишора «биринчи такрор учун», «иккинчи такрор учун» деган маънони англатади. Агар мусиқа асарининг ўрта қисми қайтарилиши лозим бўлса, такрор белгиси такрорланиши лозим бўлган нотанинг ҳар икки томонига қўйилади;

ВОДЕВИЛ – 1. Мусиқа жўрлигига ижро этиладиган енгил ҳажвий асар. 2. Ҳажвий опера ва пьесаларда саҳнада қатнашувчиларнинг ҳаммаси томонидан ижро этиладиган нақаротли қўшиқ, бу ашула сатирик ёки кулгили бўлиб, саҳна асари охирида айтилади;

ГАММА – октавадан кам бўлмаган оралиқдаги товушқаторнинг бир текис қўтарилиши ёки пасайиши. Гамма юононларда учинчи ҳар номи бўлиб, у билан ўрта асрдаги энг пастки товуш, яъни катта октавадаги сол (Γ) товуши кўрсатилган.

Чолгу ижрочилигидаги инновациян ёндашув

ГАРМОНИЯ – (юн. Garmoniya – боғланиш, оҳангдошлиқ) – бир йўла эшитиладиган бир неча товушларнинг ўзаро боғланишда келиши, Гармония факат бир тоналликка бўлган товушлар оҳангдошлигини таъминлабгина қолмай, тоналликлараро оҳангдошликни ҳам таъминлайди. Оҳангдошликнинг асосий тури аккорддир. Гармония мусиқа маданиятининг тобора юксалиши туфайли ўзгариб, бойиб бормоқда. Турли миллат халқлари композиторлари хилма-хил Гармонияларни яратганлар.

ГОПАК – шўх ва чаққонлик билан ижро этиладиган украин халқ рақси. Такт ўлчови 2/4. Гопакнинг якка, жуфт ва кўпчилик бўлиб ижро этиладиган турлари мавжуд.

ДАВРИЯ – Тугалланган кичик бир мусиқа тузилиши бўлиб, бу турлича каданслар билан тугалланган икки жумланинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Бу каданслардан биринчиси ёки савол билан тугалланувчи (кўпроқ яrim каданс ҳолатида) бўлиб, иккинчиси жавоб берувчи мукаммал тугалланган каданс ҳолатида келади. Баҳзан такрорий структура, яъни ҳар икки жумла бир турли куй асосида бўлса, баҳзан такрорланмайдиган структура, яъни ҳар икки жумла турлича куй асосида келади. Давриядаги жумлалар тенг масофада бўлганидек, кенгайтирилган Даврияда икки жумла биринчисига нисбатан учун бўлади. Агар даврия бошланғич тоналиқда тугаланса – бир тоналлик Даврия агар иккинчи жумладан каданс биринчисига нисбатан бошқа тоналлиқда ўтса – модульяцияланувчи Даврия деб аталади.

ДАРОМАД (форс. – кириш) – бошланғич қисм. Ашуланинг бошланғич қисми. Пастки (бош) пардаларда чалинадиган (айтиладиган) бўлаги. Даромад термини кўпроқ йирик шакли ашула («Кўча боғи», «Гиря» ва бошқа) катта ашула ва мақом йўлларига нисбатан қўлланилади;

ДЕТАШЕ – (фр. *detashe*, *detucher* – бўлиш, ажратиш). Торли-камонли чолғуларда ҳар бир товуш камончани бир томон (паст ёки юқорига) тортилишида ижро этиш;

ДИАПАЗОН – (юн. *Diapason* – ҳамма торлараро) – ашулачиларнинг овози, чолғулар, товушқатор, лад, куй, в.б.нинг товуш ҳажми. Овоз ва мусиқа чолғуларидаги энг пастки ва энг юқориги товуш оралиғи (интервали);

ДИАТОНИКА (юн. *diatonikos* – бир тондан иккинчи тонга ўтиш) – ладдаги асосий поғоналардан тузилган қатор мусиқа товушлари. Табиий мажор, минор ва ўрта аср ладлари учун асос бўлган асосий етти поғонадаги тон ва яrim тонлар Диатоникага киради;

ДИНАМИКА (юн. *dinamikos* – кучли) – мусиқа товушларининг қаттиқ-секин ижро қилиниши. Динамикада товушни турлича чиқариш, яъни бир йўла қаттиқ ёки секин, аста-секин кучайтириш ё секинлаштириш, айрим товушларни алоҳида таҳқидлаб (қаттиқ) эшиттириш в.б. бўлиши мумкин.

Чолғу ижрочилигіда инновациян ёндашув

Динамиканинг асосий турлари форте (форте нота ёзуvida қисқартириб – *f* деб ёзилади.) – қаттиқ, кучли; пиано (пиано, нота ёзуvida қисқартириб – *p* деб ёзилади.) – секин;

ДИРИЖЁР – (фр. diriger – бошқариш, йўлга солиш) – мусиқа асарини ижро этувчи жамоалар (солистлар, хор, оркестрларга раҳбарлик қилувчи санъаткор.) Дирижёр мусиқа асарини оммавий ижросига қадар ижрочи жамо билан бўлган ҳамма тайёргарлик (репетиция)ни олиб боради. Асосий ижро вақтида эса асарнинг ижро тезлиги, динамика туслари, айrim тўда ёки якка ижрочиларни тўхташ ёки ижро қилиш вақтларини кўрсатиб туради. Жамоани бирлаштиради, асарни бадиий ижроси учун ҳаракат қиласди. Дирижёр ўнг қўлида кичик таёқча ушлаб, мусиқа асаридаги тактларнинг биринчи кучли саноғини пастга тушириш билан кўрсатиб туради. Юз, қўл, бош ва гавда ҳаракатлари ва мимикалар билан асар моҳиятини кўрсатиб, қандай ижро этилишини билдиради;

ДИСКАНТ – Болаларнинг баланд товуши. Биринчи оқтавадаги до дан иккинчи оқтавадаги сол оралиғидаги овоз. Вокал ансамбли хорда ё болаларнинг, ё хотин-қизларнинг юқори (сопрано) овози партиялари;

ДИССОНАНС – (фр. dissonance лот. dissono – созланмаган товуш) – тингловчини безовта қилувчи, гўё ўзаро қовушмаган (мунофират) товушлар. Катта ва кичик секунда, септима ва нона, орттирилган кварта (учтонлик), кичрайтирилган квинта интерваллари Диссонансга киради. Диссонанс ўткирлик, кескинлик, қайгу-укубат ва бошқа шу каби ҳолатларни ифоладалашда кучли қуролдирки, бу ҳаяжонли ҳолатлар юқори нуқтага кўтарилиб, сўнг эмоционал оҳиста ва мулоим товушларда очилиши, яъни консонанс (мулоимат)га ўтиши билан тўла бир образ гавдалантирилади. Диссонансни ўринсиз, ҳаддан ташқари кўп қўлланиши формалистик мусиқага хос бўлган бехманиликка олиб боради;

ДОМРА – торли тирнама рус халқ чолғуси. Домра уч бўлакдан иборат: коса (корпус), дастаси (гриф) ва бош қисми. Косага қопланадиган қопқоқ фақат арча дарахтидан тайёrlанади. Қопқофининг марказий қисмida товуш берувчи тешикчалар бўлади. Бу тешикчаларнинг ўнг томонида коса устига қаттиқ ёғочдан қилинган қобик қопланган. У қопқоқни тирналишидан сақлайди. Коса авранг (клён) ёки қайниндан тайёrlанган еттита бўлак тахтачадан иборат. Домрани бўғзи ҳам қайниндан, дастаси қаттиқ ёғочдан ясалади. Дастада ярим тон оралиғида тузилган 18 та парда бор. 2,5,7,10 ва 12 пардалар оралиғида садаф тугмачалар ўрнаштирилади. Домра 1-асрнинг охирларида В.В.Андреев уч торли Домрани қайта ишлаб, унинг катта-кичик турларини яратди ва рус халқ чолғулари оркестрига киритди;

Чолғу ижрочилигіда инновациян ёндашув

ЖАЗ – XIX аср охири – XX аср бошларыда Америкада пайдо бўлиб, тез тарқалган бал рақсидир. Жазга Америка негрлари мусиқасининг ритм, лад, чолғулаш, товуш чиқариш каби хусусиятлари таҳсир қилган. Жаз мусиқасининг кўп тарқалган турлари: фокстрот, близ, чарлстон, танго, румба, буги-вуги кабилар.

ЖИГА – ўлчов миқдори уч хиссали, яъни $\frac{3}{8}, \frac{6}{8}, \frac{9}{8}, \frac{12}{8}, \frac{3}{4}, \frac{6}{4}, \frac{12}{16}$ бўлган инглизларнинг қадимий рақси, бу рақс жуда тез ва жонли ижро этилади. ХВИИ-ХВИИИ асрлардаги тўрт қисмдан иборат бўлган рақс сюиталарида жига охирги, тўртинчи қисмда келган;

КАДЕНЦИЯ – 1. Тартибли ҳолатда эшитилаётган мусиқанинг тугалланган, бир мақсадга келиб тўхтагани ёки мусиқа асарининг бутунлай тамом бўлгани бўлиб, буни бошқача каданс деб ҳам аталади. Каденция мусиқа асарини фақат тугалланганлигини аниқлаб қолмай, бўлакларга ҳам бўлади:

- а) мукаммал каденция, яъни аккордлар асосий ҳолатда ва биринчи поғона тоника учтовушлигининг куйсимон ҳолатда тугалланиши;
- б) номукаммал каденция, яъни юқоридаги тартибларга тўғри келмайдиган ҳолатда тугаши;
- в) тўла каденция, яъни тоника учтовушлиги билан тугаши;
- г) ярим каденция – доминанта, субдоминанта аккордида тугалланиши.

2. Виртуоз шаклида бўлган мусиқа асари – одатда чолғу концертида бирор қисми ёки хотимасининг импровизация характеристида тамом бўлиши. Каденцияда ёлғиз бир чолғу асбоби – чанг, ғижжак, рубоб, скрипка, фортепиано ижро этиб, оркестр ё ансамбль жўр бўлмайди;

КАДРИЛ – Оврўпо халқларининг кўп қисмida тарқалган рақс, мусиқа ўлчови $\frac{2}{4}$ бўлиб, 5-6 хил ҳаракатлардан иборат, бу ҳаракатларнинг ҳар бири ўз номига эга бўлиб, ўзига хос жўр бўлувчи мусиқаси бор. XVII асрнинг охиридан XIX аср охирига қадар кадрил кенг тарқалган рақслардан бўлган. Кадрил турли номлар билан рус, украин, белорус, литва, латиш ва эстон халқларида тарқалган. Рус халқи ўртасида кадрилнинг турли ҳолатлари ҳам мавжуд;

КАМАРИНСКАЯ – тез суръатда, хушчақчақлик билан ижро этиладиган рус халқ рақси бўлиб, $\frac{2}{4}$ ўлчовда келади. Одатда камаринская рақси бир неча марта турли ҳолатларда қайтарилади. Рус композиторлари симфоник оркестр ва фортепиано учун шу ном билан пьесалар яратдилар.

Чолғу ижрочилигіда инновациян ёндашув

КАНСОНА – XV-XVI асрларда полифоник тузилишда бўлган кўповозли ашула, миллий колорит (хусусият, белги) сақланиб ёзилган сода мусиқа асари XIX аср охирларида ричеркар ёки фуга типидаги (хилидаги) кичик чолғу пьеса ҳам шу ном билан аталган. XIX-XX асрлардан бошлаб «сўзсиз қўшиқ» даражасидаги куйни кансона дейилган.

КАНОН – 1. Бир куйни бир неча овозда олдин-кейин қайтариладиган кўповозли мусиқа асари. Канондаги куй бир овозда тугалланмасдан иккинчи овозда бошланади (имитация усули асосида); иккинчи, учинчи овозларда куй деярли ҳеч қандай ўзгаришсиз қайтарилсада, ритмик жиҳатдан Баъзи бир ўзгаришлар билан ҳам келиши мумкин (квинта, октава интервалида). Каноннинг қўшканон тури ҳам бор, бунда бир йўла турли овозларда иккита куй қайтарилади, канон имитациянинг бир тури. 2. Бармоқлар билан тирнаб чалинадиган арман халқ торли чолғу асбоби;

КАТТА (МАЖОР) УЧТОВУШЛИК – энг яқин оралиқда (терция бўйича келган ҳолатда), пастдан катта, сўнг кичик терция ҳосил қилган учтовушлик. Бу терциялар йиғиндиси соф квинтани ($3\frac{1}{2}$ т.) ташкил этади.

Катта учтовушлик мажор учтовушлиги деб ҳам аталади.



КЛАВИР – 1. Вокал-симфоник мусиқа асарларининг (опера, оратория, кантата) овозлар ва фортепиано ёки ёлғиз бир фортепиано учун мослаб кўчирилган нусхаси. 2. Клавишили-торли чолғу асбобининг немисча аталиши.

КОНЦЕРТ – 1. Симфоник оркестр ёки халқ чолғулари оркестрининг (ансамблининг) жўрлигига ёлғиз бир чолғу асбоби ёки овоз учун йирик шаклда ёзилган мусиқа асари. Концерт кўпроқ уч қисмдан иборат бўлади, биринчи қисм – драматик хусусиятда, тез изжро этилади, соната аллегроси шаклида; иккинчи қисм – лирик хусусиятда, салмоқли (анданте) суръатда, уч қисмли шаклда бўлади; учинчи қисм – финал, тантанали рақс тарзида (рондо шаклида) ёзилади. 2. Мусиқа асарлари ва рақсларни кўпчилик олдида изжро этилиши, бундай концерт симфоник оркестр, ашула ва рақс, халқ чолғулари оркестри (ансамбли) халқ ижодиёти (фольклор), камер ҳамда байрам концертлари шаклида бўлиши мумкин;

КОНТРАПУНКТ – 1. Ўзига хос оҳангдорликка эга бўлган икки ё бир неча куйнинг бир йўла келиши, яъни кўповозлиқ. 2. Асосий мавзу билан бир вақтда эшитиладиган куй. 3. Товушнинг контрапункт ҳолатига келишини ўрганувчи фан бўлиб, улар қатхий услубдаги ва эркин услубдаги контрапункт билан икки турда қўлланилади: мураккаб контрапункт;

Чолғу ижрочилигіда инновациян ёндашув

горизонтал ҳаракатчан контрапункт; вертикал ҳаракатчан контрапункт; құшалоқ контрапункт; учлик (уч мавзули) контрапункт; учлик фуга; құшалоқ фуга; полифония.

КУРАНТА – қадимий француз рақси, дастлаб $\frac{2}{4}$, кейин $\frac{3}{4}$ ўлчовида бўлади, ўртача ва тез суръатда жонли ҳаракатлар билан ижро этилади. XVII-XVIII асрларда тўрт қисмли рақс сюитасининг иккинчи қисми куранта бўлган, типик суръати  ;

ЛЕЗГИНКА – Догистон ва умуман Кавказ халқлари ўртасида кенг тарқалган рақс. Лезгинка жонли, тезлашиб борадиган рақс, такт ўлчови икки ҳиссали (асосан $\frac{6}{8}$ да) бўлиб, кўпроқ синкопали ҳолатда келади.

ЛЯВОХИНА – хушчақчақ, енгил белорус рақсли халқ қўшиғи, суръати тез, такт ўлчови $\frac{2}{4}$, ритмик ҳаракати билан текис нимчорак ҳисобида боради;

МАДРИГАЛ – олдин бир овозли, XVI асрдан кўп овозли бўлиб айтила бошланган қўшиқ (ансамбль, хор) – хор, бу кўпроқ Италия, сўнг Англияда кенг тарқалди. Мадригал кўпроқ лирик-психологик мазмунда ривожланган. Мадригал бадиий жиҳатдан ривожланган бўлиши билан бошқа ашула-хорлардан фарқ қилган.

МАЗУРКА – ритми жуда равshan ва характерли бўлган поляк халқ рақси. Такт ўлчови $\frac{3}{4}$, $\frac{3}{8}$ бўлиб келади. Мазурка суръати турлича, яъни салмоқли суръатдан тезроқ ижро этилишигача боради. XIX асрдан бошлаб мазурка Оврўпода бал рақси сифатида кенг тарқалади, мазурка мусиқа жанри сифатида опера, балет, чолғу мусиқаларида қўлланилади;

МАРШ – ҳарбий юришларда, парадларда иштирок этувчиларни рухлантириш, уларнинг ҳиссиётларига таҳсир этиш мақсадида ёзилган мусиқа асари. Маршнинг такт ўлчови $\frac{2}{4}$, $\frac{4}{4}$, $\frac{6}{4}$ бўлиб, равон ритмда, куйи равshan бўлади. Маршнинг суръати ва мусиқа хусусияти билан бир-биридан ажralадиган турлича хиллари бор. Масалан, парад марши, юриш марши, тантанали марш, мотам марши каби. Марш жанридан опера, балет, симфоник мусиқа асарларида ҳам фойдаланилади. Концертларда иштирок этиш ва ашула қилиб айтишда ҳам марш мусиқаси қўлланилади.

МЕНУЭТ – текис ҳаракатлар билан салмоқли суръатда ижро этиладиган қадимий француз халқ рақси. Такт ўлчови уч ҳиссаси, менуэт чолғу мусиқасида қўлланила бошлангандан сўнг жонли хусусият ва тез

Чолгу ижрочилигидә инновацион ёндашув

суръатга кўчади. XIX асрнинг дастлабки йилларига қадар тсикли соната (даврли соната) шаклида ёзилган симфониянинг учинчи қисми ва бошқа чолғу мусиқа асаларидағи менуэт ўринин скерсо эгаллади. Менуэт – XVIII

асрнинг бошларида пайдо бўлган, такт ўлчови $\frac{3}{4}$, $\frac{3}{8}$, сокин, ниҳоятда секин

суръатли ракс.

МИНОР, МИНОР ЛАДИ – турғун товушлардан кичик (минор) учтовушлиги ҳосил бўладиган лад, минорни иккинчи турда (молл) деб ҳам аталади, бу турғун учтовушликка бошқа нотурғунлари тортилади. Минорда етти поғона бўлиб, булардан I, III, V поғоналари турғундир, минорнинг турлари – табий минор, гармоник минор ва мелодик (куйсимон) минордир.

МОРДЕНТ – уч нотанинг тез чалинишини кўрсатади. Мордент белгиси (ёки) ноталар устига ёзилади, унда асосий товуш, ёрдамчи товуш (бир пофона юқори ё паст турган) ва яна асосий товуш ижро этилади. Оддий мордентлардан ташқари икки каррали, чизилган мордентлар ҳам бўлади;

МОТИВ – 1. Мусиқа мавзусини ифодаловчи кичик бир мусиқа бўлаги – оҳанги. Мотив одатда кучли ҳиссага эга бўлган тактдан иборат бўлади. 2. Мусиқа асарини қайта кенгайтириб ишланишида маълум хусусиятга эга бўлган мавзунинг хусусиятли қисми;

РОМАНС – 1. Бир овоз учун вокал асар, романс турли мавзу, хусусият ва тузилишда бўлиши мумкин. Кўпроқ лирик ёки лирик-драматик бўлиб, чолғу асбоблари жўрлигига ижро этилади. XIX асрда Россияда романс жуда кенг тарқалди. Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари ҳам кўплаб романслар ёздилар. 2. Вокал мусиқасидан олинниб, ёлғиз мусиқа асбоблари учун яратилган оҳангдор куйлар;

НОКТЮРН – мураккаб уч қисмли шаклларда чекка қисмлар суръати деярли ҳар доим вазмин ёки аллегреттодан секинроқ, ўртача даражада бўлади. Ўрта қисмларда баҳзан жонланиш содир бўлиб, у ҳатто шиддатли ҳаракатга айланиб кетиши мумкин.

биринчи
даврия ўрта қисм → реприза — кода

Ноктюрн – XIX аср бошларидан тарқалған лирик хусусиятдаги пьесадир, у күйпроқ ҳаёл, орзуларни тараннум қилувчи чолғу мусиқаси. Ноктюрннинг вокал тури кам учрайди, кейинги пайтда чолғу асбоблари ва ансамбллар учун ҳам яратилған турларини қўриш мумкин;

НОТАСИЯ – махсус график белгилар воситасида мусика асарларини ёзиш йўли.

Чолғу ижрочилигіда инновациян ёндашув

НЮАНС – товуш оқанғдошлиги, мусиқада динамик үзгаришлар ва товушларнинг эшитилиш хусусиятини үзгартириш белгиларидир, булар аксари итальян тилида ёзилади: долсэ – майнин, мулойим; аппоссионате – серзавқ; энергио – қаттиқ, журҳатли. Нюансни қўллаш (нюансировка), ижро этиладиган мусиқа асарининг шакли, айрим жойларини бўрттириш ёки аксинча, секин берилишига, ҳамда ижрочилик маҳоратига боғлиқ.

ОДА – бирор шахс ёки бирор воқеага бағишилаб, мақтов тариқасида ёзилган тантанали хусусиятдаги мусиқа асари. Ода атамаси бадиий адабиётдан олинган, ода – қасида ўзбек композиторлари томонидан ҳам яратилди, унда хор, якка баритон овози ва симфоник оркестр иштирокида саҳналаштирилди;

ОЛЯНДРА – молдованларнинг хор жўрлигига ижро этиладиган қадимий ҳалқ рақси, рақс бир текис ижро қилиниши билан характерлидир.

Мусиқа ўлчови $\frac{3}{8}$, ўртача тезликда ўйналади. Оляндра кўпроқ хотин-қизлар томонидан ижро этилади. Оляндра деҳқонлар тўйида биринчи тантанали рақс сифатида ҳам ижро қилинади.

ОПЕРА – мусиқали драматик асар. Операда нутқнинг маълум бир қисми ёки деярли ҳаммаси қўйланади. Бошланишидаги муқаддимаси, пардалар оралиғида чалинадиган антрактлардан ташқари, ария, ариозо, дуэт, тертсет, квартет, хор, речитативларни ўз ичига олади. Драматургия, тасвирий санъат, яъни декорация, костюм ва хореография (рақс) операда салмоқли ўрин эгаллайди. Опера XVI асрнинг охирларида Италияда пайдо бўлган, опера тарихий-қаҳрамонлик, тарихий-романтик, эпик, ҳалқ ҳикоя афсоналари, лирик, драматик, ҳажвий каби жанрларда яратилади. Шунга кўра, опера-буффа, опера-водевил, опера-серия каби номлар билан аталади. Ўзбекистон композиторлари томонидан ilk опералар яратилиши 1939 йилдан бошланди;

ОРАТОРИЯ (итал. oratoria, лот. ogo – сўзлайман) – кантатага ўхшаш яккахон ашулачилар, хор ва симфоник, баҳзан ҳалқ чолғулари оркестрлари учун ёзилган кўп қисмли йирик мусиқа асари. Оратория одатда драматик мавзуда бўлсада, саҳнада кўрсатиш учун эмас концертларда ижро этиш учун мўлжалланган. Оратория кантатадан ҳажми жиҳатдан катталиги, эпик-драматик характерда бўлиши, мавзунинг кенглиги билан фарқ қиласа, операдан драматик ривож ўрнига қиссасимон бўлиши билан ажралади. Ораторияда ария, речитатив, вокал ансамбллари, хор қатори, чолғу мусиқалари ҳам бўлади. Ораториянинг лирик-эпик мавзусини очиб беришда хор ва чолғу мусиқа катта ўрин тутади. Ораториянинг ҳар бир қисми ўзига хос, мустақил тугал бир асардек бўлади.

Чолгу ижрочилигидан инновациян ёндашув

ПАСТОРАЛ – 1. Қишлоқ хаётидан олинган, идиллия мавзуидаги, яъни осойишта турмушни тасвир этувчи кичик опера, пантомима, балет. ХВИЙХВИИИ асрларда сарой санъатида пасторал катта ўрин эгаллаган;

2. Маълум режада тасвирий хусусиятда қишлоқ турмуши, табиат кўринишларини тасвирлаб берувчи чолғу пьеса ёки тсикли асар-соната, концерт, симфония;

ПЕНТАТОНИКА – октава оралиғидаги турли баландликка эга бўлган беш товушли тизим. Пентатоника хитой, шотланд, мўғул, корейс, япон каби халқлар мусиқаси учун хусусиятли.

ПОЛОНЕЗ – қадимий поляк рақси, рақс тезроқ юриладиган қадамлар билан тантанали ижро этилади. XIX асрда полонез концертларда ижро этилишини мўлжаллаб, чолғу асбоблари учун ёзилди ва бу кенг тарқалди. Рус композиторлари операларида полонез рақсини қўлладилар. Полонезнинг ўлчови $\frac{3}{4}$ бўлиб, ритмик шакли қўйидагича:



ПОЛКА – чех халқининг қадимий рақси бўлиб, бир жуфтдан доира бўлиб ижро этилади, мусиқа ўлчови $\frac{2}{4}$. Рақс шўх ва жонли бўлиб, XIX асрда бутун Оврўпода бал рақси сифатида композиторлар ижодиётида маълум ўрин эгаллади;

ПОЛИФОНИЯ – кўповозли мусиқа тури, ҳар бир алоҳида мустақилликка эга бўлган бир неча куйнинг гармоник қўшилиб, мураккаблашиб ривожланиши. Полифониядаги овозлар турли оҳанг (интонация), ритм, авж-чўққи, каданслар ҳатто динамик белгилар – туслар ва тембрларда бўлишларидан қатоий назар, булар қўшилиб бир умумий эшитилишга бўйсунадилар. Мусиқа тузилишида полифониянинг аҳамияти жуда муҳим, чунки бундаги куй, ритм, лад ва гармониялар ўзаро узвий боғлиқ ҳолда ривожланади, шунинг учун ҳам мусиқа жанрларининг турли шакллари (фуга, инвенция, канон)да полифоник тузилишларда қўлланилади. Контрапунктли, имитацияга асосланган инвенцияли полифониялар бўлади. XX асрнинг 20-йилларида ўзбек халқ куйларини гармониялашда полифония шаклларидан фойдаланилди.

ПРЕЛЮДИЯ – чолғу пьеса, дастлаб ижро этиладиган асосий мусиқа олдидан келадиган сараҳбор (даромад), яъни кичик пьеса, муқаддима, XV асрдан бошлаб лютия, кейинроқ клавесин ва орган чолғу асбобларини чалувчи созандалар ўртасида тарқала бошлади. XVI-XVIII асрлардан бошлаб прельюдия тсикли чолғу асарлар (прельюдия ва фуга тсикларида бошловчи

Чолғу ижрочилигіда инновациян ёндашув

қисм) сифатида қабул қилинди. Композиторлар прельюдия номи билан фортепиано учун кичик ҳажмдаги чолғу пьесалар яратдилар;

ПЬЕСА – 1. Театр сахнасида күрсатишига мүлжаллаб ёзилган драматик аспар. 2. Ёлғиз бир чолғу асбоби ёки ансамбль учун ёзилган чолғу мусықа. Одатда, кичик ҳажмда фортепиано, скрипка ва ансамбллар учун пьесалар ёзилади;


РАҚС – кенг оммалашган, нафис ҳаракатлар ва маълум бир ритмик тузилишлар билан бадиий образ яратишига асосланган санъатнинг бир тури. Рақсдаги гавданинг мулојим ва нафис ҳаракатлари (пластика) ҳамда ритмик ҳаракатлар мусықа билан чамбарчас боғлиқ ҳолда давом этади.

РЕЗОНАНС – акс садо; асосий товуш берувчи жисмнинг бошқа товуш берувчи жисмларни тұлқинига келтириш билан товушнинг қучайишидир;

РЕКВИЭМ – мотам күйи, мархұмлар хотирасига бағишлиб яратилған вокал ёки вокал-чолғу мусықа асари. XVIII-XIX асрлар буюк композиторлар яратған реквиэмлар концерт эстрадаларида ижро этиладиган давр бўлди. Рус композиторлари ижодиётида реквиэмни халқ қаҳрамонларига бағишлиб ёзилған оратория ва кантаталарда учратиши мумкин.

РЕПЕТИСИЯ – машқ тайёргарлик. Концертларда ижро этиладиган мусықа асарлари ё саҳнада күрсатиладиган саҳна асарларини расмий ижроси олдидан ўтказиладиган тайёргарлик. Тайёрланаётган асарнинг охирги бош (генерал) репетицияси одатда бевосита расмий ижродан аввал ўтказилади.

РЕПРИЗА – 1. Мусықа асарининг айрим қисмини қайтариб ижро этиш учун қўйиладиган белги, у қайтариб чалинадиган парчанинг ҳар икки



томонидан қўйилади:

Реприза нұқталари, нота чизигининг 2-3 ва 3-4 чизиқлари оралиғида қўйилади. Агар қайтариладиган қисмнинг охири иккинчи марта ўзгариб келса, у ҳолда буларнинг устига рақамлари қўйилади:



2. Соната шаклида ривожловдан сўнг келадиган охирги асосий қисм. Реприза экспозицияда бош мавзуга нисбатан бош ва бир тоналликда келади. Репризанинг берилишидан мақсад – сонатадаги асосий мусықа образига (тарз) якун ясаш ва асосий ғояни тасдиқлаб олишdir.

Оддий уч қисмли шаклдаги мусықа асарида биринчи қисмнинг ўзгаришсиз қайтарилиши;

РИГОДОН – тез ижро этиладиган французча рақс (XVII-XVIII аср), у алла бреве ўлчовида, бир чоракда текте олди билан келади. Тўрт чоракли

Чолғу ижрочилигіда инновациян ёндашув

ўлчовда $\frac{4}{4}$ (C) ёзилган тактдаги ноталарни ҳар икки чораги «бир» ҳисобидан, яъни такт $\frac{2}{2}$ (C) ўлчовида саналишини күрсатади, хусусияти жиҳатидан буррега яқин.

РОМАНС – 1. Бир овоз учун вокал асар, романс турли мавзу, хусусият ва тузилишда бўлиши мумкин. Кўпроқ лирик ёки лирик-драматик бўлиб, чолғулар жўрлигига ижро этилади. XIX асрда Россияда романс жуда кенг тарқалди. Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари ҳам кўплаб романслар ёздилар. 2. Вокал мусиқасидан олиниб, ёлғиз мусиқа чолғулари учун яратилган оҳангдор куйлар;

РОНДО – бош мавзуни бир неча бор, турли мазмундаги лавҳа (эпизод)лардан сўнг ҳар доим қайтарилишидан тузилган мусиқа шакли. Рондода бош мавзу камида уч марта асосий тоналликда қайтарилиши шарт. Оралиқда келган янги мавзулар турли тоналликларда бўлиши мумкин, қайтариладиган асосий куйни – рефрен, янги келадиган мавзуларни – куплет деб ҳам аталади. Рондонинг кенг тарқалган тури беш қисмлидир: A+B+A+C+A. Соната тциклидаги мусиқа асарларининг охирги финал қисми кўпроқ рондо шаклида ёзилади. Рондени икки ва уч қисмли шакллар билан таққослаб, рондени бир қанча қисмларини бир-бирига қўшиш йўли билан шаклни шакллантириш деб тушунилади;

РУМБА – XIX асрнинг 20-йилларида Америкада ва Фарбий Оврўпода кенг тарқалган Мексика бал рақси. Румбанинг кескин синкопалик ритми Куба халқ рақсидан олинган, мусиқа ўлчови $\frac{4}{4}$, суръати салмоқли бошланиб, охирига бориб тезлашади; румба жаз мусиқасининг бир шакли ҳисобланади

САРАБАНДА – Испаниянинг қадимий халқ рақси, мусиқа ўлчови $\frac{3}{4}$, $\frac{3}{2}$, уч ҳиссали, типик усуллари  каби, улар каденцияларда  кўринишда келади. Рақс эмоционал ва завқли хусусиятда бўлган. XV-XVI асрларда сарабанда комедия бошланиши олдидан ўйналган. XVII-XVIII асрларда балет сахналарида қўлланила бошланди;

СОЛФЕДЖИО, СОЛФЕДЖО – эшитув малакасини юксалтириш ва нотага қараб уларни тез ўқиши ўрганиш учун ўтказиладиган вокал машқ. Солфеджио мусиқа диктантлари ёзиш, мусиқа асарлари ва турли машқларни

Чолғу ижрочилигіда инновациян ёндашув

нотага қараб, нота номини айтиб куйлаш тариқасида олиб бориши мүмкін. Солфеджио атамаси сол-фа нота номларидан олинган;

СОНАТИНА – кичик соната, кичик ҳажмдаги соната. Сонатина сонатадан маъно жиҳатдан оддийлиги, кичик масштаблилиги, ижро этилиши бирмунча енгиллиги билан фарқ қиласы. Сонатина ўкув репертуарларда, концерт эстрадаларда ҳам ижро этиб турилади.

СТРЕТТО – мусиқа асари суръатини тезлатиш, жадаллаштириш; фугада мавзунинг бир неча товуш билан зич эшлилиши; мусиқа асарининг охирги эпизоди;

ТАМБУРИН – французча рақс бўлиб, ўлчови $\frac{2}{2}$, $\frac{2}{4}$ каби, бу рақс тез ва жонли ижро этилиб, рақсга флейта (чанг) ва тамбуриналар (ноғора) жўр бўлади, шунга кўра, рақс номи ҳам чолғу номи билан аталган, мусиқа адабиётларида бубен шу ном билан юритилади. Тамбурин унча катта бўлмаган чўзиқроқ ноғора шаклидаги урма чолғу;

ТАНГО – қадимий испан халқ рақси бўлиб, тсиганларнинг фламенко номли рақсига ўхшаш. Испан тангосининг куи Кубадан келиб чиқсан бўлиб, хабанера турига киради. Мусиқа ўлчови қўпроқ $\frac{2}{4}$, танго оғир, вазмин суръатда ўйналиб, якка ва жуфт бўлиб эстрадаларда ижро этилади.

ТЕМБР – товуш тузи, ишораси, ҳар бир мусиқа чолғусининг ўзига хос товуш сифати. Чолғу асбобининг тузилиши ва шаклига кўра унинг тембри (ажратиш белгиси) турлича бўлиши мүмкін;


ТЕТРАХОРД – кетма-кет келган тўрт поғона товушқатори оралиғи, интервал. Ладда икки тетрахорд бўлиб, бунинг биринчиси пастки тетрахорд, иккинчиси юқориги тетрахорд деб юритилади.



ТРАНСПОЗИСИЯ – товушларни бошқа тоналликка кўчириш, транспозиция турли шароитда қилинади, яъни ёзилган мусиқа асари ашулачи овозига ноқулай бўлса, ёзилган ноталар ўқиш ёки чалиш учун ноқулай бўлса, мазкур ҳолларда мусиқа асарини бир тоналликдан иккинчи тоналликка транпозиция қилинади, ноталар тоналлиги ўзгартирилади. Бунда мусиқанинг хусусияти, ритми, аккорд тузилмаси, интерваллар муносабати ўзгармайди. Транспозисия асарни бошдан-оёқ маълум бир интервалда, бошқа тоналликка

Чолғу ижрочилигіда инновациян ёндашув

күтариш ё тушириш, мусиқавий калитларни алмаштириш йўли билан амалга оширилади.


ТРЕЛ – бидратма, мелизм турларидан бири,nota йўлида ёзилган бир нотанинг юқориги қўшни пофона билан бирин-кетин тез ва узлуксиз қайтарилиб чалиниши. Трел нотанинг устига қўйилган  (тр) белгиси билан кўрсатилади:



ТРЕПАК – қадимий рус халқ рақси, мусиқа ўлчови $\frac{2}{4}$ бўлиб, жонли суръатда, хушчақчақ ижро этилади. Рақсдаги асосий ҳаракатлар ижрочи томонидан импровизация этилади; трепакнинг мусиқа шаклидан рус композиторлари фойдаланганлар;

УВЕРТИЮРА – 1. Опера, балет, оратория, драма, кинофильм кабиларнинг бошланиши олдидан ижро этилувчи чолғу пьесаси бўлиб, оркестри учун ёзилади. 2. Соната шаклида Ансамбль учун ёзилган мусиқа асари, сахна асарлари учун ёзилган, у кўпроқ шу асарнинг қисқача мазмунини (либретто) баён қилиб беради. Пуфлама халқ чолғулари Ансамбль учун ҳам увертиюра яратилган.

ҮНДЕЦИМА – ўн бир пофона кенглиқдаги интервал, октавага кварта интервали қўшилишидан ҳосил бўлади ва 11 рақами билан кўрсатилади:



ФАНТАЗИЯ – эркин шаклда ёзилган чолғу асари, пьеса. Фантазия мусиқада камер жанри ҳолатида майдонга келди. Дастребки даврда фантазия бадиҳа хусусиятда, эркин шаклда бўлган, кўпроқ орган ё клавесинлар учун яратилган. XIX асрдан бошлаб фортепиано учун ёзилган, маҳорат билан ижро қилинадиган пьесаларни фантазия деб атай бошладилар. Кейинчалик фантазиянинг симфоник Ансамбль жўрлигига ёлғиз бирор чолғу (скрипка, фортепиано, ғижжак) учун ёзилган турлари пайдо бўлди. Ансамбль учун ёзилган маълум бир дастребки йирик симфоник фантазиялар ҳам яратилди. Фантазия учун асос бўлган мавзулар мусиқа асарининг турланиши (вариацион) тартибида ишланган халқ ашулалари, рақслари, опера-балетлардан эркин ҳолда олиниши мумкин, симфоник фантазия асосий жанр ҳисобланади.

Чолғу ижрочилигіда инновациян ёндашув

ХОРОВОД – халқ рақс санхтининг қадимий түри, хоровод драматик воқелик, рақс, ашула билан биргалиқда ижро этилади. Хоровод кўп халқлар ўртасида кенг тарқалган, у – доира бўлиб, айланиб, ашула айтиб ўйналадиган ўйин, давра маъносида;

ЭКСПРОМТ – ҳеч қандай тайёргарликсиз бир йўла бадиҳа (импровизация) тарзида яратилган мусиқа асари. Экспромт – мусиқий лаҳза, хусусияти ва суръатлари ҳар хил бўлади, шакли одатда оддий уч қисмли шаклдан кичик бўлмайди. Экспромт ўзининг лирик ва жўшқинлиги билан ажralиб туради. Экспромт фортепиано ва бошқа чолғулар учун яратилган кичик бир асар (пьеса);

ЭКОССЕЗ – тез суръатлар билан ижро этиладиган шотланд халқ рақси, такт ўлчови илгари $\frac{3}{4}$ да, кейинчалик $\frac{2}{4}$ бўлиб, волинка жўрлигига ижро этилган. Экоссеz бал рақси сифатида Францияда XVII асрда, Россияда XVIII аср бошларида ангlez номи билан тарқалган. XIX асрдан бошлаб экоссеz номи билан атала бошланди. Олмонияда эса шотландча деб юритила бошланди. Экоссезнинг мусиқа шакли кўп қиёфали рақс, кейинчалик бориб композитор ва бастакорлар ҳам шу мавзуда ижод эта бошладилар;

ЭКСПОЗИЦИЯ – 1. Соната шаклининг биринчи бўлиб, бунда асосий мавзулар баён этилади. Соната аллегросининг экспозицияси бир неча мавзу (партия)лардан иборат: а) бош партия асосий мавзуни баён қилиб, кўпроқ драматик хусусиятда бўлади; сўнг боғловчи партия бошқа тоналликка модульяция қилиниб, янги мавзу (материалини) маълумотини тайёрлайди; б) ёрдамчи партия бир ва баҳзан бир неча мавзудан тузилади; кўпроқ лирик хусусиятда бўлади, яъни бош мавзуга қарама-қарши тарзда ҳамда боғловчи партия тайёрлаган тоналликда давом этади (мажорда кўпроқ доминантада, минорда эса ёндош мажор тоналлигига). Кўпинча якунловчи партия ҳам бўлиб, бу ёрдамчи партия тоналлигини мустаҳкамлайди. Боғловчи ва якунловчи партиялари бутунлай бўлмаслиги мумкин; ба]зан бош ва ёрдамчи партия мавзулари бирлаштирилади, унда икки мавзунинг тугалланиши учун хусусиятли бўлган янги мавзу маълумотидан фойдаланилади.

ЭЛЕГИЯ – ҳасрат, зорланиш, ўйчан, қайгули хусусиятда бўлган мусиқа асари – пьеса.

ЭТЮД – ижрочилик маҳоратини ошириш учун маълум бир усулдан мураккаб қилиниб яратилган мусиқа асари. Композитор ва бастакорлар томонидан яратилган этюлар фақат ижрочилик маҳоратини ошириш учунгина эмас, балки катта бадиийликка ҳам эга. Этюлар ижрочи маҳоратини (техникасини) такомиллаштириш учун мўлжалланган пьесалардир. Масалан, бармоқларни равон ҳаракатланиши учун терция,

Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув

октава мисолларида күриш мүмкін. Күпгина этюдлар бадиій асар моҳиятига әга әмас, бироқ шу билан бирга композитор ва бастакорлар олий даражали мусиқий этюдлар яратышмоқда.

ЯЛЛА – кенг тарқалған ўзбек халқ ашуулаларидан, одатда яллани учтүрт ашулачи ижро этади. Бошланғич қисмини (даромад) ҳамма яллачилар баробар (унисон) ижро этадилар. Ўрта авж бўлимини айрим ашулачилар, ниҳоят катта авжини (кульминация) бир ашулачи бошлаб, унинг ўрта қисмида бошқа ашулачилар қўшилади; аксарият яллалар бандли (куплет) шаклда бўлади.

ЧАРДАШ – венгер халқ рақси, чардашни жуфт-жуфт бўлиб ўйналади. Мусиқа ўлчови $\frac{2}{4}$, бу рақс икки қисмдан иборат бўлиб, биринчиси салмоқли, ҳаяжонли, иккинчиси тез, шиддатли (буни фришка деб аталади). Чардашнинг ритми синкопали, яъни қаттиқ чалинадиган (акцентли) нотанинг кучли ҳиссадан кучсиз ҳиссага кўчиши.

| Ёзилиши | Қайси тилдан | Үқилиши | Таржимаси |
|-----------------------|-------------------------|-------------------------|---|
| A | | | |
| abstrich | <i>nem.</i> | <i>abshtrix</i> | - камоннинг (смычок) пастга ҳаракати |
| abwechselnd | <i>nem.</i> | <i>abvkselg'nd</i> | - алмаштириб (чолғуларни) |
| a capella | <i>ital.</i> | <i>a kapella</i> | - жүрнавозсиз хор ижроси (хорнинг ўзи) |
| accelerando | <i>ital.</i> | <i>achchelerando</i> | - тезлашиб |
| adagietto | <i>ital.</i> | <i>adajietto</i> | - адагиога нисбатан сал тезроқ |
| adagio | <i>ital.</i> | <i>adajio</i> | - секин |
| affetto | <i>ital.</i> | <i>affetto</i> | - сезги; аффеттуосо (аффеттуозо) – сезиб |
| agitato | <i>ital.</i> | <i>ajitato</i> | - эътирос билан, ҳаяжон билан |
| alcuna licenza | <i>ital.</i> | <i>alkuna lichentsa</i> | - бир оз эркин ижро, ритм ва мусиқий суръатдан бир оз чиқиши |
| alla | <i>ital.</i> | <i>alla</i> | - ...га ўхшатиб, ... кайфиятида (а ла – франтс.) |
| alla breve | <i>ital.</i> | <i>alla breve</i> | - яримталик ноталар билан ҳисобланадиган (чоракталик эмас) 4 ҳиссали такт. Унда тактлар икки ҳиссали ҳаракат билан дирижёрлик қилинади. |
| allargando | <i>ital.</i> | <i>allargando</i> | - секинлаштириш, кенгайтириб |
| alla stretta | <i>ital.</i> | <i>alla stretta</i> | - тезлашиб |
| allegretto | <i>ital.</i> | <i>allegretto</i> | - аллегро га нисбатан секинроқ мусиқий суръат |
| allegro | <i>ital.</i> | <i>allegro</i> | - тез |
| allmahlich | <i>iem.</i> | <i>alg'mexlix</i> | - аста-секин |
| alto | <i>ital.</i> | <i>alg'to</i> | - алт (овоз) |

Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув

| | | | |
|-----------------------|--------------|-----------------------|--|
| altri | <i>ital.</i> | <i>alg’tri</i> | - солистсиз (якканавозсиз, яккахонсиз) гурух |
| an | <i>nem.</i> | <i>an</i> | - ...га |
| andante | <i>ital.</i> | <i>andante</i> | - ошиқмасдан, ошиқмай |
| andantino | <i>ital.</i> | <i>andantino</i> | - анданте га нисбатан бир оз тезроқ |
| anfang | <i>nem.</i> | <i>anfang</i> | - бошланиш |
| anima | <i>ital.</i> | <i>anima</i> | - күнгил, юрак. сон анима – сезиб, сезги билан; анимато – илхом билан, жонланиб |
| aperti, aperto | <i>ital.</i> | <i>aperti, aperto</i> | - очиқ овоз билан (мисли дамли чолғуларда сурдинасиз, урма зарбли чолғуларда овозни бўғмасдан чалиш). |
| appassionato | <i>ital.</i> | <i>appassionato</i> | - эътирос билан |
| archet | <i>fran.</i> | <i>arshe</i> | - камон (смқчок) |
| archi | <i>ital.</i> | <i>arki</i> | - корли-камонли чолғулар |
| arco | <i>ital.</i> | <i>arko</i> | - камон (смқчок); солъарсо – камон билан чалиш |
| arfa | <i>ital.</i> | <i>arfa</i> | - арфа |
| assai | <i>ital.</i> | <i>assai</i> | - ғоят, жуда |
| attacca | <i>ital.</i> | <i>attakka</i> | - асарнинг кейинги қисмига тўхтовсиз ўтиш |
| auf | <i>nem.</i> | <i>auf</i> | - ...га |
| aufstrich | <i>nem.</i> | <i>aufshtrix</i> | - камоннинг юқорига харакати |
| auftakt | <i>nem.</i> | <i>auftakt</i> | - нафас, тактолди |
| aus | <i>nem.</i> | <i>aus</i> | - ...дан, билан |
| B | | | |
| bachetta | <i>ital.</i> | <i>bakketta</i> | - 1) зарбли чолғулар учун таёқча, 2) камоннинг ёғоч қисми; бачетта ди тимъани – литавра чўпи (таёқчаси) (багуэтте – францс. багет) |

Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув

| | | | |
|-----------------|--------------|-----------------|--|
| banda | <i>ital.</i> | <i>banda</i> | - 1) дамли чолғулар оркестри, 2) опера ёки симфоник оркестрлардаги күшимчә мисли дамли чолғулар гурухи |
| bassoon | <i>fran.</i> | <i>basson</i> | - фагот |
| baton | <i>ingl.</i> | <i>beten</i> | - дирижёр таёқчаси (Батон – франц. бетен) |
| batterie | <i>fran.</i> | <i>batri</i> | - бир нечта урма-зарбли чолғулардан ташкил топган гурух |
| battuta | <i>ital.</i> | <i>battuta</i> | - 1) зарб, 2) такт, 3) дирижёрлик таёқчаси; а баттута – ритмик аниқ ижрөгө қайтиш |
| becken | <i>nem.</i> | <i>bekken</i> | - тарелкалар |
| belebend | <i>nem.</i> | <i>belebend</i> | - илхом билан, жонланиб |
| bewegung | <i>nem</i> | <i>bevegung</i> | - ҳаракат, Бешэгт – ҳаяжон билан |
| bis | <i>lot.</i> | <i>bis</i> | - қайтариш, бирор бир қисмни икки марта қайтариш. |
| blaser | <i>nem.</i> | <i>blezer</i> | - дамли чолғу (ёки бласиннструменте – блязиннструменте) |
| bogen | <i>nem.</i> | <i>bogen</i> | - камон (смұқчок) |
| bois | <i>fran.</i> | <i>bua</i> | - қадимий дамли чолғу |
| bouche | <i>fran.</i> | <i>bushe</i> | - валторнанинг ёпик овози |
| bratsche | <i>nem.</i> | <i>bratshe</i> | - алт (камонли чолғу) |
| breit | <i>nem.</i> | <i>brayt</i> | - кенг |
| brio | <i>ital.</i> | <i>brio</i> | - жонли, қувноқ (сон брио – жонланиб, қувноқ) |

C

| | | | |
|----------------|--------------|-----------------|-----------------------------------|
| caccia | <i>ital.</i> | <i>kachcha</i> | - ХИВ-ХВИ асрлар вокал мус. жанри |
| cadenza | <i>ital.</i> | <i>kadentsa</i> | - 1) каданс, 2) каденция |
| caisse | <i>fran.</i> | <i>kes</i> | - барабан |

Чолғу ижрочилигіда инновациян ёндашув

| | | | |
|-------------------------|--------------|-------------------------|--|
| calando | <i>ital.</i> | <i>kalando</i> | - овоз кучини Үасайтириб бориш |
| cam'ana | <i>ital.</i> | <i>kam'ana</i> | - қүнғироқ (колокол) |
| cam'anello | <i>ital.</i> | <i>kam'anello</i> | - қүнғироқча |
| cantabile | <i>ital.</i> | <i>kantabile</i> | - куйчан |
| canto | <i>ital.</i> | <i>kanto</i> | - 1) қүшиқ, оханг, ҳиргойи 2) юқори овоз: дискант, сопрано |
| capo | <i>ital.</i> | <i>kapo</i> | - бош, бошланиш |
| cassa | <i>ital.</i> | <i>kassa</i> | - барабан |
| castagnette | <i>ital.</i> | <i>kastang'ette</i> | - кастанета |
| celesta | <i>ital.</i> | <i>chelesta</i> | - челеста |
| cembalo | <i>ital.</i> | <i>chembalо</i> | - чембало, клавесин |
| cinelli | <i>ital.</i> | <i>chinelli</i> | - тарелкалар |
| claquebois | <i>fran.</i> | <i>klyakbua</i> | - ксилофон |
| clarinetto | <i>ital.</i> | <i>klarinetto</i> | - кларнет |
| clarino | <i>ital.</i> | <i>klarino</i> | - табиий (асл) труба |
| cloche | <i>fran.</i> | <i>klyosh</i> | - қүнғироқ |
| coda | <i>ital.</i> | <i>koda</i> | - кода (тугалловчи қисм) |
| col (solla) | <i>ital.</i> | <i>kolg' (kolla)</i> | - билан, солла парте (<i>колла Җарме</i>) – партия билан биргаликда (асосий партияни кузатиб) |
| come | <i>ital.</i> | <i>kome</i> | - ...дек, худди соме сўра (<i>коме сўра</i>) – (худди) бошидагидек |
| comodo | <i>ital.</i> | <i>komodo</i> | - қулай, енгил, зўриқмасдан |
| con | <i>ital.</i> | <i>kon</i> | - билан, ... билан бирга |
| conducteur | <i>fran.</i> | <i>kondyukter</i> | - дирижёр |
| continuo | <i>ital.</i> | <i>kontinuo</i> | - ҳар доим, тўхтовсиз, давомли бассо сонтинуо (<i>бассо континую</i>) – тўхтовсиз, давомли бас |
| contrabasso | <i>ital.</i> | <i>kontrabasso</i> | - контрабас |
| contrafagotto | <i>ital.</i> | <i>kontrafagotto</i> | - контрафагот |
| coperto | <i>ital.</i> | <i>koperto</i> | - ёпиқ овоз |
| corda | <i>ital.</i> | <i>korda</i> | - тор, сим |
| cornet-a-'istons | <i>fran.</i> | <i>kornet-a- 'iston</i> | - корнет-а-Ҷистон |
| cornetta | <i>ital.</i> | <i>kornetta</i> | - корнет |

Чолғу ижрочилигіда инновациян ёндашув

| | | | |
|------------------|--------------|------------------|--|
| corno | <i>ital.</i> | <i>korno</i> | - валторна, сорно инглесе (итал. <i>корно</i> инглезе) – инглиз рожоги |
| coro | <i>ital.</i> | <i>koro</i> | - хор |
| crescendo | <i>ital.</i> | <i>kreshendo</i> | - овоз кучини аста-сэкин кучайтириш |
| cymbales | <i>fran.</i> | <i>kenbalg'</i> | - тарелкалар |

D

| | | | |
|------------------------|--------------|--------------------------|--|
| da capo al fine | <i>ital.</i> | <i>da kapo alg' fine</i> | - бошидан охирігача қайтариш |
| damfer | <i>nem.</i> | <i>demfer</i> | - сурдина |
| deciso | <i>ital.</i> | <i>dechizo</i> | - журҳат билан, құрқмасдан |
| decrescendo | <i>ital.</i> | <i>dekreshendo</i> | - овоз кучини аста-сэкин пасайтириш |
| detache | <i>fran.</i> | <i>detashe</i> | - камонли чолғуларда ижро штрихи, ҳар бир овоз тордан узилмаган ҳолда алоҳида йүналишларда ижро этилади. |
| diminuendo | <i>ital.</i> | <i>diminuendo</i> | - овоз кучини аста Тасайтириб бориш |
| direction | <i>fran.</i> | <i>direksg'on</i> | - дирижёрлик |
| divisi | <i>ital.</i> | <i>divizi</i> | - бир хил турдаги чолғу гурухларининг бўлиниб чалиши, (масалан: аккордларни); нон дивиси (итал. <i>нон дивизи</i>) – бўлинмасдан ижро этиш |
| dolce | <i>ital.</i> | <i>dolche</i> | - майин |
| dolente | <i>ital.</i> | <i>dolente</i> | - арз билан, дард билан |
| doppelzunge | <i>nem.</i> | <i>doppelg'tsunge</i> | - дамли чолғуларда тилни икки марта уриш |
| doppio | <i>ital.</i> | <i>doppio</i> | - икки карра доппио мовименто (доппио мовименто) – икки карра тез |
| double | <i>fran.</i> | <i>dubl'</i> | - қўш, қўшалоқ, қайтариш |
| drangent | <i>nem.</i> | <i>drengend</i> | - тезлашиб |

Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув

| | | | |
|---------------------|--------------|----------------------|---|
| due | <i>ital.</i> | <i>due</i> | - икки; а деух (фран. а де) – иккаласи, 2 чолғу |
| E | | | |
| echo | <i>fran.</i> | <i>eko</i> | - эхо, валторнада ижро услуги |
| edition | <i>fran.</i> | <i>edisg' on</i> | - нашриёт |
| eilen | <i>nem.</i> | <i>aylen</i> | - шошилиб |
| einfach | <i>nem.</i> | <i>aynfax</i> | - оддий, енгил |
| en dehors | <i>fran.</i> | <i>an deor</i> | - охангни ажратиш ёки алохидан овоз |
| energico | <i>ital.</i> | <i>enerjiko</i> | - энергия билан, кучли, шижаат билан |
| englischhorn | <i>nem.</i> | <i>englishxorn</i> | - инглиз рожоги |
| espressivo | <i>ital.</i> | <i>espressivo</i> | - ифодали |
| etwas | <i>nem.</i> | <i>etvas</i> | - бир оз, озгина |
| F | | | |
| fagott | <i>nem.</i> | <i>fagot</i> | - фагот |
| fast | <i>ital.</i> | <i>fast</i> | - кучли, тез |
| feierlich | <i>nem.</i> | <i>fayerlix</i> | - тантанали, байрамона |
| ferme | <i>nem.</i> | <i>ferme</i> | - ёпик овоз |
| feroce | <i>ital.</i> | <i>feroche</i> | - ғазаб билан, ёввойи |
| feuer | <i>nem.</i> | <i>oyer</i> | - олов, қайноқ |
| fiati | <i>ital.</i> | <i>fg'yati</i> | - дамли чолғулар |
| fine | <i>ital.</i> | <i>fine</i> | - тамом |
| flagioletto | <i>ital.</i> | <i>fladjoletto</i> | - 1) флажолет (камонли чолғулар ва арфадаги ижро услуги, 2) қадимий флейта тури |
| flat | <i>ingl.</i> | <i>flet</i> | - бемол |
| flatterzunge | <i>nem.</i> | <i>flattertsunge</i> | - дамли чолғуларда ижро услуги (тремоло тури) |
| flautando | <i>ital.</i> | <i>flautando</i> | - камон билан грифга яқин чалиш (флейта овозига ўхшатыб) |
| forte | <i>ital.</i> | <i>forte</i> | - кучли, қаттық; фортиссимо – жуда кучли |

Чолғу ижрочилигіда инновациян ёндашув

| | | | |
|-----------------|--------------|-----------------|--|
| frullato | <i>ital.</i> | <i>frullato</i> | - дамли чолғуларда ижро услуби (тремоло тури) |
| fuoco | <i>ital.</i> | <i>fuoko</i> | - олов; сон фуосо – олов билан |

G

| | | | |
|-------------------|--------------|------------------|--|
| geige | <i>nem.</i> | <i>gayge</i> | - скрипка |
| gemachlich | <i>nem.</i> | <i>gemexlix</i> | - осуда, тинч |
| gemessen | <i>nem.</i> | <i>gemessen</i> | - аник, ўлчовдан чиқмасдан |
| gesang | <i>nem.</i> | <i>gezang</i> | - қүшиқ |
| gesto'ft | <i>nem.</i> | <i>geshto'ft</i> | - ёпиқ овоз |
| geteilt | <i>nem.</i> | <i>getaylt</i> | - бир турдаги камонли чолғулар гурухининг иккига бўлинниб чалиши |
| giocoso | <i>ital.</i> | <i>jokozo</i> | - шодланиб, қувноқ, ўйноқи |
| giusto | <i>ital.</i> | <i>justo</i> | - тўғри, аник, ўлчовда |
| glissando | <i>ital.</i> | <i>glissando</i> | - глиссандо |
| glocke | <i>nem.</i> | <i>gloke</i> | - қўнғироқ |
| gran | <i>ital.</i> | <i>gran</i> | - катта |
| grandioso | <i>ital.</i> | <i>grandiozo</i> | - салобатли |
| grave | <i>ital.</i> | <i>grave</i> | - оғир, тантанали |
| grazia | <i>ital.</i> | <i>gratsia</i> | - грация, эҳтиёт билан |
| grosso | <i>ital.</i> | <i>grosso</i> | - катта, йирик |
| gusto | <i>ital.</i> | <i>gusto</i> | - маъноли (ширали) |

H

| | | | |
|--------------------|--------------|-------------------|--|
| halbte | <i>nem.</i> | <i>xelbfte</i> | - ярим |
| harfe | <i>nem.</i> | <i>xarfe</i> | - арфа |
| harmonique | <i>fran.</i> | <i>armonik</i> | - гармоник (аккорд) |
| harpeggiert | <i>nem.</i> | <i>xarpedjirt</i> | - арпеджиованно |
| hastig | <i>nem.</i> | <i>xastix</i> | - шошилиб |
| hauptsatz | <i>nem.</i> | <i>xauptzats</i> | - бош партия |
| hautbois | <i>fran.</i> | <i>obua</i> | - гобой |
| heftig | <i>nem.</i> | <i>xeftix</i> | - ... га томон интилиб |
| heimlich | <i>nem.</i> | <i>xaymlix</i> | - сирли, ёпиқ |
| heraus | <i>nem.</i> | <i>xeraus</i> | - ...дан ташқари, ичида эмас; бирор-бир овозни ажратиб ижро этиш |
| herzlich | <i>nem.</i> | <i>xertslix</i> | - чин дилдан, юракдан |

Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув

| | | | |
|---------------|-------------|---------------|---------------|
| hinter | <i>nem.</i> | <i>xinter</i> | - орқада |
| hoboe | <i>nem.</i> | <i>xoboe</i> | - гобой |
| hohe | <i>nem.</i> | <i>xoe</i> | - баландлик |
| horn | <i>nem.</i> | <i>xorn</i> | - валторна |
| humor | <i>nem.</i> | <i>xumor</i> | - юмор, ҳазил |

I

| | | | |
|-------------------|----------------------------|---------------------|------------------------------|
| imitando | <i>ital.</i> | <i>imitando</i> | - ўхшатиб |
| immer | <i>nem.</i> | <i>immer</i> | - ҳар доим, ҳамма вакт |
| in | <i>ital.</i> | <i>in</i> | - ...га, ...га томон, ...дан |
| incalzando | <i>ital.</i> | <i>inkal'tsando</i> | - тезлашиб |
| intrada | <i>lot,</i> <i>nem.</i> | <i>intrada</i> | - кириш |

K

| | | | |
|---------------------|--------------|-------------------|---|
| kettle-drums | <i>ital.</i> | <i>ketl-dramz</i> | - литавралар |
| klagend | <i>nem.</i> | <i>klagend</i> | - арз билан |
| clang | <i>nem.</i> | <i>clang</i> | - овоз, тон, тембр |
| klarinette | <i>nem.</i> | <i>clarinette</i> | - кларнет |
| klavier | <i>nem.</i> | <i>klavir</i> | - торли-клавиши чолғуларнинг умумий аталиши (клавесин, фортециано ва б.) |
| klein | <i>nem.</i> | <i>klyayn</i> | - кичик |
| kraft | <i>nem.</i> | <i>kraft</i> | - куч |
| kurz | <i>nem.</i> | <i>kurts</i> | - қисқа, узид |

L

| | | | |
|-----------------------|--------------|--------------------|--|
| laissez vibrer | <i>fran.</i> | <i>lesse vibre</i> | - 1) фортецианонинг ўнг педалида чалиш, 2) арфада торлар вибрациясини тұхт. |
| lamento | <i>ital.</i> | <i>lamento</i> | - йиғи, хүрсинаш |
| langsam | <i>nem.</i> | <i>langzam</i> | - секин |
| larghetto | <i>ital.</i> | <i>largetto</i> | - Ларго дан тезрок, андантедан секирок |
| largo | <i>ital.</i> | <i>largo</i> | - кенг, секин |
| laut | <i>nem.</i> | <i>laut</i> | - қаттиқ |

Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув

| | | | |
|----------------|--------------|----------------|--|
| leader | <i>ingl.</i> | <i>liide</i> | - бошқарувчи (дирижёр, концертмейстер) |
| lebhaft | <i>nem.</i> | <i>lebxaft</i> | - жонли |
| leer | <i>nem.</i> | <i>leer</i> | - бўш, леэре сеите (леэре зайде) – очиқ сим. |
| legato | <i>ital.</i> | <i>legato</i> | - легато. ноталарни бўлмасдан, улаб чалиш Нон легато – ноталарни бўлиб чалиш |
| leggero | <i>ital.</i> | <i>ledjero</i> | - енгил |
| legno | <i>ital.</i> | <i>leng'o</i> | - камоннинг ёғоч қисми, сон легно – камоннинг ёғоч қисми билан чалиш. |
| leise | <i>nem.</i> | <i>lyayze</i> | - секин, сокин |
| lento | <i>ital.</i> | <i>lento</i> | - секин, кучсиз, чўзиб |
| liberta | <i>ital.</i> | <i>liberta</i> | - озод, эркин |
| libitum | <i>lot.</i> | <i>libitum</i> | - исталган, ад либитум – хоҳишига қараб. |
| loco | <i>lot.</i> | <i>loko</i> | - ёзув бўйича чалиш |
| lungo | <i>ital.</i> | <i>lungo</i> | - узун, узоқ |
| lustig | <i>nem.</i> | <i>lyustix</i> | - қувноқ, кулгили |

М

| | | | |
|------------------|--------------|------------------|--|
| ma | <i>ital.</i> | <i>ma</i> | - лекин |
| maestoso | <i>ital.</i> | <i>maestozo</i> | - тантанавор, улуғвор |
| main | <i>fran.</i> | <i>men</i> | - қўл |
| marcato | <i>ital.</i> | <i>markato</i> | - ажратиб |
| marcia | <i>ital.</i> | <i>marcha</i> | - марш |
| marlete | <i>fran.</i> | <i>marlete</i> | - камонли чолғуларда штрих тури |
| marziale | <i>ital.</i> | <i>martsiale</i> | - жанговар |
| meno | <i>ital.</i> | <i>meno</i> | - ...роқ, озроқ, бир оз мено моссо – секинроқ |
| mezzo | <i>ital.</i> | <i>metsdzo</i> | - ярим, ўртача мессо форте – ўртача куч билан ф |
| militaire | <i>fran.</i> | <i>militer</i> | - ҳарбий |
| mit | <i>nem.</i> | <i>mit</i> | - билан, бирга |
| mixte | <i>nem.</i> | <i>mikst</i> | - аралаш, ҳар-хил, турли |
| moderato | <i>ital.</i> | <i>moderato</i> | - ўртача |

Чолғу ижрочилигіда инновацион ёндашув

| | | | |
|-----------------|--------------|----------------|--|
| moglich | <i>nem.</i> | <i>myoglix</i> | - бўлиши мумкин, балки |
| molto | <i>ital.</i> | <i>molto</i> | - жуда, ғоят |
| mordente | <i>ital.</i> | <i>mordent</i> | - ўткир, учли (мелизм тури) |
| morendo | <i>ital.</i> | <i>morendo</i> | - овознинг йўқолиб бориши |
| moto | <i>ital.</i> | <i>moto</i> | - ҳаракат, сон мото – ҳаракат билан |
| muta | <i>lot.</i> | <i>muta</i> | - алмаштирилган. Мута ин ... - га алмаштирилган партияларда кўрсатилади. Масалан: доирани ноғорага |

N

| | | | |
|---------------------|-------------|-------------------|--|
| nach | <i>nem.</i> | <i>nax</i> | - ...га, ...да, ...дан кейин |
| nachlassend | <i>nem.</i> | <i>naxlassend</i> | - Ўасайтиш (овоз), кучизланиш, хотиржам |
| natürlich | <i>nem.</i> | <i>natyurlix</i> | - табиий, одатий. М: Ўизз. дан кейин нат. |
| nicht | <i>nem.</i> | <i>nixt</i> | - эмас, ...масдан М: ничт счнелл – шошмасдан |
| niederschlag | <i>nem.</i> | <i>nidershlag</i> | - дирижёр таёқчасининг Ўастга ҳаракати |
| nimmt | <i>nem.</i> | <i>nimt</i> | - олинг. М: ниммт Б-Кларинетте – созандага ин Б кларнетини олиш кўрсатмаси |
| noch | <i>nem.</i> | <i>nox</i> | - яна |

O

| | | | |
|------------------|--------------|------------------|---|
| obbligato | <i>ital.</i> | <i>obbligato</i> | - керакли, мажбурий |
| oboe | <i>ital.</i> | <i>oboe</i> | - гобой |
| offen | <i>nem.</i> | <i>offen</i> | - очиқ овоз, сурдинасиз |
| oft | <i>nem.</i> | <i>oft</i> | - тез-тез |
| ohne | <i>nem.</i> | <i>one</i> | - ...сиз, ...дан ташқари |
| opus | <i>lot.</i> | <i>opus</i> | - асар |
| ordinario | <i>ital.</i> | <i>ordinarno</i> | - одатий (ижро). М: Ўизз. дан кейин арсо |
| organo | <i>ital.</i> | <i>organo</i> | - орган |
| ossia | <i>ital.</i> | <i>ossia</i> | - ёки, енгил вариант (одатда текстни енгиллаштириш) |

Чолғу ижрочилигіда инновациян ёндашув

| | | | |
|--------------------|--------------|---------------------|--|
| ostinato | <i>ital.</i> | <i>ostinato</i> | - мустахкам, ўжар. М: бассо остинато – оханг ёки ритмик кўринишни ўзгартирмасдан бир ҳил қайтариб чалиб туриш. |
| ouvert | <i>fran.</i> | <i>uver</i> | - очиқ овоз |
| P | | | |
| partitura | <i>ital.</i> | <i>partitura</i> | - партитура |
